



R 496  
1984/7

Экс  
№2

ГУЛИСТОН  
7  
1984



## ШОНЛИ ВАТАН ҚЎШИҒИ

Дунё чиройи кўркам жамолнинг,  
Жаҳоннинг фахри сенинг камолнинг,  
Хушбўй таратгай эсган шамолнинг,  
Боғ ила бўстон бўлган Ватансан,  
Файзу сафога тўлган Ватансан.  
Эрк қуёшидан нур эмиб ўсдинг,  
Сарҳад дахлсиз, мустаҳкам постинг.  
Дунёда кўлдир қадрдон дўстинг,  
Оламга донғи кетган Ватансан,  
Мақсад, муродга етган Ватансан.  
Тинчлик, ободлик биз юрган жойда,  
«Луноход»имиз сайр этар Ойда,  
Ҳар бир ишимиз инсонга фойда,  
Оламга дoston бўлган Ватансан,  
Шону шарафга тўлган Ватансан.  
Эзгу иш тушар халқнинг ўйига,  
ГЭСлар қурилар дарё бўйига,  
Меҳмонлар келар зафар тўйига,  
Дунёга донғи кетган Ватансан,  
Эзгу тилакка етган Ватансан.  
Меҳнатда ўтар сенда қишу ёз,  
Улуғ партия ҳар ишда устоз,  
Шунинг учун ҳам ҳамма ишинг соз,  
Оламга дoston бўлган Ватансан,  
Шону шарафга тўлган Ватансан.  
Ҳар ерга етар чўзганда қўлинг,  
Гулдир, чамандир соғ ила сўлинг,  
Партия раҳбар, мунаввар йўлинг,  
Оламга донғи кетган Ватансан,  
Эзгу тилакка етган Ватансан.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
ойлик ижтимоий-сиёсий,  
адабий-бадиий журнали

№ 7 (413)

Июль  
1984

ЭКС  
№2

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг нашриёти

# Доҳий ВАСИЯТИГА САДОҚАТ

Саъди СИРОЖИДДИНОВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги,  
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг ректори

Р ЕСПУБЛИКАМИЗ меҳнаткашлари кутлуг сана — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигини барча соҳаларда эришилган буюк муваффақиятлар билан нишонлаш арафасида турибдилар. Бу — ажойиб воқелигимиз тимсолида намоён бўлаётган ленинча ғоялар ҳаётбахш куч-қудратининг тантанасидир. Республикаимиз меҳнаткашларининг қўлга киритган барча зафарларида Урта Осиёда биринчи марта очилган олий ўқув юрти — Владимир Ильич Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг ҳам ҳиссаси салмоқлидир.

1920 йил... Ёш Советлар мамлакатни оғир кунларни бошдан кечираётган пайтлар эди. Лекин шундай оғир кезлардаёқ жаҳон пролетариатининг доҳийси В. И. Ленин Урта Осиё халқларининг тақдирини ҳақида, уларни ёппасига маърифатли қилиш, фан ва маданиятини раванқ топтириш ҳақида ўйларди. Владимир Ильич ўша йили Тошкентда Туркстон Давлат университетини ташкил этиш ҳақидаги тарихий декретга имзо чекди. В. И. Ленин йўланмаси билан бу олис шаҳарга Москвадан, Петрограддан махсус поездда олимлар йўлга чиқдилар.

Тошкентга кириб келган биринчи эшелонда олимлар, унинг изидан келган бошқа беш эшелонда эса, мутахассислар, асбоб-ускуналар ва кутубхона бор эди. Ўзбекистонга кириб келган ленинча фан поездига ҳозирги кун юксакликларидан рази ташласақ, аввало, амалга оширилган ишларнинг қўлами ва миқёси тасаввурни лол қолдиради. Университет Урта Осиёдаги барча республикалар учун кадрлар етиштириб берадиган чинакам илмий даргоҳга айланди. У мамлакатдаги етакчи олий ўқув юртининг бири ҳисобланади. Бугунги кунда университет аудиториялари ва лабораторияларида, 16 факультетнинг кундузги, кечки ва сиртки бўлимларида 19 минг студент таълим олаётир. Бу ерда 20 академик ва республика Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси, юзта профессор ҳамда 900 дан зиёд фан кандидати ва доцент студентлар билан машғул ўтказадилар. Республикаимизнинг бу етакчи олий даргоҳида ҳаммаси бўлиб 1 минг 900 дан зиёд педагог ва илмий ходим меҳнат қилади. Бундан ташқари, олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларида 400 дан ортқ аспирант ва стажёр, 8 минг студент иштирок этади.

Албатта, олимлар, мутахассислар ва студентларнинг ана шундай йирик отрядларининг бир-бирлари билан ҳамкорликда ва бутун қобилиятларини тўла-тўқис сафарбар этиб меҳнат қилишлари учун уларга комплекс ёндашув талаб қилинади. Бунда олий илмий даргоҳнинг шонли аъёнлари катта роль ўйнайди. Тошкентга ленинча «фан эшелони» билан келган олимлар ва педагогларнинг хизмати ҳеч қачон унутилмайди. Улар университетининг ташкил топиши ва раванқига, Ўзбекистон ССР ва Урта Осиёнинг бошқа республикаларига илмий кадрлар, тажрибали педагоглар тайёрлаш ишига ниҳоятда катта

ҳисса қўшдилар. Биз ана шу олимларни, улар билан бирга эса, Тошкентда дастлабки шанбалиқларга чиққан, ўша 1924 йили республикани ташкил этишда иштирок этган, мамлакатни индустриалаштиришда, пахта мустақиллиги учун курашда қатнашган, Улуғ Ватан урушида фашизмга қарши мардонавор жанг қилиб, урушдан кейинги йилларда халқ хўжалигини тиклаш ишларида муносиб меҳнат қилган кишилар хизматиани асло унутмаймиз.

Ажойиб аъёнларни раванқ топтириб ва бойитиб, мутахассислар тайёрлаш ишига иқодий ёндашган ҳолда биз тобора салмоқлироқ самараларга эришяётимиз. Утган йили университетни битириб кетганлар орасида олий максалларни рўёбга чиқариш йўлида изчил, уларга таълим берган илмий даргоҳ номига муносиб ўнлаб ажойиб аълочилар билор. Биз бу ўринда тарихчи Севар Пулатов ва биолог Сергей Русс, математик Иномжон Ғаниев ва юрист Гулнора Орипова ва яна кўплаб ёш мутахассислар номини ҳурмат билан қайд этиб ўтаемиз.

Уларнинг изидан бораётган талабалар учун ҳам ажойиб шароитлар яратиб берилган. Республикада энг бой — уч миллион нусха китобга эга бўлган кутубхона, замонавий лаборатория ва аудиториялар, спорт комплекси ҳамда ишлаб чиқариш ва ўқув тажрибаси учун мўлжалланган базалар студентлар ихтиёрида. Университетда илм-фан раванқига ниҳоятда катта аҳамият берилди. 136 кафедрда илмий ишлар олиб борилади. Тадқиқотчилар ва педагоглар орасида эса, 23 киши СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларининг лауреатлари, 60 дан зиёд киши хизмат кўрсатган фан ва маданият арбобларидир.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги системасида биринчи бўлиб ташкил этилган олий ўқув юртлироқ илмий тадқиқотлар бўйича хизмат маркази — Амалий физика илмий-тадқиқот институти илмий изланишларда янги самараларни юзага чиқаришга кўмаклашади. Институти умумий майдони минг квадрат метрдан иборат бетатрон лабораторияси ва юз квадрат метрдан зиёд машина залига эга. Институтининг бетатрон ва микроотрон лабораторияларига эга бўлган филиали Самарқанд шаҳрида ҳам қад кўтармоқда. Амалий физика илмий-тадқиқот институтининг олимлари амалга оширган ишлар ҳозирнинг ўзидаёқ фан оламида тобора шўх-рат қозонаётир. Умид қиламизки, институтининг салмоқли илмий базаси ҳамда унинг тажрибали мутахассислари зарядланган зарралар ва гамма-квантларнинг модда билан ўзаро муносабати соҳасидаги мураккаб масалаларни ҳал этишда, микроэлектроника, оптоэлектроника ва дозиметрия учун истиқболли бўлган янги материалларни излаб топиш ва тадқиқ қилишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Кейинги пайтларда университетининг ишлаб чиқариш билан алоқаси аниқгина мустаҳкамланди. Бу нарсга мутахассисларни сифат жиҳатидан янада ма-



Фойдали қазилмаларни қидириб топиш ва Ер тубини ўрганиш борасида олиб борилаётган геофизик тадқиқотлар Ватан ва чет эл илмий жамоатчилигининг алоҳида эътирофига сазовор бўлди. Зилзилани олдиндан айтиб бериш бўйича келгусида амалга оширилаётган ишларда бу нарса муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу комплекс тадқиқотларга профессор Б. Б. Таль-Вирский бошчилик қилаётди. Эришилган муваффақиятлар учун профессор Б. Б. Таль-Вирский бошқа муаллифлар билан бирликда СССР Давлат мукофотиغا сазовор бўлди.

Университетимизда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, СССР Давлат мукофоти лауреати Т. А. Саримсоқов бошчилигида функционал анализ соҳасида самарали тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Биология-тупроқшунослик факультетида профессор Ж. А. Мусаев томонидан ташкил этилган гўзанин хусусий генетика муаммо лабораторияси муваффақиятли ишламоқда. Олимлар ва мутахассисларнинг бу коллектив мамлакатимизда биринчи бўлиб мазкур қимматбаҳо техник экиннинг генетик коллекциясини яратдилар, у ҳозирча ягона ҳисобланади. Бу борада яна кўплаб тала ва тук берадиган, гўза селекцияси учун катта аҳамиятга эга бўлган бир қатор истиқболли йўналишлар таллаб олинди.

Худди шу факультетнинг ўзида профессор Б. А. Тошмухамедов раҳбарлигида оқва сувларни тозалашнинг биологик методлари ишлаб чиқилди. Мазкур янгиликнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши натижасида олти миллион сўм маблағни иқтисод қилиб қолиш имконияти туғилди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Фанлар академиясининг академиги О. С. Содиқов раҳбарлигидаги табиий бирикмалар химияси муаммо лабораторияси ўсимликлардан биоактив бирикмалар ажрати олиш йўлида изланмоқда, янги шифобахш доридармонларни синтезлаштириш методларини ишлаб чиқмоқда, гўза вилтига қарши самарали кураш йўллари қидирилмоқда. Лаборатория олимлари томонидан юзга яқин алколоид синтезлаштирилди ва тадқиқ этилди. СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг илмий-техника кенгаши эътироф этганидек, табиий бирикмалар химияси лабораторияси Урта Осиёдаги ёввойи ўсимликлар табиий бирикмаларини ўрганиш бўйича мамлакатдаги йирик илмий марказлардан ҳисобланади.

Гоявий эътиқод тарбияси ҳозирги замон мутахас-

сисини тайёрлашда айниқса катта аҳамиятга моликдир. Ўзига ва ўзларига нисбатан талабчан зийлини шакллантириш ишига йирик жамоатчи мутахассислар, махсус кафедралар жалб этилган, университетнинг энг яхши аъёнлари сафарбар этилган.

К. С. Содиқов, Л. В. Гентшке, А. Х. Ҳамиджўяев, К. И. Иманова ва бошқа профессорлар бошчилигидаги ижтимоий фанлар кафедраларида меҳнатқашларни илмий, марксча-ленинча дунёқараш руҳида тарбиялаш, Урта Осиёдаги ишлаб чиқарувчи кўчаларнинг тараққиёти конуниятлари, социализмнинг сиёсий иқтисодий проблемалари тадқиқ этилмоқда. Профессор Г. А. Ҳидоятлов раҳбарлигида эса, гоявий муҳолифларимизнинг ғайриилмий назарияларнинг танқидига доир долзарб масалалар ҳал қилинмоқда. Хуқуқшунос олимларимиз Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари А. А. Аъзамжўяев ва Ш. А. Уразов таълим соҳасида хуқуқшунослик фани соҳасида муҳим тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Шарқ ва ўзбек филологияси бўйича иш олиб бораётган мутахассисларнинг адабиёт ва тилшунослик соҳасидаги тадқиқотлари ҳам диққатга сазовордир. Хусусан, университетнинг етакчи профессорларидан Ш. М. Шомухамедов Шарқ классикалари ижодини ўрганиш ва уларни тарғиб этишдаги муваффақиятлари учун Халқаро Фирдавсий мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлди.

Албатта, фақат ўқув ва илмий ишлар билангина студентларнинг ҳаёти тўлақонли кечмайди. Кўпгина олимлар беш мутахассисларнинг ҳақиқий граждани ва чинакам касб-кор эгалари бўлиб етишувига кўмаклашмоқда. Қиз ва йигитларимизнинг студент-қурилиш отрядларидаги иштирокидан биз чинакамга гуруҳланамиз. Спорт билан доимий суратда шуғулланиш, Маданият саройимизда фаолият кўрсатаётган турли-туман бадий тўғарақларда иштирок этиш уларнинг ҳар томонлама камол топишига ёрдамлашмоқда. Мазкур Маданият саройида ёшларнинг маданият ҳордиқ чиқариши, шахс сифатида маънавий жиҳатдан бойиши учун барча шарт-шароитлар юзга келтирилган. Қисқа қилиб айтганда, университетимизда амалга оширилаётган барча амалий тадбирлар актив ҳаётий позицияга эга бўлган, ТошДУ студенти деган номни билад кўтариб, бутун куч-қобилияти ва илмини Лениннинг буюк васыяти — коммунизм куриш ишга сафарбар эта оладиган кишиларни шакллантиришга қаратилган.

лакали қилиб тарбиялаш, халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги меҳнат коллективлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади. Шунга айтиш керакки, сўнгги ўн йил ичида илмий-тадқиқот ишларининг ҳажми уч баравар ошиб, 6 миллион сўмдан зиёд маблағни ташкил этди.

Университет олимлари Умумиттифоқ ва республика миқёсидаги олтин комплекс илмий-техникавий программани ҳал этишда иштирок қилиб, бир қатор йирик илмий-техникавий проблемаларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўшаётирлар. Булар СССР Фан ва техника давлат комитети томонидан муҳим программалар тарзида эътироф қилинган.

Эҳтиомлиқ назарияси, математик статистика, функционал анализ, ядро физикаси, физик электроника, геохимия, экология ва фитогельминтология, адабиётшунослик ва тилшунослик, ижтимоий фанлар каби муҳим илмий йўналишлар тарзида шаклланган қатор илмий мактабларнинг шўхрати мамлакатимизда ва унинг ташқарисида ҳам кенг айрилган. Ана шундай муваффақиятлар натижасида биз нафақат илмий изланишлар миқёсини, балки, энг муҳими, студентларга таълим бериш сифатини ҳам мустаҳкамлаб бораётирмиз. Салмоқли илмий ва махсус тайёргарликка эга бўлган, фикрлаш қобилияти кенг тадқиқотчиларни тарбиялаш, саннат ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришга доир замонавий проблемаларни англаган ва уларни амалда жорий эта оладиган ишлаб чиқариш кадрларини тайёрлаб етиштириш муҳим вазифамиздир.

Олимларимиз аспирантлар ва студентлар билан биргаликда илмий изланишлар суръатини кучайтира бориб, асос-эътибори ва сифат жиҳатидан катта муваффақиятларни қўлга киритаётирлар. Гўза генетикасини, ер қобиғини тадқиқ этишнинг геофизик методлари, биофизика ва бошқа бир қатор йўналишларда эришилган ютуқлар шулар жумласидандир.

Университетда фанни изчил ривожлантиришга доир амалга оширилаётган ишлар хусусида бир неча рақамларни айтиб ўтиш жоиз бўлур эди. Кейинги беш йил ичида иқтисодий самараси 28 миллион сўмлик 57 та илмий ишлар халқ хўжалигига жорий этилди. Тадқиқотлар натижасига кўра, 54 авторлик ҳуқуқи олинди, 101 монография, 122 илмий ишлар тўплами, 278 дарслик ва методик қўлланмалар яратилди, 24 та докторлик ва 164 та кандидатлик диссертациялари ақланди. Халқаро, умумиттифоқ ва республика миқёсида ўтган илмий конференцияларда 500 та доклад қилинди.

Ишлаб чиқариш билан муносабатларимизни янада мустаҳкамлаган ҳолда биз корхоналарнинг, колхоз ва совхозларнинг малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга интиламиз. Масалан, профессор А. Т. Тўлаганов раҳбарлигида маълум ходимлар томонидан амалга оширилган тадқиқот натижасида қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашнинг самарали методлари ишлаб чиқилди, бу методларнинг каноңчилик хўжаликлариде жорий этилиши туфайли мазкур техник экин ҳосилдорлиги янада ошди ва бир йилда деярли 10 миллион сўмлик иқтисодий самара берди.

Бир неча йил муқаддам литологларнинг бўлиб ўтган саккизинчи кенгашида геологик формациялар ҳақидаги таълимот совет геология фанининг ушбу асрда эришган йирик муваффақияти тарзида эътироф этилди. Шуниси қувончлики, ушбу таълимотнинг асосчиси — университетимизнинг собиқ талабаси, узоқ йиллар давомида чўкинди формациялар ва чўкинди рудалар муаммо лабораториясини бошқарган, ҳозирги пайтда эса Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги В. И. Поповдир.

Самарқанддаги В. И. Ленин номи «Қизил двигатель» заводи қуюв цехининг ёш ишчиси Зоҳир Жўманов.



# ЙИГИРМА БИРИНЧИ БАҲОР

— Куруқ ёғочда япроқ битмайди,— Абдукарим ака сўхбатдошининг кўзларига синчиклаб қаради, унинг бирор нима дейишини кутди. Аммо ҳадеганда садо чиқармагач, чиннидай ялтираб турган хона бўйлаб ваэмин қадам ташлади. Колхозга йигирма бир йиллик раислик давомида бундай ҳолатлар жуда кўп такрорланган бўлишига қарамай, ҳозир вақт унинг назаридида бир жойда депсиниб тургандай туюлди.

Правлениега ҳар хил масалалар билан озмунча одам келиб кетмайди, баъзан килхоз ишлаб чиқаришининг у ёки бу соҳаси бўйича, бошқалар шахсий иш билан, яна бировлар эса қандайдир тақлифлар билан келишади. Ҳамқишлоқларига ўрганиб қолган раис уларни жон-дили билан қабул қилади, маслаҳатлашишга вақтини аямайди.

Аммо бугунги учрашувдан ҳафсаласи пир бўлди. Узини беозор қилиб кўрсатмоқчи бўлаётган мана шу кишига нисбатан юрғатига ачинши туйғуси уйғонмаётганлигига ўзи ҳам ҳайрон эди. Раис бир ерда ёлчтиб ишлай олмайдиган бу кишини жуда кўп марта синади, унинг ҳақида қай-гурди. Бироқ у ҳамманинг юзини ерга қаратди. Прогулчилик учун уни муҳокама қилганларида, аччиқ қилиб колхоз ишига қайишмай қўйди, сўнгра эса қўшни ташкилотга ишга ўтиб кетди. Шундан сўнг унинг чўлга кетиб қолганини эшитганди. Аммо кўриқнинг машаққатларига чидай олмади, кўп ўтмай ортга қайтди. Енгил турмушни кўлаб, ўзини чайқовчиликка ўргиди, бироқ тез орада сири очилиб, қўлга тушди. Шунда ҳам колхоз раҳбарлари уни кафилликка олиб қолишди. Мана, уша одам қўнимсиз айланб юришлардан сўнг яна қаршида иш сўраб турибди. Гўё колхоз эшиклари унинг учун доимо очилмак...

Абдукарим ака шуларни мулоҳаза қилар экан, аста сўз қотди:

— Ҳинд доноларидан бири: ҳассасини икки марта йўқотган одамни кечириб бўлмайди, деган экан. Бунинг маъносини тушунасизми?

Бояги киши ўриндиқда оғир қўрсиниб, унсиз бош силкиди. Раиснинг ўткир нигоҳи билан тўқнашиб қолишдан чўчигандек кўзларини олиб қочди.

— Менга шунчалик кўп айб қўйсизми, ака!

деди у астойдил хафа бўлиб.— Бошқа ташкилотларга ўтиб ишлаган бўлсам, бунга тирикчилик сабаб бўлган. Ахир, қуш сабабсиз учмайди, дейишди.

— Тўри, қуш сабабсиз учмайди,— раис ташқаридан кўз узмай жавоб қайтарди.— Ана, қаранг, симёғочларда қанча қуш чуғурлашиб турибди, ҳаммаси ҳам индан насоба ахтариб чиққан. Аммо улар қанотидан топади, одам эса меҳнатидан. Сиз бўлсангиз, ёлчтиб ишламайсиз, қўним билмай кучганингиз учган. Дарахт бир ерда кўкаради, билдингизми?

Раиснинг сўзлари аччиқ бўлса ҳам ҳақиқат эди. Уқ нишонга бориб текканди. Шунданми, раиснинг назаридида бояги киши ўриндиққа тобора чўкиб бораётгандек эди. Ниҳоят, ўриндан кўзга-либ, ташқарига йўл олганда, раис сўхбатга яқун ясаган бўлиб, оғиз юфтлади:

— Сизни унчинчи марта колхозга аъзо қилиб олишни умумий мажлис кўриб чиқмагунча бирор нима дея олмайсиз. Ҳар қалай, ишончи суниестемол қилган кишига осон бўлмаслигини эсингиздан чикарманг...

Раис дераза ёнида анча вақтгача ўйланиб турди. Кейин гулдор пердани четга суриб, деразани ланг очиб юборди. Хонага урилган тоза, аммо муздек ҳаво уни энтктириб юборди.

Унинг ваэмин табииати ҳамма нарсига синчиклаб қарашга, мулоҳаза билан иш юритишга ўргатиб қўйган. У ҳамма нарсани кечирishi мумкин, лекин колхозни бедарвоза деб ҳисоблайдиган, унинг мулқига кўз олайтирадиган кишиларга ҳаммаша қаттиққўл бўлиб келган. Колхоз — муқаддас ташкилот, унга аъзо бўлган кишилар — ҳўжаликнинг бебаҳо бойлиги. Уларни авайлаш, асраш лозим. Шундагина юксалишга эришиш мумкин.

Абдукарим Мўминов асли қўшни қишлоқдан. Бундан йигирма йил илгари мазкур ҳўжаликка ишга юборилганда: «Бу ер менинг туғилган жойим эмас-ку, эрта-индин кетиб қоламаним», деган ўйни сира хаёлига келтирмаган эди. Шу боисдан ҳам одамлар унга умид билан эргашишди, унинг ташаббусларини қўлаб-қуватлаб турмишди. Колхоз тез оёққа турди. Бир вақтлар қолақ ҳўжаликлардан бўлиб келган колхоз эндиликда Андижон

областидигана эмас, ҳатто республикада ҳам маъшлардан бирига айланди.

Раис колхознинг камолоти ҳақида ўйлар экан, мамнун жилмайиб қўйди, колхознинг захматқаш кишиларини фахр билан эсга олди. Тажрибали деҳқон Исромали Исомидинов, Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати Умматали Маҳмудов, Еқубжон Мўминов, Қосимжон Қобулов, Тўлашбой Эгамбердиев каби мўл ҳосил усталарни ана шулар жумласидандир.

Балиқчи районининг қатор ҳўжаликларида бўлгани каби, «КПСС XXV съезди» колхозда ҳам пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил оsonликча етиштирилмайди. Бир томондан тупроқ шароитининг оғирлиги, шўр ерларнинг кўплиги, иқлим инжиқликларининг тез-тез содир бўлиб туриши деҳқончилик ишларини ҳамма вақт мураккаблаштириб туради. Бироқ деҳқонлар она юрт олдидаги бурч масъулиятини чуқур ҳис этишиб, ҳар қандай қийин шароитларда ҳам мўл ҳосил етиштиришартилар.

Масалан, ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки уч йилида пландагидан анча кўп пахта тайёрланди. Ҳосилдорлик ўртача 37 центнерга ўғри келди. 1983 йил плани машаққат билан бажарилди. Ана шу умумхалқ ҳаракатида Аҳмаджон Турғунов, Набижон Турсунов, Адашали Боиров сингари тажрибакор деҳқонлар фидойилик кўрсатдилар.

Колхоз қишлоқ ҳўжалигининг доңчилик, пиллачилик, чорвачилик соҳаларида ҳам йил сайин қўвончи натижаларга эришарти.

Абдукарим ака бу муваффақиятларнинг сабабини колхозчилар ва мутахассисларнинг астойдил ишланб, ташаббускорлик билан ишлаётганликларига самараси, деб билади. Шундай ташаббускорлик ва ишчанлик муҳитини қарор топтириш учун колхоз правлениеси ва партия ташкилоти кўп кулгайрат сарфлади. Илгорларни моддий ва маънавий рағбатлантириши кенг йўлга қўйди. Утган йили Каримжон Бегматов бошлиқ полизчилик бригадасида етиштирилган ширин қовун ва тарвузалар республика конкурсида муносиб баҳоланди. Коллектив Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасининг дипломига сазовор бўлди.

Чорвадорларнинг меҳнати ҳам самарали бўлаётди. Улар мамлакат Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун астойдил ишлаб, ютуқларни кўпайтирартилар. Коммунистлар Жўраҳон Мажинова, Қундузхон Холиқова, Ашурбек Раимов сингари фидокор чорвадорларнинг ғайрати билан гўшт, сўт, тухум етиштириш топшириқлари ортириб адо этиларти. Колхоз чорвачилик бўйича ўтказилаётган республика мусобақасида ҳар йили илгорлар сафидан ўрин олаётди.

...Абдукарим ака қишлоқ кўчасидан ваэмин қадам ташлаб борар экан, боя идорада кўнглида уйғонган хижилик тарқалиб кетгандек бўлди. Колхозни юксалтиришга хизмати синган кишилар тўғрисида ўйлаш, уларнинг фидокорона меҳнати натижаларининг салмоғини кўз олдига келтириш унга чексиз хузур бахш этарди.

«КПСС XXV съезди» колхозининг қишлоқлари ўзининг кўркамлиги жиҳатидан кичикроқ шаҳарча билан беллаша олади. «Намуна» посёлкаси исми жисмига монанд бўлиб, кўрган кишида ҳавас уйғотди. Уч минг кишилик стадион, қишлоқ касалхонаси, турли маъший ва маданий хизмат шохобчаларининг бинолари қишлоқ ҳўсига ҳўсн қўшиб турибди.

Абдукарим Мўминов ҳар йили баҳор палласида қишлоқ кўчаларидан юришни яхши кўради. Биринчи марта — бундан йигирма бир йил илгари қишлоқ айланганида ҳозиргидек ғурур, ифтихор билан қадам ташламаган эди. Энди-чи? Мана, бугун у раис бўлган коллектив ҳўжалик давлат банкасида икки миллион сўмга қандин маблағини сақлаб туришга қодир бўлиб қолди. Колхозчиларнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, қишлоқларни ободонлаштириш ва бошқа турли социал мақсадларга сарфланаётган минг-минглаб сўмлар бундан мустасно.

Раис ўзига қадрдон қишлоқ кўчаларидан ўтиб бормоқда. Кўйсини беэаб турган Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ, «Хурмат Белгиси» ордени, фахрли нишонлар унинг ўтган даврдаги меҳнатига муносиб баҳодек яқрираб турибди. Шу боисдан ҳам атрофга фахр ва ифтихор хислари билан боқади, юз берган ўзағришлар, келгусидаги режалар қалбини ҳаяжонга солади.

Бу йил баҳор фаслида Абдукарим Мўминов ҳаётида катта воқеа рўй берди: у СССР Олий Совети депутатлигига сайланди. Область партия комитети эса, уни Балиқчи район партия комитетининг биринчи секретарлигига тавсия этди. Халқ ва партия ишончи коммунист Абдукарим Мўминов зиммасига янада юксак масъулият юкляди.

Маҳмуджон ИБАЕВ,

Ўзбекистон ССР Журналистлар союзи мукофотининг лауреати



Самарқанддаги В. И. Ленин номи «Қизил двигател» заводининг ишонч раисини Раҳобов уруш пайғида — ўн уч йиллик ўсимлик чоғидек иш бошлаган эди. Эндликда у кўплаб шогирдлар етиштирган ўсго мурейбидир. Сўрагач: Раҳмонжон Р. Ғафуров фотолари [ЎзГА]

## ЗУЛАЙХО



Суратда: Жиззах область, Зарбдор райондаги «Ленин йули» совхози механизлаган пахтачилик бригадасининг бошлиғи, СССР Олий Советининг депутаты Зулайхо Сатторова.

Г. Ёқубов фотоси Пастдаргом

Она юртининг ардоқли қизи, Пахтазорининг кўрки, юлдузи, Тиним билмай туну кундузи, Ёниб лов-лов қалбининг, Зулайхо, Дилларга ўт солдинг, Зулайхо! Сен жиливин тутган «пўлат от», Солиб ўтли қалбинга ғайрат, Бўлди ҳар кун зафарга қанот, «Пўлат отида масрур, Зулайхо, Ишда мард ва жасур, Зулайхо! Маскан этдинг пахта даласин, Кўзга суртиб ҳар бир толасин, Сенда кўрдим бургут ҳамласин, Мард, давандоз забтқор, Зулайхо, Пахтазорда ҳулқар, Зулайхо! Ўттиз бешдан кўтариб хирмон, Етиб келди манзилга қарвон, Йўқдир энди дилингда армон, Қатордаги норсан, Зулайхо, Бахт, омадга ёрсан, Зулайхо! Ироданга қойилман, шоввоз, Буклолмади қор, ёлғир, авёз. Қанча таҳсин айтсам сенга оз, Пахтам, деб қор кечган, Зулайхо, Кўёшни ҳам инган, Зулайхо! Шодиёна бугун ҳар ёнда, Қувончингдан чехрангда ханда, Улушинг бор юксак хирмонда, Қалби тонгдай шаффоф, Зулайхо, Юзи кулган офтоб, Зулайхо! Жасоратли меҳнатинг баҳсин Кўриб, сенга эл ўқир таҳсин, Мен, деган мард ишинга боқсин, Йўлинг тонгдай ойдин, Зулайхо, Элда доврүк ёйдин, Зулайхо! Чўлга тушган чигит барқути, Синаб кўрди юрагинг ўтин, Бугун сенга кўриқ ҳам мафтун, Бургут қомат шоввоз, Зулайхо, Юксакроқ қил парвоз, Зулайхо!

## Чаноқдаги дур

Оппоқ қаймоқдек тошиб, Сутдек кўпириб, Юлдуздек чарақлаб, тўкиб ёғду-нур. Далалар нафасин турар уфуриб, Бир шода гавҳардек чаноқдаги дур.

Кўёш нурларини толага жойлаб, Кўёсига босгандир ранглар оқлигин. Чаноқдан олдим-у, суртдим авайлаб, Кўзимга урилди тонглар оқлиги...

Бу оқлик заминга тўкилган меҳр Ва деҳқон қалбининг сўнмас оташи. Бир чаноқ пахтада шунчалар сеҳр, Шунчалар жозоба, севинч, кўз ёши...

## ЖИЛОВКОРЛАР

ОЛДИНДА тўқиндан Хисор тоғ тизмалари, орта эса Даштиқалта ва Сарижўй қишлоқлари... Йўл таноби қанчалик тез тортилса, йўловчининг ҳам кайфияти шунчалик кўтарилиб боради. Ҳамроҳимиз — Тўполон сув омбори қурилиши кадрлар бўлимининг бошлиғи Раҳматулла Болтаев билан суҳбатимиз йўл-йўлакай қизгин тус оларди.

— Йўл яхши қурилади. Бундан икки йилча аввал келганимизда эгри-бугри, тор, сертупроқ, енгил машиналарнинг юриши ҳам амри-маҳол эди.

— Иш аввало йўл қурилишидан бошланади, — дейди Болтаев завқланиб. — Бир иш икки бўлмасин, йўл ремонт ишига «чалғийвермайлик, деб аввал бир қарич қалинликда бетон ётқизилди. Сўнг асфальтланди. Чунки ҳайбатли машиналар оғир юклар билан қатнайди: унча-мунча йўлнинг «бели» майишиб кетиши мумкин. Дарвоқе, биргина йўл иншооти учун оз эмас, 1,5 миллион сўм маблағ сарфланди.

Йўл бурилишидаги тепаликда бетон устунга ўрнатилган лавҳага кўзимиз тушди: «Фарход посёлкаси».

— Бу Тўполон водийсининг бироз кенгайган жойи, — деди ҳамроҳимиз. — Шу ерда ишчилар шахарчаси қуриляпти. Замонавий уйлардан бир нечаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Биргина ўтган йили Тўполон сув омбори жилвокорлари ва уларнинг фарзандларига 320 ўринли мактаб, 90 ўринли боғча, ҳаммом, фельдшер-акушерлик пункти ва 3 та турар жой биноси соға қилинди...

Икки қаватли ишчилар ётоқхонасидамиз. Бизни илиқ кутиб олган ётоқхона мутасаддиси Ширмонхон Ражабова билан танишдик. У асли марғилонлик бўлиб, турмуш ўртоғи Сафар Ражабов билан Тўполон сув омбори қурилишига ишга келибди.

— Ётоқхонамизда 48 оила яшайди, — дейди Ширмонхон. У бизни кеча бўлиб ўтган воқеадан хабардор қилди. Токарё Баҳодир Шамиев оиласида фарзанд туғилибди. Бу Тўполон сув омбори ишчилари посёлкасида туғилган биринчи гўдак эди. Ишчилар биринчи туғилган фарзанднинг номи ҳам Фарход бўлсин, дейишди...

Суҳбатимизга Тўполон сув омбори қурилиши бошқармаси ёрдамчи хўжалигининг мудири Эшонкул Бўриев қўшилди. У адирликларга ишора қиларкан:

— Бу жойлар эчкичиликни ривожлантиришга жуда қулай, — деди. — Ёрдамчи хўжалигимиз ўтган йили ташкил этилди. Эчкилар сонини 58 бугдан 138 бошга етказдик. Чўпон Ражаб Бобомуродов яқинда мукофотга «Нива» енгил машинаси олди.

— Фақат эчкичилик билан шугулланаёписларми?

— Ҳозирча шундай. Келгуси йилдан бошлаб қорамол ва қўй боқмоқчимиз. Ҳозирдан молхоналар қуришга киришдик.

Йўлда давом этамиз. Эндиги манзил — тўғон қурилаётган жой. Икки жойда тоғ ости ўйилиб, сув йўли очилаяпти. Бу ерда биринчи танишган кишимиз Исомиддин Бегов бўлди. У Душанбе шаҳридаги қишлоқ хўжалик институтини ўтган йили тамомлаган. Мутахассислиги гидротехник. Иш фаолиятини Тўполон сув омбори қурилишида бошлаган. Бош тўғон қурилишининг мастери бўлиб ишлаяпти.

Бегов ён дафтарини олиб тўғон қурилиши илғорларининг номларини ўқиди. Айни вақтда ҳар бир киши тўғрисида алоҳида тўхтади: Дмитрий Веселов Толлимаржон сув омбори қурилишида қатнашиб, катта тажрибага эга бўлган бульдозерчи. У ўз ўғиллари Николай ва Игорни ҳам ёнига олган. Оилавий экипаж смена билан ишлашади. Ака-ука Виктор ва Владимир Лейтислар, Жума ва Бозор Менгкуловлар ҳам мусобақа илғорлари рўйхатидан тушиб қолмаслик учун сиққидилдан ишламоқдалар.

Бульдозер ва экскаваторларнинг овози бутун дарани тутган. Оғир юк машиналарининг бири келиб, бири кетиб турибди. Қурилиш майдонини кезиб юриб, ишчилардан бири Шариф Сибгатулин билан суҳбатлашиб қолдик.

— Ун уч йилдан бери ишлайман, — дейди Шариф ака. — Асосан вагон уйларда истиқомат қилиб келаяпмиз.

— Уй беришмайдики?

— Биринчи навбатда беришади, — дейди ҳамсуҳбатимиз мамнун жилмайиб. — Сарюсиё аэропортининг ёнида дангилмама уйимиз бор. Лекин бориб яшава қўл тегмайди.

— Мактабга қатнайдиغان болаларингиз бўлса, уларнинг ўқишлари қандай бўляпти?

— Ўғлим Ноил еттинчи синфга, қизим Венера учинчи синфга қатнайди. Мактабга автобус қатнови ташкил қилинган. Болаларимизни олиб бориб, олиб келади. Деярли ҳамма шароит бор. Ноил билан Венераининг келаганини ўйлаб, кўнглим ўсади. КПСС Марказий Комитетининг пленуми 10 апрелда ва СССР Олий Совети 12 апрелда маъқуллаган «Умумий таълим ва ҳунар

мактабини ислоҳ қилишининг асосий йўналишларини ўқиб чиққач, фарзандларимнинг келаганини аққолроқ тасаввур қилиб, яна ҳам хурсанд бўлдим. Демак, меҳнатимиз ерда қолмайди, чинакам меҳнатча, оқил, жанговар кишилар сифатида тарбия тоған ўғил-қизларимиз уни муносиб давом эттирадлар.

Бошқа соҳаларда ҳам ишимизнинг бориши яхши. Денов шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Фарида Фозиевага катта раҳмат! Ҳузуримизга тез-тез келиб туради. Лекин ишининг оғирлигидан зорландиганлар ҳам бор. Нима бўлгандаям: тоғ шароити. Янги жойда иш бошлашининг ўзи бўладими? Нимадир етишмаётгандай туюлаверади. Кейинчалик кўникиб кетасан. Иш инсонни эмас, инсон ишни бошқаради...

Тўполон сув омбори қурилиши бошқармаси бошлиғи Йўлдош Раҳимов кабинетидамиз. У билан суҳбат давомида, бу ерда олиб борилаётган ишининг қўлами ва миқёси ҳақида янада чуқурроқ тасаввурга эга бўлдик.

Йўлдош Раҳимович Сурхон ирригацияси хари-тасида «Тўполон сув омбори қурилиши» деган

сўзининг пайдо бўлганлигини изоҳлаб бундай деди:

— Сурхондарё областининг жанубий районларида йилнинг июль ва август ойларида сувнинг ниҳоятда танқислиги сезилди. Оқибатда экинларнинг, айниқса гўзалнинг ҳосилга қирадиган, гулга гул, кўсакка кўсак қўшадиган пайтида ривожланиши тўхтади. Хосилининг бир қисми тўкилиб кетди. Тўполон сув омбори қурилиши муносабати билан Сарюсиё, Денов, Олтинсой, Шўрчи районлари ва Бойсун тоғи этақларидаги 100 минг гектардан ошқ майдонининг сув таъминоти тубдан яхшиланади. Хисор тоғи. этакларида унумдор яйловлар кенгайди. Талай яйловлар бағри сувга қонади. Улар йил мобайнида ўт-ўлан унадиған ерга айлантйрилади.

Ҳа, Тўполон сув омборининг келагани ана шундай нурли. Бўлажак сунъий денгиз Сурхон водийсини сувга янада сероб қилади. Янги бог-бўстонлар бунёд бўлади. Элимизнинг «оқ олтин» хирмонига ва дастурхонига янада қут-бароқа киради.

Зояр МАМАЖОНОВ



Жасонинг биринчи космонавт учувчиси Ю. А. Гагарин СССР Медиа-сана филилари академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат курсатган фан арбоби П. Н. Маззев билан.

# ГАГАРИН ЎЗБЕКИСТОНДА

Абдухалил МАНСУРОВ,

медицина фанлари  
донстори, профессор

Фридрих Энгельс бундан юз йил муқаддам: «Бизнинг давримизда воқеалар шу даражада тез содир бўлаётгани, бунинг учун илгарилар одамлар учун юз йиллар керак бўлган бўлса, ҳозирги даврда осонлик билан бир неча йил кифоядир», деган эди. Бу фикрлар ҳозирги кунда янада муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Инсон томонидан космик фазонинг забот этилиши эса юқоридаги фикрнинг янада ёрқин тилсолидир.

Яқин вақтларгача космосга инсоннинг парвозини фантастик романларда ўқир эдик. Езувчи Жюль Верннинг «Тўпдан ойга» номли романида унинг қаҳрамонлари тўпдан отилган ўқда ойга учган эдилар. Дарҳақиқат, кечагина хаёлий саналган воқеа-ҳодисалар, бугун фан-техниканинг тараққиёти натижасида ҳақиқатга айланмоқда.

1957 йил 4 октябрда ер юзидagi инсонлар Совет Иттифоқида Ернинг сунъий йўлдоши учирилгани ҳақидаги хабарни ҳаяжон билан кутиб олдилар. Бу — космик эрнинг бошланиши эди. 1961 йил 12 апрелда эса ватандошимиз Юрий Алексеевич Гагарин инсоният тарихида биринчи бўлиб фазога парвоз қилиб, ер кўррасини 108 минут давоминда айланиб чиқди.

Бугун биз Ю. А. Гагариннинг 1961 йил 12 апрель кунини космосга учиб олдидан айтган сўзларини ҳаяжон билан эслаймиз. У шундай деган эди: «Қадри дўстлар! Менга таниш ва нотаниш бўлганлар! Ватандошларим! Дунёдаги барча инсонлар! Бир неча дақиқадан сўнг кудратли космик кема мени узоқ фазога олиб кетади. Старт олдин сизларга нима ҳам дейиш мумкин. Ҳозир менинг бутун ҳаётим ажойиб бир кўз очиб юмшидй туюлапти... Шу кунгача нималар бошдан кечган бўлса, нима қилинган бўлса, барчаси шу дақиқа учун қилинган. Узоқ вақт давоминда

катта матонат билан тайёрланилган мана шу синов соатлари яқинлашиб турган бу ҳаяжонли дақиқаларда ўз ҳисларимни баён қилиш анча мураккаб эканлигини тушунсангизлар керак... Мен бу учинча коммунист бўлганим учун, менгача ватандошларим — совет кишиларининг мислсиз қаҳрамонликлари намуна бўлгани учун бел боладим. Мен топшириқини муваффақиятли адо этиш учун бутун куч ва ихтиёримни йиғишим лозимлигини биламан. Топшириқини бажарिश масъулиятини ҳис қилиб, совет халқи ва Коммунистик партия топшириқларини бор кучим билан бажаришга тиришаман».

Бизда қаҳрамон ватандошимизнинг дунёда биринчи бўлиб космосга парвозининг муваффақиятли тугалланишига шубҳа йўқ эди.

1961 йил 12 апрель кунини — жаҳонда космик эра тонги отди, Юрий Гагариннинг номи эса, шу космик эрнинг рамзи бўлиб қолди.

Совет халқларининг космосини ўзлаштиришида эришган ютуқлари фавқулодда эмас. Булар совет олимлари, конструкторлари, инженер ва бошқа ходимлари отрядининг катта заҳматлари туфайли, жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукумати-нинг доно раҳбарлиги туфайли қўлга киритилди.

Дарҳақиқат, фазо илмининг тараққиёти ва шу соҳадаги катта ютуқлар ҳақида гап борганда, бу оламшумул ишларнинг рўёбга чиқишида хизмат қилган кишилар, уларнинг машаққатли меҳнати ва буларнинг тафсилоти ҳақида мароқ билан гапиргинг келади. Мен бу ўринда космик эрнинг бошланишига катта ҳисса қўшган буюк сий-молардан бири — Юрий Алексеевич Гагарин тў-рисида ҳикоя қилмоқчиман.

Мен ҳаётда Ю. А. Гагарин билан бир сафда ишлаш бахти насиб этгани учун ўзимни бахтиёр

деб биламан. Биз у билан узоқ вақт бирга иш-лашдик. Унинг одатлари, меҳнатга муносабати, кишилар билан муносабати ўзинга хос эди.

Ю. А. Гагарин не бондан биринчи космонавт бўлди! Унда ҳар томонлама бошқаларга ўрнат бўладиган, бошқаларнинг меҳрини қозонадиган биринчилик — йўл очувчилни хислатлари мавжуд эди. Юрий Алексеевич фидойи ватанпарвар, му-ваффақиятли учинча тўла ишонган, соғлом, ҳами-ша қўвнок, ўткир фаҳм-фаросатли, доворак, меҳ-натсевар, содда ва вазмин эди.

У қийин шароитларда ҳам ўзини тутбиларди. Юрий Гагарин ҳамма вақт ҳазилкашлиқни севар, мураккаб синов вақтида ҳам ҳазилкашлигини ташламас эди. Чунончи, қийин тиббий синовларда ҳам у врачга қараб жилмаяр ва кўзини қисиб кўяр эди. Шунда врач: «Мураккаб синов вақтида ўзингни тўрм тутинг», деб таъкидларди. Гага-рин эса: «Дом шундайман-ку, ўзини ўнчалик жиддий туготмайман», деб жавоб берарди. Ҳа, у хушфел, ёқимтой табиатли эди.

Ю. А. Гагарин дом банд бўлишига қарамай, кўп нарсани билишга интилар, Иттифоқимиздаги турли халқларнинг ҳаёти ва маданиятини билишга жуда қизиқар эди. Масалан, у менинг ўзбек эканлигимни билгач, республикаимиз халқларининг маданияти, санъати, совет даврида Ўзбекистони-мизда фан ва техниканинг қандай тараққий эт-ганлиги билан қизиқиб, кўп саволлар берди. Суҳ-батларимиздан сўнг унда республикаимизда бу-пиш, ҳаётимиз, фан ва маданиятимизнинг юксак даражага кўтарилганлигини ўз кўзи билан кўриш-га зўр қизиқиш уйғонди. Имоният бўлиш билан-ноқ қўшили Ўзбекистонини бориб кўриш орзу-сида эканлигини айтди. Шундай бўлди ҳам. У қис-қагина вақт ичида республикаимизда бўлди, лекин

ина қайта қайта ва республикамиз билан батафсилроқ танишиш орсусида эди. Афсус, унинг бу орсуси амалга ошмади.

Юрий Алексеевичнинг номи ҳаммша инсоният дилида ва тилида сақланади... Бошқа космонавтларимиз қатори у ҳам шон-шухрат учун эмас, ер юзидаги прогрессив инсониятнинг эртанги бахт-саодати учун, фан ва техниканинг равнақи учун ўз жонини аямайдиган, Ватанини ва халқини жонидан севадиган ватанпарвар эди.

Ю. А. Гагарин космосга учини муваффақиятли тугагандан сўнг «Правда Востока» газетасига берган шарҳида «Восток» кабинасида пахтанинг чаноғи ҳам бор эди» сарлавҳали мақола газетанинг 1961 йил 9 август сониде босилган) газета муҳбирининг: «Қандай қилиб сиз Совет Ўзбекистони ҳақида шунчалик кўп нарсани билишга улгургансиз?» деган саволига камтаринлик билан шундай жавоб берган эди:

«Совет Ўзбекистони ҳақида кўп нарса биламан дейишга, албатта, кўп асосим йўқ... Шундай бўлса ҳам, уни кам биламан деймайман. Ўзбекистон ҳақида кўп ўқиганман, кўп эшитганман. Бу республика «оқ олтинга бой, нурга сероб...» қўёшли республика эканлигини, энг муҳими — ажойиб совет кишилари — дала меҳнаткашлари, ишчилар ва заҳматкаш зиёлилар кўп эканлигини биламан...

Тошкент эва туз ва нон шаҳри, дўстлик шаҳри эканлиги билиш машҳур. Совет Урта Осиёсининг йирчи шаҳарларидан бўлган Тошкент чет эллик меҳмонларнинг эътиборини Шарқ давлатларининг озодлик, тенглик ва қардошлик туғайли эришган, бекиёс моддий ва маънавий бойликларга сероб ўлка намунаси сифатида жалб этиб келмоқда...

Ўзбекистон меҳнаткашлари Совет Иттифоқи моддий қудратини мустаҳкамлашда катта ҳисса қўшмоқдалар. Демак, космик учинининг муваффақиятли бўлишида ҳам фаол қатнашмоқдалар... Дарҳақиқат, образли қилиб айтганда, «Восток» кабинасида пахтанинг чаноғи бор эди. Ҳақиқатан ҳам космосга парвозимда жануб қўёшида етиштирилган пахтадан бўлган кўйлак менинг эгнимда эди.

...Инсоннинг космик фазога муваффақиятли учини шароитларини белгилаш ва учинининг беҳатар бўлишини таъминлашда иштирок этган олимлар ва врачлар ичиде ўзбек халқининг ажойиб ўғлони — қўёшли Тошкентда туғилиб ўсган, тажрибали врач, Улуғ Ватан урушининг иштирокчиси, талантили олим ҳам бор».

Шу муносабат билан яна бир воқеани эслаб ўтиш ўринсиз бўлмас, деб ўйлайман. 1974 йил октябрь ойининг охирида Совет—Америка олимларининг фазовий биология ва медицинага бағишланган иш группасининг бешинчи кенгаши Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Совет—Америка олимлари, космонавтлари, астронавтлари ва республикамизнинг олимлари ҳам иштирок этдилар. Инглиш иштирокчилари кенгашининг айнан Тошкентда ўтказилаётганидан мамнун эдилар. Чунки бу қадимий масканда асрлар давомида бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган олимлар катта илмий кашфиётлар қилгани ва бу кашфиётлар самараси маълум даражада ҳозирги фазовий биология ва медицинага алоқадор эканлигини яхши билар эдилар.

Кенгаш юқори савияда ўтди. Кузатилган мақсадга эришилди.

Америка делегациясининг бошлиғи, доктор Дэвид Винтер эса, ўшанда газета саҳифаларида шундай деб ёзди: «Биз Улуғбек обсерваторияси пойнда турарканмиз, бизга — фазо илми билан шуғулланадиган ҳозирги замон олимларига барча интилишларимиз, билимимиз узоқ даврлар муқаддам Шарқнинг буюк астрономи яратган илм олдида анчагина фақирона кўрингандай бўлди».

Республикамиз меҳнаткашлари дунёдаги барча халқлар қатори СССР космонавт учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ю. А. Гагаринни жуда севадилар ва эъзозлайдилар. Шунинг учун ҳам Тошкент шаҳрининг марказида, шаҳримизнинг энг хушманзара жойида ажойиб бот барпо қилинган ва уни Юрий Алексеевич Гагарин номи билан аташган. Яна шуниси ажойибки, манзилгоҳнинг энг баланд ерда космосга жаҳонда биринчи бўлиб қўли етган инсон ўзининг бутун салобатини кўз-кўз қилиб турибди. Ажойиб ватандошимиз, тўнғич космонавт Юрий Алексеевич Гагариннинг номи билан республикамизда шаҳар, район ва қишлоқларнинг, ҳўжалиқларнинг аталishi Гагариндай бетимсол, ўта камтар совет кишисига бўлган меҳр-муҳаббатимизнинг раъсидир.

Мана, Юрий Алексеевичнинг парвозидан бери орадан 23 йил ўтди. Шу давр ичиде космонавтикамиз беқийёс тараққий этди. Эндиликда космонавтларимиз фазода кўп оялаб мураккаб тадқиқотларни муваффақиятли бажармоқдалар. Бизда халқроқ экипажларнинг учирлиши эса янада кўвончлидир. Дарҳақиқат, совет фани ва техникасининг қудрати билан космос дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бунда албатта, тўнғич космонавтимиз Юрий Гагариннинг салмоқли ҳиссаси бор.

## ЧЕВАРА ШОИР



Саодат ПУЛКАНОВА

### Қишлоғим

Қишлоғимиз Генплан, Ухшшлиғи шаҳардай, Кенгайиб йилдан-йилга, Чиройи бир баҳордай, Одамлари зўр деҳқон, Кўплаб пахта экади. Ғолиб бўлиб меҳнатда, Катор орден тақади. Насосдан сув чиқариб, Тошдан ҳосил ундирар. Турли-туман мевадан Элу юртни тўлдирар. Мен ҳам боғбон бўлишим Дилдан ҳавас этаман. Хизмат қилиб Ватанга, Ораумига етаман.

Саодат — Муҳаммад Жомурод ўғли Пулканнинг чеварасидир. Ҳозир у Навоий области, Хатирчи райони, «Москва» колхозидеги 16-ўрта мактабнинг 4-синфида ўқимокда. Саодат боболари ва отаси кезган, ажойиб

гулдасталар тайёрлаган шеърлар бўстони остонасида турибди. Қўйида катта умид қилан қўлига қалам олиб, шеърлар ёзаётган Саодатнинг ижодидан намуна ўқийсиз.

## Жўжамларга мабодо

Жўжа очган товугим,  
«Гут-гут» қилиб сўзлайди.  
Ерни титиб чарчамас,  
Ердан недир излайди.  
«Чип-чип»лашиб жўжамлар,  
Онасидан қолмайди.  
Уз-ўзига топгани  
Буюрмаса олмайд.

Қанот қоқиб чопишар,  
Бир-бирдан ўтмоққа.  
Машқ қилади, улғайса  
Булуғ сари етмоққа.  
Катта бўлсин, улғайсин  
Бу мусалфо ҳавода.  
Қирғий учиб келмасин,  
Жўжамларга мабодо.

## Мактабда

Биз мактабда тўп бўлишиб,  
Ўғил-қизлар кўп бўлишиб,  
Пахтазорга бошлашиб йўл,  
Ким ўзарга ташлашиб қўл,  
Эгатларга ораладик,  
Чанокларни сараладик,  
Турли-туман мевадан  
Элу юртни тўлдирар.  
Мен ҳам боғбон бўлишим  
Дилдан ҳавас этаман.  
Хизмат қилиб Ватанга,  
Эл оғзида бўлдик қисса.

## Ёш чўпон

Ёш чўпону ёш чўпон,  
Дил қувончи бир жаҳон.  
Куну тунн адирда,  
Қўйлари йирар қирда.  
Дала кезиб толмайди,  
Қўй ортидан қолмайди.  
Эгиз қўзи сурини,  
Авайлаб ҳар бирини  
Совға қилиб Ватанга,  
Донг таратди жаҳонга.

## Носир МУҲАММАД

# «СОҒИНЧ ҚУШИҚЛАРИ»

Баҳор,  
Эмгир ёғар тонгдан то оқшом.  
Ивиб тушай дейди гўёки само.  
Табиат завқ билан чалар бу айём,  
Эмгир торлариде ажиб бир наво.

Таҳдид эта олмас на офат, на гам  
Агарда ҳаммша турсанг ёнма-ён...

Денгизни бетиним қамчилар ёгин,  
Асов тўлқинларни этмоқчидай ром.  
Балиқчилар овдан қайтишар ҳорин,  
Чағалайлар базми топмоқда ором.

Нам тортган ҳаводан ҳаприқар кўксим,  
Қалбимда турфа хил туйғулар кезар.  
Қорамтир уфққа тикиламан жим,  
Пойимда чайқалиб ётпти Ҳазар.  
Хаёлимда яна жонландинг, Ватан,  
Кўнглим орақтирди соғинч деган ҳис.  
Унрашурга келган ошиқдай шодман,  
Гарчи ўртамизда буюк бир денгиз.

## Ишқ

«Уз ишқинга содиқмисан, айт,  
Содиқ эрсанг, қасам ич бир бор» —  
Дединг оқшом хайрлашар пайт,  
Маъзюсина бош эгиб, дилдор.

Бунда бари сендан ҳикоя қилур,  
Еллар шиврида тинглайман номинг.  
Мовий кенгликларда кезгувчи мағрур —  
Чағалайлар балки йўллар саломинг.  
Соҳилда саф тортган таниш кемалар,  
Сенинг элчиларинг эмасми ахир?!  
Исэнкор тўлқинлар елиб дарбадар,  
Неча бор қиргогинг ўпти қайтгандир.

— О, қасамга қўйма эътиқод,  
Қиймати паст гоҳида унинг.  
Қасам ичиб, бўлиб мафтунинг,  
Сўнг қасамин этарлар барбод.

Ячқисан, қўл чўзсам ҳатто етгудай,  
Вужудим тафтининг сезмоқда аниқ.  
Не бор талпинишдан мени тугтудай,  
Масофато йиллар бўлолмас тўсиқ.

Қасам — содда ҳисларни алдаш,  
Севги эса буюк бир ишонч.  
Ахир шеърим сенга-ку яқкаш,  
Қасамлардан зўрроқ у, ишон.

Сен билан ҳар қайда бўлгум ҳамқадам,  
Қулоч, ташвишинга шерикман ҳар он.

Муҳаббатдан мужда ҳар сатрим,  
Ҳар байтимнинг ўзи бир қасам.  
Езаримдид ёнмаса бағрим,  
Сени жондан ортиқ севмасам.



Ахир, сенсан умрим мазмуни,  
Ишқинг қалбга қўйганман ёзиб.  
Бесас сен ҳам тасдиқ эт уни,  
Муҳаббатинг муҳрини босиб.

Ўзбекистон халқ шоири Уйғун ижодида Лениннома катта ўрин тутади. Шоир Совет Ўзбекистонда, Ўзбек халқи тарихида Улуғ Октябрь социалистик инқилоби туйғулари юз берган жаҳоншумул ўзгаришларни, бунёдкорликларни доҳийнинг табаррук номига боғлиқ тарзда поэтик ифодалади, Ленин гоёларини улуғлади. Шу сабабли у бир шеърда: «Йўлим Ленин йўлидир, Бу йўлдан ҳеч озмайман», деб бежиз азмаган. Шоирнинг «Қизилнинг альбомига», «Комсомолга», «Аширгулу», «Ватан ҳақида кўшиқ», «Ленинград», «Ўзбекистон», «Қаҳрамон жангчига», «Гуллаган ўлка», каби шеърларида ҳам улуғ Ленин номи маълум бир воқеа, қаҳрамон, Ватан, партия ва халқ тақдирига боғлиқ ҳолда тилга олинади, совет кишиларнинг доҳийга бўлган сўнмас муҳаббати куйланади, Ленин туйғулари Совет Ўзбекистонда, Ўзбек халқи ҳаётида юз берган мислсиз ўзгаришлар васф этилади.

Шоир Ленин мавзусида ўндан ортқ шеър, «Ленин йўлнамаси билан» номли киносценарийсини (Бу сценарийни М. Швердин, С. Мухамедов билан ҳамкорликда ёзган) яратди.

Уйғуннинг «Ленин ҳақида» шеърда Ленин сиймосига ҳос икки муҳим фазилат — улуғлик ва мангулик фазилати қаламга олинади. Шоир доҳий тимсолида ҳаёти, гоёси, иши, таълимоти қувшай, борлиқдай мангулик касб этган ва баҳордай ҳаммаша кўркем, яшнав турадиган, қониқоти, дилларни яшнатуви бир аксиб улуғворликни кўради. Уйғун шеърларида турли аспектида ўз жилосини толган ана шу гоё шоирнинг Ленин мавзусини поэтик ифода этишдаги ўзига қосилгини кўрсатади. Мазкур шеър яхлит композицион қурилишга эга эмас, балки алоҳида тўртликлардан иборат. Шунингдек, унда Ленин ҳаётига дахлдор бирон воқеанинг баъни ҳам ҳикоя қилинмайдан. У шоирнинг халқлар отаси Ленин ҳақидаги фалсафий мулоҳаза ва мушоҳадаларини ўзиде жамлайди. Шоир тўртликларда фикрини ёрқин ифода этиш мақсадида мантқиқий тафаккур усули ва чоғиштириш усулидан ўринли фойдаланади. Мисол тариқасида қуйидаги тўртликни назаримиздан ўтказайлик:

У тирин. Ҷамийди. Ҳаёт у билан.  
У билан тин олар тиринлик ҳам иш.  
Ҳаётнинг ўлиши мумкин бўлмадек.  
Унинг ҳам ўлими табиятдан тин...

Уйғун Ленинга бағишлаб ёзилган дастлабки шеърлариданоқ доҳий сиймосига қайси жиқатдан ва қандай тарзда ёндашиш лозимлигини тўғри тушунди. Кейинги шеърларида шу йўлдан борди ва муваффақият қозонди.

Улуғ Ватан уруши даврида яратилган «Қадах», «Ленин барҳаёт», урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида ёзилган «Ленин ҳайкали ёнида», «Бахт тўғилган чоқ», «Ленин гоёси», «Разиядаги чайлан», «Баҳор табассуми», «Ленинни эслаб», «Миннатдор бўл ўша одамдан», «Ҳаёт мактаби» ва доҳийнинг 100 йиллиги зўр таъна билан нишонланган 1970 йилда битилган «Улуғ айёла», «Ленин таълимоти», «Қутлуғ байрам», «Бахт бақори» каби шеърлар ўзбек Ленинномаси хазинасига қўшилган муносиб ҳиссадир.

Ленин образини улуғлаш, унинг таълимоти, иши, гоёларининг барҳаётлигини, оламшумул аҳамиятини ҳаққоний ифодалаш учун шоир шеърларида оригинал поэтик воситалар, деталлар, усуллар, шакллар қўллади ва шеърлари тилини халқ тилига яқинлаштириш, образлигини таъминлаш учун курашди. Агар Лениннинг ҳаёти мангуликка дахлдор деган фикри «Ленин ҳақида» шеърда ифодалаш учун унинг умр йўлини инсониятнинг умр йўлига, ҳаётнинг абадийлигига, ноланинг барҳаётлигини башариатнинг барҳа-



# ШЕЪРИЙ ЛЕНИННОМА

Тожи ҚОРАЕВ,

филология фанлари кандидати

ётлигига ўхшатган бўлса, мазкур фикрни «Ленин барҳаёт» шеърда модданинг, ҳаётнинг абадийлигига боғлиқ ҳолда шундай далиллайди:

Сен бахт осмонда баққилган қувш.  
Нуринг абадийт боғида парлар.  
Сен модда сингари тоабад мавжус.  
Сен ҳаёт сингари мангу барқарор.

Шоир шеърда Ленин умрининг пойдорлигини таъриф ва тасвирлаш билангина чегараланиб қолмасдан, балки унинг номи ва таълимоти яшаш ва курашда совет халқи учун амалий қурол эканлигини Ватан уруши воқеаларига боғлиқ ҳолда ҳаётий ифодалади. Шоирнинг поэтик нигоҳи шунчалки қучлики, у халқимиз урушда ва фронт орқасида қозонаётган ҳар бир зафарда Лениннинг имзоси, нафаси, мадади, қўли борлигини аниқ ҳис этади ва у туйғулари Совет халқи фашизм билан бўлаётган ҳаёт-мамот жангиде албатта, ғалаба қозонажасига имон келтиради:

Олий қўмондоннинг буйруқларида  
Сенинг ҳам имзон бор, севишли падар.  
Мангу гултож бўлиб қозонак сенга  
Баҳодир халқимиз қозонган зафар.

«Қадах» шеърда шоир қаҳрамон совет халқи Ватан урушининг энг оғир давларида ҳам Лениннинг номи барҳаётлиги сабабли таҳликага тушмаганлигини, уларга Лениннинг руҳи мададкор бўлганлигини, Лениннинг номи ҳаёт ва ғалаба рамзи сифатида халқимизни зафарга илқомлаштирганлигини қадах символи воситасида жоэбали тасвирлайди. Мазлумки, қадах Шарқ халқлари адабиётининг аънавий образларидан бири бўлиб, у шодлик ва ғалаба рамзи сифатида машҳурдир. Шоир шеърда қадахга ҳос ана шу рамзийлик хусусиятидан новаторона фойдаланиб, совет кишиларининг уруш йилларида ҳос жанговар ҳаётини, Ленин образига ҳос улуғлигини ҳаётий ифодалаб беради.

... Бу ном ғалабанинг ҳаётинг рамзи.  
Бу ном своадятдан муждалар берур.  
Сенг ҳам, умид ҳам, зафар ҳам. шон ҳам.  
Гўзал келажик ҳам шу номда ёрур.

Шу улду ном учун кўтаришди бот.  
Қаршида, сўлимда, соғимда қадах.

Мен ҳам кўтараман Ленин учун шод.  
Вахтлиман, менинг ҳам қўлимда қадах.

Уйғун хос индивидуал ижодкорлик салоҳияти унинг «Ленин ҳайкали ёнида», «Баҳор табассуми», «Кишилик бақори нур олган қувш» шеърларида ҳам равшан кўринади. Ҳар бири ўзига ҳос услубий йўналишда ёзилган ва Ленин мавзусига ҳос аниқ бир масалани ҳал қилган мазкур шеърлар Ленинга ҳос улуғлик ва мангулигини шарафлаш жиқатидан катта тарбиявий-эстетик аҳамиятга эга.

Изданишлар ва қайноқ илҳом меваси сифатида майдонга келган шеърлар одада замон муаммоларини аниқ ҳаётий лавҳаларда содда, самимий, таъсирчан тарзда ифодалаш билан бошқа шеърлардан фарқланади. Совет Ленинномаси хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган «Ленин ҳайкали ёнида» шеърда Ленин ҳайкали ёнида турган шоирнинг диққатини унинг илгарига қарата кўтаришган давлаткор табаррук қўли тортади. Шундан кейин шоир ҳаёлида Ленин шу қўл билан рўёбга чиқарган улуғвор ишлар — Октябрь инқилобининг амалга ошиши, Октябрь автанининг ғалабаларга тўла шонли тарихи совет кишиларнинг ўз эрки, бахтини ҳимоя қилишда, мамлакатни обод этишда зафарли юриши, Ленин декретлари, Лениннинг шоҳ асарлари, халқимизнинг кун сайин келажак сари дадил қадам ташлаётгани, ер юзиде бўлаётган инқилобий ўзгаришлар гавадланади. Жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга бўлган қоридоғи ишларнинг ҳаммасида улуғ Лениннинг қўли бор, бу қўл бундан кейин ҳам эрки, озодлик, тинчлик, тараққиёт эздиқи халқларга адолат ва ҳақиқат йўлини кўрсатади, деган башарий гоё шеърда ўзининг гўзал ифодасини топади. Ана шу гоёни мукамал ва таъсирчан ифода этишда поэтик такорор, жонлантириш, умумлаштириш, асослаш каби санъатлар, таъсирий воситалардан ўринли фойдаланади. «Ленин гоёси» шеърда шоир Ленин гоёсининг қудратини Гагариннинг фазони забт этишда кўрса, «Ленин таълимоти» шеърда бу таълимотнинг кучини қувш сингари оламни ёритишда, уммон каби дуру гафқарларга бо ҳақий ижодидан кишилик ақли умрдоқ баҳраманд бўлишида, Ленин яратган асарларнинг инсоният йўлини мунавар қилишида, ҳаётнинг ҳар бир сўроғига жавоб топаётганида кўради ва буюк эътиқод билан уни шарафлайди:

Унинг таълимоти башариатнинг  
Онгини, йўлини ёритган қувш.  
Унинг таълимоти инсониятнинг  
Абадий йўлида абадий йўлдош.

«Баҳор табассуми» шеърда В. И. Ленин ижтимоий ҳаётини, инсоният турмушини, дунёни яшнатмоқда, деган оригинал поэтик қулоса чиқарилади. Унда доҳийнинг инсоният баҳорини гуллатишдаги улуғ хизматлари самимият билан гўзал ташбеҳларда янгице тараннум этилади.

Қувш оро берганидай баҳорга  
Оро берди юртга унинг гоёси.

В. И. Ленин гоёси баҳорга оро берган қувшага ўхшатилади. Баҳор қувш туйғулари гўзаллик касб этганидай, Ленин гоёси туйғулари бутун дунё гўзаллашмоқда, деган поэтик фикр олға сурилади. Лениннинг қўламга ўхшатишданлиги, Ленин гоёларининг баҳор қувшига қибс қилинганлиги Ленин образининг қўлами, маъно-мазмунни ниқоятда кенг ва ҳаракат доираси чексиз, таъсирчи зўр эканлигини исботлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

«Кишилик бақори нур олган қувш» шеърда ҳам шоир доҳий Лениннинг гоёларини шарафлайди, бу гоёларнинг ҳаётбахш қудрати туйғулари кишилик бақори гуллаганлигини, маънавийликни ақил яшаватганлигини публицистик парфосда қўлайди. Шоир Лениннинг ўрни ва аҳамияти тарихда беқибс эканлигини исботлаш учун ўзига ҳос ўхшатишлар топади, чоғиштириш усулидан ўринли фойдаланади:

Дунёда жуда кўп доҳийлар ўтган.  
Аммо тенг келолмас ҳеч бири унга.  
Ҳарорат беришда, зиё беришда  
Тенг кела олурми юлдузлар кунга?

Ленин гоёларининг Ер юзиде таъна қилаётгани ва бу гоёлар туйғулари халқлар кун сайин бир-бирига яқин, иноқ, биродар бўлаётганини ҳам шоир содда, раво мисраларда ифодалайди:

Лениннинг ҳаётбахш эгу гоёси  
Кишилик бақори нур олган қувш.  
Ленин гоёсидан баҳраманд бўлган  
Халқлар бир-бирига абадий қардош.

«Ленинни эслаб», «Миннатдор бўл ўша одамдан» ва «Ҳаёт мактаби» шеърларида Уйғун Ленин ва Октябрь мавзусини қаламга олади, совет кишиларни социализм қурилишида эришаётган ютуқлар шулар туйғулари қўлга киритилганлигини таъкидлайди. Бу жиқатдан «Ҳаёт мактаби» шеъри характерли. Мазкур шеърда шоир Октябрьнинг ҳаёт мактаби, Ленинни шу мактабнинг муаллими сифатида таърифлайди. Октябрь мактаби ва унинг муаллими Ленин туйғулари совет мамлакати ва жаҳон харитасида пайдо бўлган ўзгаришлар ҳақида баҳс юрилтади.

Уйғун Ленинга бағишланган шеърларида бош тасвирлаш усули саналар — фикри табиат предметлари воситасида ифодалаш принципи асосида иш юрилтади. Ленинга азс хусусиятларини нафақат жаҳият шларига боғлиқ ҳолда, балки табиат предметларига (қувш, баҳор, ҳаёт, модда) мўқоса қилган ҳолда улуғлайди. Фикрларини турли шаклларда, раво, содда, жоэбали услубда ифодалаш мақсадида ўзбек, рус адабий аънавларидан, ҳар хил бадий воситалардан, ўзбек тилининг сўз бойлигидан ўринли фойдаланади. Шоирнинг гражданлик лирикасида образли фикрлаш йўсини билан мантқиқий фикрлаш усулининг қоршиқ ҳолда намоён бўлиши ва жиққин лирик билан оташини публицистик пафосининг бир-бирига омухталиги Ленин ҳақидаги шеърларининг ҳам муваффақиятини таъминлайди.



ЮНЕСКОнинг Тошкентда ўтказилган Халқаро Информация Коммуникацияларини ривожлантиришга бағишланган IV сессиясида ЮНЕСКО бош директори Амаду Махтар М'Боу (ўртада) иштирок этган эди.

ЎЗАТГ фотохроникаси

## ЮНЕСКО— маориф, фан ва маданият ташкилоти

Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунёда тинчлик ва ҳамжиҳатликни барқарор этиш мақсадида давлатлараро ўтказила бошланган мунозара-музокаралар 1947 йил октябр ойида ўз самарасини берди.

Уша йили БМТ—Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расман тузилганлиги эълон қилинди. Ривожланган мамлакатлар ташаббуси билан бундай ташкилотнинг тузилиши инсоният тарихида биринчи марта турли сиёсий-иқтисодий шароитдаги мамлакатлар сиёсатини жаҳонда тинчликни сақлашдай муқаддас мақсад сарм йўналтириш имконини берди.

Тинчлик душманлари кўр-кўрона, ошкора, безбетларча инсон ҳуқуқларини поймол қилаётганлиги ҳаммага аён. Қилга боғлаб осиб қўйилган қилчи ҳар дақиқада тушиб кетиш мумкинлиги каби, ядро ҳалокати ҳам ер юзида халқаро аҳволни кескинлаштириб қўйди. Маълумки, халқаро аҳволни яхшилаш, қуролланши пойғасига чек қўйиш, дунё халқлари тотувлигига раҳна солмаслик БМТ уставининг мазмунини ташкил этади. Лекин АҚШ маъмурияти бутун жаҳон кўз ўнгига ана шу мақсадлардан чекинди: Қўшма Штатлар ЮНЕСКО сафидан измайишкорона чиқди.

Фан ва техника тараққийоти имисиз даражада ривожланган, инсоният маданий-маънавий юксалиш босқичига қадам қўйган XX асрда разолатга ўрин йўқ. Дунё халқлари бегуноҳ фарзандлар қонининг тўкилишини, одамларнинг бошпанасиз, уй-жойларининг одамларсиз қолишини хоҳламайдилар, бутун ер юзининг қузғунлар қонинига ай-

ланишини истамайдилар, Шунинг учун ҳам БМТнинг Халқаро хавфсизлик кенгаши ҳамда тинчлик ширини баланд кўтарган мамлакатлар ҳаракатини қўллаб қувватлаётган маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ихтисослашган ЮНЕСКО ташкилоти ҳам бу йўлда диққатга сазовор ишларни амалга оширмоқда.

ЮНЕСКО Бош директори Амаду Махтар М'Боунинг «Келажак сарчашмалари» деб номланган китоби ҳам бу жиҳатдан эътиборга моликдир. Маълумки, бу китоб ташкилотнинг 1984—1989 йилларга мўлжалланган иккинчи ўртача муддатли фаолият планини тайёрлаш муносабати билан ЮНЕСКОдаги жаҳон проблемалари тўғрисида узоқ давом этган фикр-мулоҳазалар самараси сифатида майдонга чиқди. «Мен айтилган турли фикрларни мумкин қадар ҳисобга олишга ҳаракат қилдим,— дейди муаллиф.— Лекин мен тайёрлаган текст пирувард натижада ҳозирги дунёга нисбатан шу дунёни тушуниб етишга имкон яратадиган тарихга ва ҳозирги пайт талабларига жавоб бермоқ учун қурш зарур бўлган келажакка нисбатан ўз қарашларини ифода этади».

Утган йили республикаимиз пойтахти Тошкентда ЮНЕСКОнинг Информация Коммуникацияларини ривожлантириш халқаро программаси ҳукуматлараро кенгаши IV сессияси бўлиб ўтди. Бу ерда ЮНЕСКО Бош директори Амаду Махтар М'Боу нутқ сўзлаб:

«Тошкент ўзининг 2000 йиллигини нишонлаётган кунларда бу ерга йирилганимиз мен учун халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда ниҳоятда шонли воқеадир»,— деди.

Яқинда пойтахтимизда ЮНЕСКОнинг дунёвий аҳамиятга эга бўлган «Инсон ва биосфера» мавзусида яна бир Халқаро конференцияси бўлиб ўтди. СССР Миллий комитетининг таклифига кўра ЮНЕСКО XXII Бош сессияси бу ерда мазкур илмий конференцияни ўтказди. Конференция аτροφ муҳит ўзгаришлари ва аҳоли нуфуси ҳамда ирсият структураси мослашувининг ўзаро таъсири мавзусига бағишланди. Инсоният тарихида узига ҳос катта аҳамиятга эга бўлган мазкур илмий анжуманининг бу ерда ўтказилиши бежиз эмас. Чунки, Ўзбекистон ва Урта Осиё демографлари, географлари, генетик олимлари, медаллари аҳоли нуфуси ва ирсият муаммолари ҳамда шулар таъсирида аτροφ муҳитнинг ўзгаришини ўрганиш соҳасида бой тажриба тўплаганлар.

Мамлакатлараро маориф, фан ва маданиятни ривожлантириш дунё халқларини ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, бундай ривожланиш тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг асосини ташкил этади. БМТ уставига белгиланган мақсадларга эришиш йўлида ЮНЕСКО халқаро тинч-тотувлик, ўзаро тушуниш ва халқларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилишни таъминлаш учун оммавий ахборот воситаларининг ҳамма турларидан фойдаланишни ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. ЮНЕСКО дунёда кескинлик кучайган, жаҳон муаммолари хатарли равишда чиғаллашган бир шароитда ядро уруши хавфига қарши тинчлик, халқаро хавфсизлик ва халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ишларини амалга ошириш учун курашаётган дунё халқларининг собит қўрғонига айланб қолди.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, халқаро мққёсда қуролланши пойғасига чек қўйиш, халқларнинг ўзаро тотув ва ҳамжиҳатлигини таъминлаш, маданий-маънавий алоқаларни ривожлантириш сиёсатини сабот билан олиб бораётган Совет Иттифоқининг дунё мққёсидаги обрўси тобора ортмоқда. Совет Иттифоқи олиб бораётган тинчликни ҳимоя қилиш ва ўзаро ҳамкорлик сиёсати БМТ уставига белгиланган тадбирларга ҳамроҳандир.

ЮНЕСКОнинг жаҳон фани, маорифи ва маданиятини ривожлантириш ҳамда бу соҳаларда яратилган дурдона асарларини, уларнинг муаллифларини жаҳон халқларига таништириш, қадимий ва навқирон шаҳарларимизнинг юбилейларини белгилаш, халқлар фаровонлиги учун гамўёрлик қилиш тадбирлари диққатга сазовордир.

Жаҳон маданияти тараққийотида улуғ ҳисса қўшган буюк алломалар Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Мусо Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Заҳрийддин Муҳаммад Ҳобур каби Шарқ машъалларининг номилари ҳам оламро янада ёйилсин, улар асарларининг жаҳон фани тараққийотида қўшаётган улушида ЮНЕСКОнинг ҳам хизмати бор.

Биз, совет кишилари, тинчлик пойдеворини яратиш йўлида фаолият кўрсатаётган, халқлар маданиятини ривожлантириш мақсадида курашаётган ЮНЕСКО истиқболига хайрихоҳлик ва қимил ишонч билан қараймиз.

У. МИРЗАЕВОВ

# Зилзилага чидамлик

Осмон узоқ, ер қаттиқ бўлган қора ўтмишда одамлар табиий офатлар олдига илжисиз бўлганлар. Лекин фан ва техника гуркираб ўсган совет замонамида халқимизнинг куч-қудрати бекибс орди. У энди кўп ишларга қодир. Мамлакатимиз майдонининг бешдан бир қисми 8 баллдан зиёд кучга эга бўлган зилзила территория ҳисобланади. Бу асосан жанубдаги ва Узоқ Шарқдаги тоғли районлар: Колетдоғ, Тяньшань, Помир, Сибирнинг жануби, Камчатка ва Куриль ороллари. Мазкур районларда СССР аҳолисининг 20 процентини яшайди, уларда Тошкент, Олмаота, Душанбе, Иркутск ва шу каби бошқа йirik шаҳарлар жойлашган.

Одатда, зилзила бўлган пайтда кучли энергия ажралиб чиқади. Кучли зилзилалар пайтда ажралиб чиққан энергия электр энергияси билан таққосланса, 100 миллиард киловатт-соатга тенглашади. Бу энергия бир неча юз мингта атом ва водород бомбаларининг энергиясига тенгдир. Худди шу энергия асосий вайрон қилувчи омилдир.

Ҳозир мамлакатимизда давлат сейсмология хизмати яхши йўлга қўйилган бўлиб, у зилзила туфайли руй берган барча ер пўсти силкинишларини аниқ ва ўз вақтида қайд этади. Унинг ёрдамида зилзила бўйича жуда кўп маълумот тўпланган. Ана шу маълумот хилма-хил геологик ва геофизик маълумотлар билан биргаликда СССР территориясини умумий ва регионал сейсмик районлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Районлаштириш эса барча муҳофаза тadbирларини белгилашда, аввало зилзилага бардошли қурилишни лойиҳалашда энг зарур воситадир.

Нефть, газ ва бошқа саноат тармоқларини ривожлантириш учун хилма-хил ер ости иншоотлари, қурилиш, шунингдек гидротехника, транспорт ва коммунал ишлари учун туннеллар қазининг тобора кенг миқёс касб этиши ана шу иншоотларга сейсмик кучлар таъсирини тўғри баҳолашни тақозо этмоқда. Шаҳарлар муттасил кенгайиб, ривожланиб бораётган бир шароитда бу масала халқ ҳўжалиги тармоқларининг бетўхтов ишлаши ҳамда аҳолининг кучли зилзилалардан ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

Иншоотларга зилзиланинг нечоғли таъсир этишини ҳисоблаш учун ягона қатъий назария яратиб мақсадида, мана, қарийб йигирма йилдирки, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академик М. Т. Урозбоев номидаги Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институтида ЎзССР ФА мухбир аъзоси, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги бўйича етук мутахассис, техника фанлари доктори Турсунбой Рашидов раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар ҳар хил ер ости иншоотларининг зилзилага бардошлилигини ўрганиш хусусида назарий ва тажрибавий тадқиқот ўтказишди. Улар ер ости иншоотлари зилзилага бардошлилигининг динамик назариясини яратдилар.

Тадқиқотчилар махсус адабиётларда келтирилган материаллар асосида Япония, АҚШ, Чилида турли вақтларда руй берган кучли зилзиланингни, шунингдек, мамлакатимизнинг бир қанча жойларида, хусусан Тош-

кент (1966), Доғистон (1970), Гаэли (1976), Исфара-Боткен (1977) зилзилаларининг ер ости иншоотларига таъсирини атрофлича ўрганишди.

Дароқе, ер ости иншоотларининг зилзилага чидамлигини таъминлашда, уларни сейсмик районларда қуриш борасидаги махсус техник талабларга тўғри ва тўла-тўқис амал қилишини аҳамияти катта. Ер ости иншоотлари қуриб битказилгандан сўнг ҳандақ ва ҳавзаларни қўшганда тупроқни меъёрида шибзаламаслик, ҳўжалик ва қурилиш чиқиндиларини ишлаштириш ва шу каби бошқа омиллар зилзила вақтида бундай иншоотларнинг шикастланишига, баъзан эса вайрон бўлишига олиб келиши мумкин.

Профессор Турсунбой Рашидов раҳбарлигида олиб борилган сейсмомоделининг мураккаб масалаларини тадқиқ этиш ишларида СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. А. Ильошининг бевосита иштироки, ҳамкорлиги билан механика илмида янги соҳа — ер ости иншоотлари сейсмомоделик назариясига асос солинди. Бунда зилзила оқибатларига доир кенг кўламли кузатув материалларини тадқиқ этишга ҳамда қаттиқ жисм механикаси фанининг сўнги ютуқларига суяниб иш қўринди.

Мазкур назарияга кўра, ер ости иншоотларининг мустаҳкамлик хусусияти асосини атрофдаги қатлам билан узвий алоқада бўлган рама типидagi конструкция ташкил этади. Бунда зилзила тўлқинларининг майдон бўйлаб бир хилда тарқалмаслиги ва иншоот элементларининг қатламдан силжиши ҳисобга олинади.

Изданишлар натижаси ўлароқ олимларимиз мўқим тўлқинларининг ер ости қувурининг ўқи бўйлаб тарқалиш муаммосини аниқ ҳал этишди ва сейсмик майдонда ер ости иншоотлари ҳаракатининг икки хил тарзда боришини аниқладилар.

Жаҳонда илк бор яратилган ер ости иншоотларининг сейсмомоделик назариясига кўра тупроқ қатлами хусусиятлари, иншоотнинг конструктив хоссалари ва унинг тупроқ билан улар қисмларининг ўзаро таъсир хусусиятини ифодаловчи айрим параметрлар ёрдамида ҳисобга олинади.

Лаборатория шароитида ҳамда Урта Осиё ва Козогистон шароитида турли ўзига хос қурилмалардан қувурларнинг атрофдаги ер грунти билан ўзаро таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар ўтказиш усулидан фойдаланган ҳолда кенг миқёсда ўтказилган статик ва динамик йўналишдаги тадқиқотлар грунтининг ер ости иншоотларининг ҳаракатига қаршилик кўрсатишининг ягона мезонини белгилаш имконини берди. Бу, таранг-пластик-боғланиш қонунияти бўлиб, унинг самараси ўлароқ сейсмомоделик назариясидан амалий ҳисобда фойдаланиш учун тажриба базаси вужудга келди.

Олимлар ана шу назариянинг асосий шартлари ҳамда фаразлари негизда конструкция қисмларининг мустаҳкамлигини ҳисобга олган ҳолда турли мақсадларда ишлатиладиган ер ости қувурларини ҳисоблашнинг сейсмомоделик усулини яратдилар. Шунингдек, зилзилага бардошлилигининг динамика ҳисоби ҳамда тўғри бурчакли ва айлана ер ости туннеллари, устуни ва бир гўмбазли метрополи-

тен станцияларининг зилзилага бардошли конструкцияларини яратиш усуллари ҳам ишлаб чиқилди.

Ҳар қандай илмий тадқиқот натижаси амалий синовдан кейингина ишлаб чиқаришга жорий этилади. Мазкур назариянинг нечоғли ҳаётийлигини текшириш мақсадида Тошкент метросининг қуриб битказилган қисмида тажриба ўтказилди.

Юқорида келтирилган ҳулоса ва мулоҳазалар метрополитен иншоотларининг қайси қисмларига зилзила тез таъсир этишини кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, метрополитен иншоотларини кучли зилзила бўладиган районларда лойиҳалаш ва қуришда зилзила зарбига қарши тадбирлар ишлаб чиқишни талаб этади. Бу тадбирлар ер ости туннелларининг бўйлама ва кўндаланг силжишига имкон берадиган зилзила зарбига қарши чокларнинг конструкциясини яратиш, махсус конструкциялар қўллаш йўли билан метрополитен станциялари ва туннелларининг зилзилага чидамлигини ошириш; метрополитен станциялари, туннель ва туннеллоди иншоотлари (эскалатор, станция остонаси ва бошқалар)нинг зилзила таъсирида муайян тарзда силжишини таъминлаш, метрополитен ўзидан йўналишини лойиҳалашда туннелларнинг ер юзасидан чуқурлиги бирдан ўзгарishiга, трансаннинг кескин бурилишига йўл қўймасликка ва ҳоказоларга қаратилган эҳтиёт чораларини ўз ичига олади.

Шуни айтиш керакики, зилзила зарбига қарши чоклар асосан туннелларнинг метро станциялари ва бошқа ер ости иншоотларининг сейсмик кучланиш ҳолатини ўрганиш ва бу жараёни автоматлаштириш имконини беради.

Шуниси диққатга сазоворки, зилзилага бардошли қурилишлар соҳасидаги тадқиқот натижаларини жорий этиш туфайли 1978—1982 йилларда 22 миллион сўмликдан зиёд иқтисодий фойда қўрилди. Бундан ташқари, шу соҳадаги илмий натижаларининг амалий таъбиқи жуда катта социал аҳамиятга ҳам эга, бинобарин, бунда зилзиладан аҳоли, ноёб асбоб-ускуналар ҳимоя қилинади, ер қимирлаш вақтида ҳам саноат корхоналарининг бетўхтов ишлаши таъминланади.

Чўнончи, Тошкент метрополитенининг биринчи линиясини лойиҳалашда, Байкал-Амур магистрали туннелларини қуришда, В. И. Ленин номидаги Қорақум канали, Роғун ГЭСи, атом электр станцияси қисмларини

бўнбўн этишда мазкур назария асосида иш қўрилди.

Ҳозир ўзбек олимларининг кашфиёти Болгария, Руминия, Чехословакия ва бошқа социалистик мамлакатларда ҳам қўлланилмоқда.

Мазкур назария фанлари зилзилага бардошли қурилишлар бўйича бутуниттифоқ норматив ҳужжатларга киритилган.

Даставвал, ер ости трупориводларининг сейсмик мустаҳкамлиги масаласи борасида тадқиқот олиб боришни изланувчан олим Т. Рашидовга унинг устози ЎзССР ФА академиги М. Урозбоев таъсия этган эди. 70-йиллардан кейин мазкур проблеманингни, умуман ер ости иншоотларининг сейсмик мустаҳкамлиги соҳасининг ривожланишига СССР ФА мухбир аъзоси А. Ильошин, шунингдек, ЎзССР Фанлар академиясининг академиклари Х. Раҳматуллин ва В. Қобулов, Ф. Мавлонов катта ҳисса қўшишди.

Ҳа, табиатнинг зилзиладек дахшати фалокатига дош берадиган иншоотлар барпо этиш инсониятнинг эзгу орузи эди. Бу оруз истеъдодли ҳамюртларимизнинг ақл-идроки билан амалга оширилди. Зеро, «Ер ости иншоотлари сейсмомоделик назариясини яратиб шунингдек бундай бундай туркуми учун Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Механика ва бошқарува жараёни бўлимининг академик-секретари, республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Турсунбой Рашидовга, М. Т. Урозбоев номидаги Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институти Метрополитен сейсмик мустаҳкамлиги лабораториясининг мудирини, техника фанлари кандидати Абдурахмон Эшонхўжаевга, шу институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосарини, техника фанлари кандидати Ермуҳаммад Муборақовга, институтнинг Ассалар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари динамикаси лабораториясининг катта илмий ходими, техника фанлари кандидати Валентина Омеляненкога, мазкур лаборатория мудирини, техника фанлари доктори, профессор Ғойибназар Ҳожиматовга, Охунбобоев номидаги Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти олий математика кафедрасининг мудирини, физика-математика фанлари кандидати Ботиржон Мардоновга 1983 йилги Абу Райхон Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти берилди.

Хўсниддин НУРМУҲАМЕДОВ



Абу Райхон Беруний номидаги республика Давлат мукофотига сазовор бўлган олимлардан бир гуруппаси: [ўндан чапга] Турсун Рашидов, Ғойибназар Ҳожиматов, Валентина Омеляненко, Абдурахмон Эшонхўжаев ва Ермуҳаммад Муборақов ижодий иш устида.

Н. Шарипов фотоси

# ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

(ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ КЎЧМА  
СЕКРЕТАРИАТИ)

ҚАДИМ-ҚАДИМ замонлардан буён Зарафшон водийси ўзининг серхосил тупроғи ва бойлиги билан шўхрат таратиб келади. Зарафшоннинг «зар сочувчи», «зар элтувчи» каби маъноларни билдириши ҳам бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам, Зарафшон сувининг ҳар бир томчиси «оқ олтин» толасига, инжудек шолига, биллурдек узумга, ақиқдек нақш олмагару наштага айланади.

Самолёт иллюминаторидан қарасангиз, водий зангори лентага ўхшаб кўринади, қуёш нурида унинг қумушранг ҳошиялари — каналлар ярқираб кўринади. Зарафшон дарёсини водийнинг ўзига хос ўқи дейиш мумкин: ундан жуда кўп каналлар сув олади ва кокил-кокил бўлиб таралиб кетади. Улар туғанган ерда — самолётимизнинг шундоққина қанотлари остида улкан «оқ гуллар» билан безанган — шўрхок ерлардан иборат пуштиранг қумлар денгизни кўзга ташланади.

Нихоят, самолётимиз ғилдирақлари қўниш майдонига тегди. Бизни кўхна Бухоро музика ва гуллар

билан: тантанавор, айна пайтда ишчан вазиятда кутиб олди. КПСС Марказий Комитети Апрель пленуми ва ўн биринчи қақриқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси қарорларини амалга ошириш мақсадида ташкил этилган — Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг Зарафшон водийсида ўтказиш мўлжалланган Ўзбекистон адабиёт кўнлари ҳамда кўчма секретариати ўз ишчи бошлади. Зеро, партия ва ҳукуматимиз қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида кўрсатилган вазифаларни кенг китобхонлар ва меҳнат ахли ўртасида тарғиб қилиш ҳар бир ижодкорнинг муқаддас бурчидир.

Олтин водий бўйлаб ўтказилган учрашуларда СССР Ёзувчилар союзи правленесининг секретари, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правленесининг биринчи секретари Сарвар Азимов бошчилигида кўпгина таниқли ёзувчи ва шоирлар иш-

тирок этдилар. Жумладан, улар орасида атоқли ёзувчи ва шоирлар Иброҳим Раҳим, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Шукрулло, Туроб Тўла, Пиримқул Қодиров, Уктам Усмонов, Саъдулла Қароматов, Абдулла Орипов, Лазиз Қайюмов, Пирмат Шермухамедов, Нормурод Нарзуллаев, Зокир Куртнезирова ва бошқалар бор эди.

Мазкур адабиёт байрами Ўзбекистон ССР ва республика Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланди. Зеро, унинг Бухоро шаҳридан бошланганлиги бежиз эмас: Ўзбекистон Советларининг Биринчи съезди худди мана шу шаҳарда ўтказилган ҳамда «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил топганлиги ҳақидаги декларация» қабул қилинган эди. Ўзбекистон Коммунистлар (большевиклар) партиясининг таъсис съезди ҳам шу ерда ўтказилган эди. Бу съезларда Бүтуниттифок оқсоқоли Михаил Иванович Калинин катнашган эди. У Ўзбекистон Советларининг Биринчи съездида нутқ

сўзлаб, шундай деган эди: «Биринчи съезд нима демек? Бу демек — бугунги кунда биз янги давлат биносининг биринчи ғиштини қўймоқдамиз. Бу демек — бугунги кунда биз янги Совет республикасида давлат қурилишини бошлашга киришмоқдамиз. Шунингдек, ўртоқлар, мен истардимки, мана шу Советларнинг Биринчи съезди Совет давлатининг пойдеворини мустаҳкам, ўзига хос сифатли ва салобатли қилиб кўрсин».

Дарҳақиқат, республикаимиз 60 йиллиги юбилеи арафасида ҳаммамиз шохидимизи, Ўзбекистон ССР пойдевори мустаҳкам қурилган ва у қардош халқлар оиласидан муносиб ўрин олди. Бунга ёзувчилар делегацияси Олтин водий бўйлаб сафарлари давомида меҳнат коллективлари билан ўтказилган ҳар бир учрашувда, ҳар бир соатда ишонч ҳосил қилдилар.

Бухоро область партия комитетида бўлган қабул маросимида область партия комитетининг Биринчи секретари И. Ж. Жабборов ижодкорларга область меҳнат ахлининг бугунги улғувор ишлари, Газлида рўй берган табиий офат — зилзила, унинг асоратларини тугатишда кўрилаётган тадбирлар ҳақида сўзлаб берди.

Совет адабиётининг қудрати унинг халқимиз билан ҳамнафаслигидир. Кенг халқ оммасининг бунёдкорлик ишлари, ўй-кечинмаларидан руҳ олган ҳолда, у мамлакатимиз ҳаётининг солномасини яратмоқда. Ёзувчиларимиз юртимиз бошига ташвиш тушган оғир соатларда ҳам, шодивана кунларда ҳам халқимиз ҳаётининг олдинги марраларида бўлиб, долзарб мавзуларда асарлар битадилар, миллион-миллион одамларнинг орзу-ўйлари, қувонч ва изтиробларини ҳаққоний акс эттирадилар. Шу боис ёзувчилар ўз сафарларининг биринчи кунийқ табиий офат вайрон этган Газли шаҳрини бориб кўрдилар.

...Деворлари ёрилган, деразалари чил-чил синган, бўм-бўш уйлар даҳшатли дақиқалардан хотира сифатида мунғайиб турибди. Кун иссиқ ва дим. Одамлар, мактаб хоналари, болалар боғчалари шу чодирларга кўчирилган. Палаталар ва



Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Сарвар Азимов самарқандлик меҳнат ветеранлари даврасида.

вагончаларда истиқомат қилаётган Газли аҳолисини табиат яна бир синовдан ўтказмоқчидай қуёш аёвсиз тиф уради. Бироқ қурилиш жадал бораётти. Газлидаги «Нефтьгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи А. К. Сайфуллаевнинг таъкидлашча, табиий офат оқибатларини тугатish учун партия ва ҳукуматимиз юз миллион сўм миқдорда маблағ ажратган. Шаҳарчада 50 минг квадрат метрдан зиёд майдонда қурилиш ишлари олиб борилади. Бу уй-жойлар 9 баллдан ортиқ zilзиллага ҳам чидайди.

— Қадри довуслари!— деди Сарвар Азимов ёзувчиларнинг Газли меҳнаткашлари билан бўлган учрашувида.— Биз дунёда қаттиқ zilзилга бўлган Аргентина, Сан-Франциско, Токио, Сикопте сингари ана жойларни биламиз. Лекин сизлар билан учрашгач, ана шундай оғир фалокатни бошидан кечирганликларига қарамай, самимий жимлаша олишга, вайронага айланган шаҳарни яна ҳам зўрроқ ғайрат билан қайта тиклашга фақат совет кишиларига қодир эканлигига яна бир қарра амин бўлдик. Биз сизларга минг бор қоимлимиз. Сизлардай матонатли замондошларимиз билан ҳамisha фахрланамиз. Сиз кўрсатган жасорат бутун халқимиз маънавий мулкига айлиши учун қўлимиздан келган ҳамма ижодий ишларни амалга оширамиз.

Шундан кейин таниқли шоирларимиздан Мирмуҳсин, Шукрулло, Абдулла Орипов, фронтчи адиб Иброҳим Раҳим, газчилар ҳаётидан йирик асар битган ёзувчи Пиримқул Қодировлар сўзга чиқдилар. Газли қаҳрамонларини башариятга олов инъом этган Прометейга қиёсладилар.

Маълумки, Бухоро қоракўли ва илагининг доврғи етти иқлимга таралган. Бу тупроқда етиштирилган пахта, дон, ширин-шакар меваю қовун-тарвузлар эса одамлар меҳридан, юрак кўридан баҳра олган. Бугунги Бухоро учун сув муаммоси асосан ҳал этилган. Эндиликда секундига 300—350 кубометр Аму-дарё суви областинг бепоён дала-ларига ҳаёт бахш этмоқда. Ана шу сувдан мўл ҳосил етиштириладиган меҳнат аҳлининг чеҳралари табасмуҳдан чарогон. Қаргга борманг, хотин-қизлар эркаклар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилаётганликларининг гувоҳи бўласиз. Шунда беихтиёр 1925 йили Михаил Иванович Калининнинг мажлислардан бирда эркакларга қарата айтган гап ёдга тушади: «Мана, давлат бошлиғи келди, бироқ сиз эса бир ўзингиз, хотин-қизларсиз келдиларингиз. Ахир хотин-қизлар сизларнинг ҳўжаликларингизга нисбатан давлатга камроқ керакми? Мен, агар хотин-қизлар бўлмаса, бор ҳақиқатни била олмайман, деб ҳисоблайман».

Эндиликда хотин-қизлар меҳнатда, партия ва совет ишларида эркаклар билан ёнма-ён. Биз Пешкудаги «СССР 60 йиллиги» совхозининг маккежўхориқорлик бригадаси бошлиғи Раҳима Эргашева, Ғиждувон райониндаги колхоз раиси Саломат Ганиева, Ромитон район партия комитети секретари Майя Фармонова ва бошқа раҳбар хотин-қизлар билан суҳбатлашдик. Бизга Бухоро область партия комитети секретари Сангича Бахромова кўлгина район партия комитети секретарлари хотин-қизлардан эканлиги, областда хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини оширишга катта аҳамият берилаётганлигини айтди.

Ёзувчилар делегацияси қадимий Бухорода уч кун бўлиб, кейин навқирон Навоий области томон йўлга қиди. Область ва Қизилтепа райони жамоат вакиллари, ишлаб чиқариш илгорлари, пионер ва ўқувчилар нон-туз ва гуллар билан уларни кутиб олдилар.

Қизилтепа... Бу яйдоқ, шўрхок ер ўрнида эндиликда кўпқаватли қатор турар-жой кварталлари, замонавий мактаб бинолари қад ростлаган. Йўлнинг икки томони кўркам хиё-

бон. Бир томонда қизил тупроқдан тикланган баланд тепа. Раъзий маънодаги бу тепалик узра Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган юртдошлар хотирасига ёдгорлик ўрнатилган. Атрофи қарийб 20 гектарли майдонда бог барпо этилган. Иккинчи томонда эса «Дўстлик» стадиони, отлопар, ҳаммом, колхоз бозори, қатор савдо расталари, маъмурий бинолар салобат тўкиб турибди. Уларнинг аксариятини район меҳнаткашлари ҳашир йўли билан бунёд этганлар.

Шу кунги беш йилликнинг учинчи йилидаги катта меҳнат ютуқлари учун республика социалистик мусобақасида голиб чиққан «Москва» колхозида адабиёт намоёндалари билан катта учрашув бўлиб ўтди. Адабий учрашувда Навоий область партия комитетининг иккинчи секретари Х. Х. Худойкулов, Навоий область партия комитетининг секретари С. Қ. Қурбонов, халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг раиси У. А. Асатов, область ижроия комитети раисининг ўринбосари З. О. Ҳотамов ўртоқлар иштирок этдилар.

Адабиёт байрами иштирокчилари билан бўлган суҳбатда Навоий область партия комитетининг иккинчи секретари ўртоқ Ҳожиқул Худойкулов область тарихини ҳаёжон билан гапириб берди:

— Шаҳримизнинг 25 йиллик тўйини ақинда нишонладик. Бу шаҳар ўрни қадим бийдек сахро эди. Машхур қарвон йўли шу ердан ўтган. Работи Малик харабалари ҳамон чўл кўйнида қад кўтариб турибди. Нақл қилишларича, буюк мутафаккир Алишер Навоий Самарқандга бораётиб, мана шу ерларда тўхтаб ўтган. Эҳтимол, шоир сокин кечаларда мана шу ерларга чиқиб танҳо кезгандир. Сахрога сув чиқарилса, қандай чирой касб этиши ҳақида хаёл сургандир. Эҳтимол, Фарҳоднинг афсонавий жасорати тоғу тошларни талқон қилиб, ташна элга ва ташна ерга сув келтирилиши ҳақидаги орзулари шу ерда тугилгандир.

Асрлар ўтди ва улуғ шоир қадами теккан чўлу биебонлар богроғларга айланди. Сахро кўйнида замонавий шаҳар қад кўтарди. Бу шаҳарга Навоий номи берилди. Навоий шаҳрининг лойихасини ле-

нинградлик меъморлар яратганлар. Улар бу лойиха учун СССР Давлат мукофотига сазовор бўлганлар. Партияимизнинг XXVI съездида Навоий мамлакатимизнинг энг гўзал шаҳарларидан бири сифатида этироф этилгани билан фахрланамиз.

Навоий область партия комитетининг биринчи секретари В. П. Есин ёзувчиларни қабул қилиб, областда амалга оширилаётган катта миқдосдаги ишлар ҳақида сўзлади: — Область санаяти, қишлоқ ҳўжалиғи йилдан-йўлга камол топаётди. Икки мингичи йўлга бориб Навоий шаҳрининг аҳолиси 300 минг кишидан ошади. Айни пайтда шаҳардаги суний кўл атрофида 60 гектарлик хиёбон барпо этилаётди. Ҳадемай, қайқалиб турувчи мовий кўл оламида мангу яшиллик масканда улуғ шоиримиз Алишер Навоийнинг салобатли ҳайкали қад ростлайди.

Навқирон область халқ ҳўжалигини турли соҳаларида муваффақиятларга эришмоқда.

Бу ерда бир гуруҳ истеъдодли бадиий ижодкорлар ҳам етишиб чиқмоқда. Улар замонавий санъат турлари билан бир қаторда қадимий халқ санъати — дostonчиликни ҳам моҳирлик билан ривожлантирмоқдалар. Биз сафар давомида халқ бахшлари ижодининг оммалашиб бораётганига гувоҳ бўлдик. «Олтинсо» совхоз клубида бўлиб ўтган — машхур халқ бахшиси Пўлкан шоир таваллудининг 110 йиллигига бағишланган адабий кеча ҳаммамизда катта таассурот қолдирди. Бахшчилар тўғридан-тўғри томошабинлар орасидан дўмбираларини чертиб, ўз ижодларидан намуналар айтиб, ў сахнага чиқиб кела бошладилар.

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Мирмуҳсин Пўлкан шоир юбилейига бағишланган кечани очиб, бахши ижоди ҳақида гапириб берди. Ёш адабиётшунос Раҳим Қодиров шоир ҳаёти ва ижоди хусусида доклад қилди. Шундан кейин Пўлкан шоирнинг ўғли Умарқул Пўлкан, унинг невараси Саодат, кoнимеҳлик бахши Қурбон Наврўзов, Ислom шоирнинг ўғли — Зийдулла бахши Ислom, Очил Эшмурод ўғли асрлар оша яшаб келаётган халқ дostonларидан парчалар ва ўз термаларидан айтдилар.

Адабиёт кунлари Самарқандда ҳам муваффақиятли давом этди. Ёзувчи ва шоирлар Самарқанднинг қадимий меъморчилик обиделаридан руҳланиб, заъқ олиб, бугунги ҳаёти билан танишдилар. Олий ўқув юртиларда — студентлар, саноят корхоналари коллективлари даврасида дадил адабиёт илосламандлари билан кизгин баҳслар, мушоиралар ўтказилди. Шаҳар марказида Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Мухаммадқул Жомурод ўғли Пўлкан, Ислom шоир Назар ўғлига ўрнатилган ҳайкал-ансамбли зиёрат этдилар. Чинакам адабиёт байрамига айланган Олтин водий бўйлаб ўтказилган сафардаги учрашувлар, бахс ва мушоира кечалари сеvimли ёзувчи ҳамда шоирларнинг китобхоналар билан эсдалликлар, дастхатлар алмашинуви билан яқунланди.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг махсус кўчма секретариати ҳар учала область адабий жамоатчиликнинг ижодий фаолияти билан атрофлича танишиб қиди. Ютуқ ва камчиликлар рўй-рост айтилди. Масалан, Самарқанд областида проза жанрига кам эътибор берилаётганлиги танқид қилинди. Ўзбек, рус, украин, қозоқ, татар миллатларининг республикаимизда яшаб ижод этаётган талантли ёш шоир, ёзувчи ва драматургларидан катта бир гуруҳи СССР Ёзувчилар союзи сафига қабул қилинди. Бўлиб ўтган адабиёт кунлари ўзбек адабиётининг оммавий байрамига айланди. Ёзувчилар сафардан янги илҳом билан ижодий режалар тузиб, бўлажак асар қаҳрамонлари, шоир таъбири билан айтганда, «ноқаск юлдуз»ларни кашф этиб қайтдилар. Айни пайтда бу адабиёт байрами меҳнат ахлига кечисиз заъқу шавқ, шодлик, қувонч, бир дунё орзулар инъом этди. Далаларда бўлгуси ҳосилга мустаҳкам пойдевор тиклаш учун шиддатли кураш бораётган аини вақтда ўтказилган анжуман деҳқонларимизни янгда зарбдор меҳнат қилишга, беш йилликнинг янги-янги марраларини забт этишга руҳлантирди.

Анатолий ЕРШОВ,  
Ҳожиқабар ШАЙХОВ,  
Абдулхай НОСИРОВ

Бухоро — Навоий  
Самарқанд — Топкент



Шукрулло, Лазиз Қайумов, Пирмат Шермухамедов китобхоналар даврасида.

С. Маҳкамов фотолари

**К** ИШЛОГИМИЗДА уруш ва меҳнат ветеранлари комитети ташкил топганига ўн йилдан мўроқ бўлди. Мирарслон ака, Ғози Тўраев, Қосим ака Маҳмудов, Юсуф ака Фаёзиев, Назир ака Тўлаганов, Абдуғаффор ака Йўлдошев, Фатхулла ака Пулатов каби нуруний отахонлар шу комитетнинг аъзолари-дирлар. Агар ўтмиш дафтарларини варақлаб, таржиман ҳоллари билан танишиб чиқсангиз, уларнинг ҳар бири босиб ўтган ҳаёт йўллари бир неча бадий асарга мавзу бўлишига ишонч ҳосил қиласиз. Инқилобдан кейинги оғир йилларда — ёш совет ҳукуматига таъовуз қилаётган чет эл интервентлари ҳамда қулоқлардан ташкил топган босмачиларга қарши кураш, хотин-қизлар озодлиги, савод-сизиликни туғатиш ва ниҳоят қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришдек муҳим сиёсий ишларда улар фаол иштирок этишган. Фашистлар она Ватанимизга хиёнаткорона уруш бошлаганида ҳам уларнинг бир қисми қўлга қурол олиб Ватан ҳимояси учун жангга киришган бўлса, қолганлари мамлакатимиз ичкарисинда туну кун меҳнат қилиб, жангчиларга озиқ-овқат, қурол-яроғ етказиб беришган.

Ветеранлар турли ёшда. Улардан туғилган кунларини сўрагудек бўлсангиз, ҳаммалари: «9 Май» деб жавоб беришади. Уларнинг шундай дейишлари бежиз эмас, албатта. Чунки уларнинг кўпчилиги тўрт йиллик қирғин-қиёмат уруш давомида қўл ва оёқларидан оғир яраланишиб, то шу кунга қадар жабрини тортиб

— Ленинград қамалининг қатнашчиси эканлигини ҳаётдан хабарим бор. 1980 йилнинг 6 апрелидаги жангчи ветеранлар йиғилишида қатнашгандим. Ушанда район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Қамбаров Волхов fronti учун чиқарилган медални ўз қўли билан сизга топширган эди. Малол келмаса, ана ўша Ленинград учун олиб борилган жанг хотираларидан гапириб берсангиз.

— Хўп, иним,— деди у.— Ичимизда қолиб кетгандан кўра қозғоқ бети-га тушиб қолгани маъқул. Шоядки, она Ватан озодлиги ва халқимизнинг бахт-саодати йўлида олиб борилган ҳаёт-мамат жанг хотиралари ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишларимизга нафи тега.

Абдуғаффор ака фикрини бир ерга тўплаб олиш учун бироз тин олди. Сўнгра томоқ қириб йўталиб қўйдиди-да, ҳикоясини давом эттирди.

— Уруш бошланганда Косонсой районидаги Тергачи қишлоғида мактаб директори бўлиб ишлардим. Эркак ўқитувчиларни битта-битта фронтга жўнатиб, бир ўзим қолдим. Менинг бромим Борлиги туфайли фронтга олиш у ёқда турсин, ҳарбий комиссариатдагилар ҳатто бирон марта чақиримайди ҳам. 1942 йилга келиб қишлоқда эркаклар сираклашиб қолишди. Бундоқ қарасам, тоғни урса талқон қиладиган ёшлардан бир ўзим қолгандекман.

Худди шу кезларда, 1942 йилнинг июлида Сталиннинг «Бир қадам ҳам орқага чекинмаслики тўғрисидаги буйруғи эълон қилинди. «Демак,

бўлиб оқди», дейишгани шу бўлса керак-да!

Биз ҳавф-хатарсиз станциядан ўтиб кетдик. Кейинги станцияга кириб боришимиз билан «икки минут ичида вагонни қолдириб ўрмонга яширининглар», деган буйруқ берилди. Шу заҳоти ўрмон ичига кириб кетдик. Орадан кўп ўтмай, душмanning оғир самолётлари пайдо бўлиб, станцияни бомбардимон қила бошлади. Биз келган эшелондан битта вагон ҳам бутун қолмабди. Эштишимизга қараганда, душман разведкачисини қўлга туширишибди. Уша сотқин Ленинград ҳимоясига келаётган кучни у томонга маълум қилиб турган экан. Ленинградга бостириб келаётган фашистлар маълумотни олиш билан самолётларини юбориб, йўлдаёқ бизнинг қуролли кучларимизни янчи ташламоқда эканлар. Бу вақтда душман Ладога кўли томонига ёриб ўтиб, Шлиссельбургни босиб олганди. Ленинградликлар билан фақат ҳаво йўли ҳамда Ладога кўли орқали алоқа боғлаб туришга тўғри келганди.

Ниҳоят сентябрь ойида Волхов фронтининг 327-дивизиясида қўл пулемётчиси бўлиб жангга кирдим. Биринчи кунёқ уч ўлимдан тасодиф мени сақлаб қолгани ҳали-ҳали ёдимда. Душман қаршимиздаги тепаликка жойлашиб олган. Жанг майдони уларга кафтдагидек кўрниниб турарди. Ботқоқлик ичида даракларни паналаб сударлиб, командиримиз кўрсатган оқопларга яқинлашмоқдамиз. Душмanning икки ўқи мендан олдинги икки жангчини ер тиллатди. Гал менга келганда душмanning ўқи



билан ҳарбий техникасини ишга солиб, кетма-кет ҳужумга ўтарди. Аммо Ленинграднинг матонатли ҳимоячиларининг руҳий қудратини парчалаб ташлашга оқиллик қилаётганидан жазавога тушганди.

Бу пайт Россиянинг ҳақиқий қиши бошланди. Ленинградга келадиган барча йўллари душман эгаллаб ол-

Вали ҒОҒУРОВ

# ҚАЙТА ТУҒИЛГАНЛАР

келишаётир. Урушдан кейинги салкам 40 йиллик умрлари давомида она Ватан равнақио, халқимизнинг бахт-саодати йўлида меҳнат қилиб келишаётир. Ветеранларимиз урушдан кейинги йилларни иккинчи умримиз деб, 9 Майни эса таваллуд топан кунимиз деб эъзозлайдилар.

Мен, 1913 йилда туғилган бўлишига қарамай «1945 йилнинг 9 майида туғилганман», деб юрганлардан бири бўлишим Абдуғаффор ака Йўлдошев билан учрашмоқчи бўлдим. Ниҳоят домладан солдатлик шинелини кийиб, жангга кирган йилларидаги қонли хотираларни ўз оғзидан эшитмоқчи эдим.

Фашизм устидан қозонилган оламшумул ғалабамизнинг 39 йиллигини муносив қутиб олиш учун қишлоқ-гимизда катта ишлар олиб боришмоқда эди. Айниқса, Сорпента устига ўрнатилган ва гулларга бурканган ёдгўрлик монументи атрофи гўзал бир қўрнини қасб этган. Ҳар ер-ҳар ерга осиб қўйилган қизил алвонлардаги шпорларни ўйган қўйи битта-битта юриб бормоқдаман. Оқ мармардан қад кўтарган Она ҳайкалига яқинлашиб келаётганимда супапада ҳаёл суриб ўтирган Абдуғаффор акага кўзим тушиб қолди.

— Ҳа, домлажон, нима қилиб ўтирибсиз?

— Уйлаяпман, иним, уйлаяпман, ўша қора булутли йилларни хотирлаяпман,— деб жавоб берди у.

Икковимиз қўлтиқлашиб, монумент чеккасидаги дараклар тағига ўтдик. Дам олувчилар учун қўйилган скамейкага ўтириб нафасимизни ростлаган бўлдик. Сўнгра домлани саволга тутдим.

фронтда ахвол оғир. Душман йўлини тўсиш учун катта куч керак. «Арғачига қил қуввати деганларидек, менинг ўрним бу ерда эмас, жанг майдонида бўлмоғи керак. Қатъий қарорга келганимдан кейин район халқ маорифи бўлимидагиларни ўз ҳолига қўймадим. Ниҳоят, директорликни аёл ўқитувчилардан бирига топшириб, ҳарбий комиссариатга бордим. Шундай қилиб, ҳарбий хизматга қабул қилишди. Харьковдан Наманганга кўчириб келтирилган ҳарбий мактабнинг талабаси бўлдим ва 22 кун давомида машқ қилдим. Мактабимиз фронтга жўнаш учун буйруқ олгач, бир кечадаёқ жанговар ҳолатга келиб, вагонларга жойлашдик. Икки эшелон кетма-кет Ленинград ҳимояси сари шошилинч йўл босарди. Биздан олдиндаги эшелон Тихвин станциясида душман бомбасидан парчаланиб кетганидиган хабар топдик. Станцияга етиб келганимизда даҳшатли манзарага дуч келдик. Станцияда парчаланмаган ва бир вагон, қуламаган ва бир уй ва на дарак қўрнинарди. Ҳамама ёқ қоп-қора, куйинди хиди димоқни ачшитишарди. Ҳалок бўлганлар жасади йиғиштириб олинган, аммо станция инсон қонидан қип-қизил эди. Айниқса пачақланган состав атрофларига назар ташлашга ботина олмадик. «Қон дарё

туғаб, янги диск қўймоқчи бўлдими, билмадим, ишқилиб учинчи ўқ отилмади. Иргиб ўрнимдан турдим-да, пулемётни кўтарганча бироз энгашиб, окоп томон югурдим, ўзимни энди окопта ташлаганимда сидирғасига ўқ узилди. Бир неча ўқ жаранглаб каскамни ялаб ўтди. Бу воқеа кун ботиб қош қорайиш олдига содир бўлганди. Орадан ярим соат намас ўтгач, шундоқкича бошим устидан пулемётнинг ёнгинасига бир нарса тушди. Бу — душман томондан отилган граната бўлиб, бахтимга ёрилмай қолган экан...

Кун сайин жанг қизгин тус ола бошлади. Ленинградни қўлга киритишга уринаётган, Москва томон шийлаётган душман шахарга ҳам ердан, ҳам осмондан баробарига ҳужум қиларди. Бомла-қазодек ёпирилиб келаётган немис қўшинлари зарбамизга даш беролмай орқага чекинар ва яна қайта ҳужумга ўтишини давом эттирар эди. Шаҳар дуд ва тўзон ичида қолиб кетган, бомба ва снарядларнинг кетма-кет портлаши қулоқни қоматга келтирарди. Шаҳар ичидан кўтарилаётган юзлаб алангалар тунни худди кундуздагидек ёритиб турарди.

Ленинградни қўлга кирита олмай эгасидан танбех эшитаятган Фон Лейб қаҳр отига минган. У армияси

ган. Озиқ-овқат билан қурол-яроғ етказиб туриш амри-маҳол бўлиб қолганлиги учун қўлимизда нимаики бўлса, тежаб сарфлашга мажбур эдик. Ҳам муттасил ҳужумга ўтаётган душманга, ҳам очликка бардош бериш камлик қилгандек, ботқоқликда жанг қилаётган биз солдатлар учун қишининг қаҳратон совуғига ҳам чидашга тўғри келарди. Биз доҳиймиз Ленин номи билан аталадиган устува қадрдон шаҳарининг душман оёғи ошуб топталишини сира-сира истамас эдик. Ор-номусимиз, гражданилик бурчимиз ва коммунистик онгимизни душманга қарши сафарбар этардик. 12 январда Ленинград fronti билан Волхов fronti Нева дарёси бўйлаб ичкари ёриб кирган немис қўшинларига қарши бир вақтда ҳужум бошладик. Биз бир ҳафталик тинимсиз жангдан сўнг дунёга ҳоким бўлмоқчи бўлган гитлерчиларни эсанкиратиб қўйдик. Ҳужумимизга бардош беролмаган немис қўшинлари ниҳоят 18 январда чекинишга мажбур бўлишди. Уша кунларда Нева устида муз парчалари билан одам жасадлари қалашиб оққанини, дарё суви эса қирими қон рангига бўялганини ўз кўзим билан кўрдим. Талафотларимиз сон-саноксиз бўлса ҳамки, ғалабини қўлга киритдик. Шундай қилиб, қамалда қолган ленинградликлар учун торғина ҳаёт йўли очилди. Ладога кўли орқали биринчи гада пароход билан, кейинчалик муз устида автомашина билан қамалдагиларга озиқ-овқат, дори-дармон, кийим-кечак ҳамда қурол-яроғлар келтириб турилди. Ҳаёт йўли орқали ҳаммаси бўлиб бир ярим миллионга яқин аҳоли билан бирга ярадорлар Катта ерга жү-

МАРДЛИК-МАНГУЛИК





Эркатош ШУКУРОВА

\*\*\*

Тошқин ҳаёт қайларга йўллар,  
Қайларгадир ташлайди элтиб.  
Хайрлашмоқ истамам асло,  
Укинмайман кўз ёши тўкиб.

Қайда бўлмай сен билан ошна,  
Сенга менинг чин фарзанд сўзим.  
Сенга Ватан, юрагим ташна,  
Сен туфайли қутлуғдир изим.

\*\*\*

Мени ишқда айбладилар,  
Уртантирди кўп гумонлар.  
Нега севиб гуноҳ бўлсин,  
Айблади қай ёмонлар!


Мен севмайин қандай яшай  
Гулнинг исин, гўдак исин.  
Айтинг агар илож бўлса,  
Қалбни берай, парчаласин.

Мен севмайин қандай яшай  
Ғазал ҳиссин, ноининг исин!  
Гар қўлидан келса, майли,  
Қалбни берай, парчаласин.

Агар севмоқ гуноҳ бўлса  
Она замин, пахта исин,  
Айтинг ўша айблаганга,  
Қалбни берай, парчаласин.

Яна унга айтиб қўйинг,  
Юракдаги сирин очсин.  
Севмоқликни билмас экан,  
Қалбин олиб парчаласин!

Каттанўрғон



Эргаш ЕНДОШ

## БОР БЎЛИНГ, ҒАМГУЗОРЛАР

(Зилзила кунларида попликларга  
ҳамма областлар ва қўшни  
республикалар беминнат ёрдам  
кўрсатишди)

«Ғам чекма, ғамхўрингман», деган дўстимга қуллук,  
Ёмон кунлар ёнимда,  
Елғизлатиб қўймайди.  
Бу халқ шунчалар танти,  
Бу халқ шунчалар улуғ,  
Ҳолдан тойган кезингда ҳолсизлатиб қўймайди.  
Бошимга иш тушганда, ҳолим сўргулик халқим,  
Суюксанки, жон десанг. жон деб бергулик, халқим!

Ер силкинди, силкинди қалбимиз кўксимизда,  
Қор-қировада табиат тескари кийди тўнини.  
...Нимаянғоқ, бошяланг соатлаб турдик музда,  
Очқик скамейкалар устида топдик кўним.  
Бу ҳол вақтинча эди,  
Дош бердик, ўтди-кетди,  
Содиқ дўстларимиздан ҳолис ёрдамлар етди.

Бу чодирлар,  
Бу вагон,  
Бу кўмир сийлов бизга  
Сирдарё,  
Анджон-у  
Жигарбанд Фарғонадан.  
Чодирни Қозоғистон йўллабди Попимизга,  
(Мамнун бўлмай бўлурми дўстига парвонадан!).  
Серҳиммат ҳамдардларга дилдан таҳсинлар бўлсин,  
Бу фидойи жонлардан жонларимиз ўргулсин.

Ленинчи партияга дил таҳсини даставаал,  
Шудир бизни жам қилган бир байроқнинг остига.  
Шудир онга сингдирган дўстлик илмин муҳаммал,  
Оқибатли бўлсин деб дўсти доим дўстига.  
Байроқдорим, севгадир асил қалбим олқиши,  
Азмингандир элларнинг бахтин қулиб балқиси.

\*\*\*

Тушимга ҳам кирмайсиз, қизиқ,  
Унга учранг демайман-ку!  
Шунақаям фурсатингиз зиқ...

Наҳот, чорлаб ўтурман мангу?!  
Йиллар бўлди кўрмаганимга...  
Сочингизга оқ инган балки.  
Ҳеч ким йўқдир рўйи-заминда,  
Сизни мендек соғинган балки...  
Қандоқ қилай, талпинар юрак,  
У хушламас сиздан ўзгани.  
Ачинтирмас уни ҳам қиттак  
Эгасининг озиб-тўзгани.  
Дийдангиз тош бўлмаса бунча,  
Ахир сиз ҳам фарштамас-ку!  
Сиздаги бу қалтис тушунча  
Ҳаётимга қилинган қасд-ку!  
Йўқса, ҳолим бўлмай туриб ҳал,  
Тушимга бир киринг лоақал...

Поп



Абдулхай НОСИРОВ

\*\*\*

Кезмай не шаҳру юрт, денгиз, бог, чаман...  
Ой ўтмай ўртади соғинч жонимни.  
Қанот пайдо бўлар гўё  
Учаман,  
Интизор қилмай деб меҳрибонимни.  
Кўз олдимдан ўтар муштилар онам,  
Наздимда қутлайди оппоқ тонгимни,  
Қанот пайдо бўлар гўё  
Учаман,  
Кўп бедор қилмай деб онажонимни.  
Нотинч тушларимда сой бўлиб...  
Ўт-хазон қопламиш ҳовли-томимни,  
Қанот пайдо бўлар гўё  
Учаман,  
Ажриқзор қилмай деб гулистонимни.  
Орзиқиб бағринга бағрим отаман  
Ер, она, Ватаним, омон бўл абад!  
Қай юрда кезмайин ёниб қайтаман;  
— Тақдир айирмағил соғинчдан фақат.

\*\*\*

Бу тубсиз фазога йўл очиб аввал,  
Зулмат бағрига нур сочиб аввал,  
Коинот жимлигин бузиб сафари,  
Чақмоқдек чақнайди Юрий Гагарин...  
Парвозга айланди ҳайрат, шон, сурур,  
Парвозга айланди етук тафаккур.  
Зангори самода тўлқиндек қалқиб,  
Парвозга айланди ўзи ҳам балқиб...  
Юлдузлар тўпида парвоз сарбони,  
Қутиб олаётир букун карвонни.

Тошкент

натилди. 150 граммдан нон тақсимо-  
тига эга бўлган шаҳар аҳолиси оч ва  
юпун бўлишига қарамай, жангчиларга  
яқиндан ёрдам берди.

1978 йилдан буён ҳар йили биз  
Волхов фронтининг омон қолган  
жангчилари 9 май арафасида Ленин-  
граднинг меҳмони бўламиз.

Ҳар гал борганимда ўша ботқоқ-  
лик томон йўл оламан. Узим мудо-  
фаа қилиб турган ўша дзотимга  
яқинлашган сарим вужудимда беих-  
тиёр титроқ ҳосил бўлади. Биргина  
менда эмас, ҳамроҳларимда ҳам  
шундай ҳолат кечади. Ҳаммамизнинг  
рангимиз ўчиб, бирданига асабий  
тусга кириб бораётганимизни сезиб  
қоламиз. Ўша ҳаёт-мамот жангида  
совет солдатига ҳок чидам ва мато-  
нат билан душман йўлини шу ботқоқ-  
ликда тўса олдик. Бир неча ой мут-  
тасил ботқоқликда яшаш ҳазил гап  
эмасди. Дзотим устида шуларни ўй-  
лаб, инсон қанчалар чидамли экан-

лигига тан бераман. Бундай чидам ва  
бардош қаердан пайдо бўлди экан  
бизда? Буни у пайларда ўйлаб ҳам  
кўрмаган эдим. Кейин билсам, бу-  
нинг ҳаммаси Ватанга бўлган чексиз  
меҳр-муҳаббат туфайли экан. Нева  
дарёсининг бўйида «Слава Невским  
пятчакми» деб ёзиб қўйилган шюур  
зиёратчилар нигоҳини ўзига жалб  
этиб турибди. Нева бўйи ва унинг ат-  
рофлари беш марта қўлдан-қўлга ўт-  
ганлигини эшитдим. Шу бир парча  
майдон ленинградликлар учун ҳаёт  
йўли бўлиб қолсин, дея қанчадан-  
қанча совет жангчилари жонларини  
фидо этдилар.

Қўйингки, иним, Ленинграднинг  
қаериди бўлманг, ўша ерда бўлиб  
ўтган қиргин жанглардан қолган хо-  
тира ҳар қандай инсоннинг ҳам кўн-  
глини юмшатиб, килрикларини нам-  
лайди. Биргина Пискарев қабрисити-  
нда очилқдан ҳалок бўлган 641 минг  
803 ленинградлик дафн этилган.

1943 йилнинг 19 январиди Волхов  
фронтни Ленинград фронтни билан қў-  
шилганда госпиталга тушиб қолдим.  
Салкам беш ой ботқоқлик ичида  
яшаш соғлимга таъсир қилган  
экан. Шунча мuddат бир нафас ҳам  
ечинмай пойнафзал ичида қолиб кет-  
ган оёқларим «оёқ чириши» касали-  
га дучор бўлган экан. Узоқ мuddат  
даволанганимдан кейин госпиталдан  
чиқиб, яна жанга кирдим.

Ана шунанга, иним. Сиз Сталин-  
градда, мен эсам Ленинградда жанг  
қилдик. Мана энди кексайиб қолдик,  
лекин боболаримиз кўрмаган хузур-  
қаволатни кўриб яшамокдаимиз. Пийру  
бадавлат кексалар деб бизларни ай-  
тса арзийди, шундай эмасми? Ватан  
учун қилган меҳнатларимизнинг са-  
марасини қариганда кўрмоқдаимиз.  
Давлат томонидан берилётган ойлик  
нафақа етиб ортади. Уғил-қизларим-  
издан моддий ёрдам сўраша муҳ-  
тож эмасмиз. Шукурким, иккинчи

бор туғилишимиз бахтли йилларга  
тўри келди, ниятим — ана шу бахтли  
йиллар халқимиз учун доимий  
бўлсин, осмонимиз муссаффо бўлиб,  
она-еримизда бомбалар портлама-  
син. Ер кurrasида тинчлик доимо  
қарор топсин! Замон тинч бўлса,  
ҳаётимиз бундан ҳам яхшилланиб бо-  
раверади.

1945 йилнинг кузида туғилган қиш-  
лоғим бўлмиш Зангиотага қайтиб  
келдим. Шу йилнинг декабридан  
бошлаб севган касбим — ўқитувчи-  
ликни давом эттирдим. Уттиз йил  
мобайнида тинчлик шарофати бекиб  
эканлигини мактаб ўқувчиларига ў-  
қитиб сабоқ бердим. Ҳа, мен Ватан  
олдидаги жангавор бурчинини шундан  
ибораат деб билдим. Бу бурчини пен-  
сияга чиққанымдан кейин ҳам давом  
эттирмакдаман. Қаерда бўлмайин,  
ешларимизга тинчликни авайлашни  
ўқтираман...



## ЭЗГУ ИДЕАЛЛАР ЙЎЛИДА

Уч қитъа — Осие, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Тошкент халқаро кинофестивалининг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» деган олижаноб шоридан ҳам кўриниб турибдики, бу анжуманга келтирилган фильмлар инсониятнинг энг эзгу идеалларини қарор топтириш учун хизмат қилади. Шунинг учун ҳам республикаимиз пойтахтида ҳар икки йилда ўтказилаётган мазкур кинофестиваль катта аҳамиятга эга. Тошкент бу йил уч қитъанинг тараққийпарвар кино санъати намояндalarини саккизинчи марта ўз бағрига олди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг Осие, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII халқаро кинофестивали қатнашчилари ҳамда меҳмонларига йўллаган табрикомасида: «Кино санъати ядро уруши хавфига қарши, инсониятнинг бахтиёр ва порлоқ келажаги учун курашда планетадаги прогрессива кучларни бирлаштиришга бундан буюн ҳам хиз-

мат қилаверсин», деб таъкидланди. Дарҳақиқат, кинофестиваль мана шу эзгу-ният йўлида иш олиб борди. Унинг программаси ранг-баранг эди. Ҳужжатли киноленталар кўриги, бадий фильмлар кўриги, «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда киновнинг роли» мавзусида анъанавий мунозаралар, анжуман иштирокчиларининг республика бўйлаб сафарлари, фильм ижодкорларининг кинотомошабинлар билан учрашувлари ўтказилди.

Хуллас, шу йил 23 майдан 2 июнга қадар давом этган Осие, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII Тошкент халқаро кинофестивали бўтун дунёда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, тинчликсевар халқларни бирлаштириш соҳасида олиб борилган курашда ўзига хос қадам бўлиб қолди.

Л. Ҳусанов фотоси

# ПАРВОЗ

«Москва-Ленинград» «Красная стрела» пассажир поездди узоқ йўлнинг танобини тортиб шиддат билан илгариллаб борарди. Қорамағиз юзли ўттиз ёшлар чамасидаги йигит Москва сафаридан қайтаётган атоқли расом Чингиз Ҳамроевнинг эътиборини ўзига торди. Йигит поезд деразаларидан лип-лип ўтаётган қайнзорларга, оппоқ қор билан қопланган даштликларга ўйчан тикилганича ҳаёл сурарди.

Расом йигитни гапга солди:

— Ҳамшаҳар, қайси областдан бўласиз?

Йигит Чингиз Ҳамроевга ўғрилиб қаради-да:

— Бухоро областининг Пешку райониданман,— деди.

— Ия, Буюк абломанинг юртдоши экансизда,— деди расом ҳаяжон билан,— Афсонадаги Ибн Сино музейини менинг шоғирдларим Содик Раҳмонов билан Эркин Назаровлар безашган. Улар— жуда истеъдодли йигитлар...

Гап устоз ва шоғирдлар ҳақида кетаркан, Муҳаммад Бир зум болалик чоғлари, студентлик йиллари ва устозларини эслаб кетди. Ушанда Муҳаммад тўққизинчи синфда ўқирди. Бир кун тарих ўқитувчиси уларни чўл этгадиги Вараша массивига экскурсияга олиб борди ва ўқувчиларга ўтмишда энг йирик савдо маркази бўлган кўча-на Вараша тарихи ҳақида гапириб берди. Ўқувчилар қалъа харобаларини кўмилиб кетган сув йўллари томоша қилишди.

Шу пайт бирдан ҳавонинг авзойи бузилди. Эрталабдан бери тинимсиз елиб турган шомолнинг заботи кучайиб, ҳаммаёқни чанг-тўзонга тўлдириб юборди. Қум кўчиш бошланди. Болалар ўзларини дала шийпонига уришди.

Ниҳоят, қум бўрони тинди. Ўқувчилар шийпондан чиқиб, ҳангу-манг бўлиб қолишди. Шафқатсиз чўл шомоли эндигина буй чўзган икки қулоқ гўзаларни таг-томири билан кўпориб ташлаб, ерни ўйди-чўкур қилиб юборганди. Аллақердан етиб келган бригадир:

— Ҳар йили аҳвол шу,— деди йнглагудек бўлиб.— Бу шомолнинг дастидан ўлиб бўлди. Бунинг олдини олишнинг иложи бўлмайтиди.

Бригадирнинг гапи сабаб бўлдики э ўзининг қалбида кимё фанига бўлган меҳр-муҳаббатими, ҳар қалай ушанда Муҳаммад:

«Йўқ, бригадир ака, йил бўйи қилган меҳнатингизни совиришга йўл кўймаймиз», деди ҳаёлан. Шу-шу бўлди-ю Муҳаммад деҳқонларга яқиндан ердан бершини орзу қилиб юрди.

1966 йили илмга чанқоқ кинигининг орзуси ушланди. У Тошкент Давлат университетининг химия ва тупроқшунослик факультетига ўқишга кирди.

Муҳаммад Ҳамроев бу табаруқ даргоҳда марҳум академик С. Н. Рижков, профессор Л. Т. Турсунов, доцент А. А. Абдуллаев сингари кимё фанининг тажрибали билимдон домлаларидан сабоқ олди, бу фан сирларини эгаллашга катта иштиёқ билан киришди. Тўртинчи курсда ўқиб юрган кезларидек Муҳаммад дорилфунун студентлари илмий конференцияларида, республика ёшлари семинарларида доклавлар қилди. Университетни тугатгандан сўнг у аспирантурада қолдирилди. Урта Осиеда шомол эрозиясига қарши курашнинг асосчиси, СССР Қишлоқ хўжалик Фанлар академиясининг Урта Осие филиали деҳқончилик ва кимёлаштириш бўлимининг бошлиғи профессор Қирғизбой Мирзажоновга шоғирд бўлди.

Ёшларнинг жонқуяр устози Қирғизбой Мирзажонов шоғирдининг илмий иши устидаги меҳнатига яқиндан ердан берди. Бўлажак олим эса кунт билан ўқиди, ижодий изланди.

1980 йили Муҳаммаднинг ҳаётида унутилмас воқеа юз беради. Шу йили у «Бухоро область территориясида эрозияга ўчрович тупроқлардан унутули фойдаланиш усуллари» мавзуси бўйича кандидатлик диссертациясини химоя қилди, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати деган унвонга эга бўлди.

...Фан кандидати. Биргина ана шу сўзлар замирида қанча-қанча ижодий изланишлар, қувончу ташвишлар бор. Ҳа, Муҳаммаднинг узун тунларни бедор ўтказгани эса кетмади. Еш олимнинг тадқиқот ишлари юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар унинг фанга киритган кашфиёти нақадар актуал эканини далиллайди.

К. А. Тимирязев номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик академиясининг кафедра мудири, СССР Давлат мукофоти лауреати, академик Н. П. Панов Муҳаммад Ҳамроевнинг илмий ишини қишлоқ хўжалиги учун зарур кашфиёт эканини айтди. Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор А. А. Шуравилин ёш олимнинг ишини назарий ва амалий жиҳатдан ниҳоятда муҳим деб таъкидлади. Профессор Қ. Мирзажонов: «Муҳаммад Ҳамроевнинг илмий тадқиқотлари нафақат Бухоро областининг Шофиркон, Бухоро, Пешку, Қорақўл, Олот районлари учун, балки республикамизнинг Қарши даштларида, Туркменистон, Қорақалпоғистон АССРдаги баъзи хўжаликлар учун ҳам фойдалидир», деб таъкидлади. Шунинг ҳам эслатиб ўтиш керакки, Урта Осиенинг иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлган Ғарбий қисмларидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини ахшиллаш ва улардан юқори ҳосил олиш усуллари фанда ечилиши керак бўлган муаммолардан бири ҳисобланар эди. Еш олимнинг фандаги кашфиёти ана шу проблемани ҳал қилиб берди. Дастлаб у республикамизнинг территорияларида шомолдан зарар кўрувчи ерларнинг тупроқ эрозияси (емирилиши) картасини тузиб чиқди. Шу зоналарда мавжуд бўлган эрозияга қарши тузилган тадбирларни синчковлик билан ўрганди. Олимлар ўртасида баҳсга сабабчи бўладиган, яъни шомолнинг олдини тўсиш учун экиладиган ихота дарахтларини ўтқазилиши самарали йўллари ниҳоятда берди. Муҳаммад Ҳамроев ўз тажрибалари натижасида шомолни тўсиш учун экиладиган 6 қатордан то 24 қаторгача ихота дарахтларини экиш усуллари мақсадга номувофиқ деб топди. У шомолни тўсиш учун фақат 2 ёки 4 қатор ихота дарахти экиш кифоя қилишини амалий исботлаб берди. Шунга амал қилинган тақдирда ҳар гектардан 18—20 сотих ер тежаб қолинади. Еш олим кашфиётининг самарали томони шундаки, экилган ихота дарахтларидан қилинган тўсиқлар воқеа етиб, шомолнинг олдини тўсишга кетадиган вақт давомида ернинг ҳосилдорлигини сақлаб қолиш учун кузги бугдой экилади. Бошқача қилиб айтганда, бир неча йилгача ердан дон ҳосили йиғиб олинади ва шу билан бирга ер эрозиядан сақланади. Олимнинг бу ихтироси ҳам гоё таҳсинга лойиқдир. Бунда шомол эрозиясидан зарар кўрувчи ерлардан 40—45 центнердан ҳосил олиш учун ҳар гектар ерга 300 килограмм азот, 200 килограмм фосфор бериш лозим бўлади.

Шундай қилиб, Муҳаммад Ҳамроевнинг фандаги кашфиёти шомол эрозиясидан зарар кўрувчи ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш, шомол эрозиясига қарши ихота дарахтлари экишдан ташқари, кузги бугдой тўсиқлари барпо этиб, гўза ниҳолларини кучли шомоллардан сақлаб қолиш мумкин эканлигини кўрсатди. Унинг ана шу кашфиётлари натижасида ҳар гектар ердан қўшимча 100—250 сўлмик соф фойда олинди.

Халқимизда инсон қадрини меҳнат оширади, деган нақл бор. Еш олим Муҳаммад Ҳамроев ҳам тинимсиз изланиши, меҳнатсеварлиги билан ҳамкасблари ўртасида назат-обруъ топди. 1981 йилда Эстонияда—СССР Қишлоқ хўжалик ва министри, ВЛКСМ Марказий Комитети, СССР Қишлоқ хўжалик академияси ва Эстония ССР қишлоқ хўжалик министрлиги томонидан уюштирилган «Тупроқ ҳосилдорлигини оширишнинг назарий ва амалий усуллари» конференциясида, 1982 йилда Курск шаҳрида «Тупроқ эрозиядан сақлаш усуллари» семинарида, яна шу йилнинг ўзида Бутуниттифоқ Ленин орденли, Меҳнат Қизил Байроқ ордени СССР Қишлоқ хўжалик фанлари академиясида «Ихота дарахтлари ва пахта ҳосилдорлиги» мавзусига бағишланган конференцияда бир неча бор докладлар қилди, тажриба алмашди, ўрганди.

Бутуниттифоқ пахтачиллик илмий текшириш институтида хизмат қилаётган ёш олим хозирги фанинг энг актуал ва мураккаб масалаларидан бири бўлган эрозия (емирилиш) бўйича ўзининг «Эрозия ва ҳосилдорлик», «Саҳро зоналарида эрозияга ўчрович тупроқларда ўғит нормалари» ва «Эрозияга ўчрович тупроқлардан унутули фойдаланиш тадбирлари» рисоаларининг муаллифидир. 1981 йилда Муҳаммад Ҳамроев «Ўзбекистон ССРнинг Ғарбий қисмида шомол эрозиясидан зарар кўрувчи тупроқ ҳосилдорлигини ошириш тадбирлари» илмий иши учун Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати деган унвонга эга бўлди. Ажойиб замонамиз берган кенг имкониятлардан илҳомланаётган ёш олим янги ижодий изланишлар билан банд.



Самарқандда Навоий ва Жомийга ўрнатилган ҳайкал.

А. Ершов фотос

## Алишер НАВОИЙ

Кўзунг не бало қаро бўлптур,  
Ким жонга қаро бало бўлптур.

Мажмун даवони дард қилди,  
Дардингки манга даво бўлптур.

Ишқ ичра анинг фидоси юз жон,  
Ҳар жонки санга фидо бўлптур.

Бегона бўлптур ошнодин,  
Бегонага ошно бўлптур.

То қилди юзунг ҳавоси жоним,  
Юз сори анга ҳаво бўлптур.

Боқий топар улки, бўлди фоний,  
Раҳравга бақо фано бўлптур.

То тузди Навоий оятни ишқ,  
Ишқ ахли аро наво бўлптур.

Меҳр кўп қўлудум, аммо меҳрибоне топмадим,  
Жон баса қилдим фидо, ороми жоне топмадим.

Ғам била жонимга еттим, ғамгусоре кўрмадим,  
Ҳажр ила дилхаста бўлдум, дилситоне топмадим.

Ишқ аро юз минг маломат ўқинга бўлдум нишон,  
Бир камон абруда тузлукдин нишоне топмадим.

Кўнглум ичра сарв ўқдур, ғунча пайкон, гул тикан,  
Даҳр боғи ичра мундоқ гулситоне топмадим.

Ҳўсн мулки ичра сендек шоҳи золим кўрмадим,  
Ишқ кўйида ўзумдек нотавоне топмадим.

Кўп ўқудум Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,  
Ўз ишимдин бўлажброқ достоне топмадим.

Ул амон ичинда бўлсун, эй Навоий, гарчи мен  
Бир замон ишқиде меҳнатдин амене топмадим.

Таъб ганжидин маони хўрдасин юз қатла ҳайф,  
Ким инсор этмакка шоҳи хўрдадоне топмадим.

# ХАЛҚ ДОСТОНЧИСИ

УМИР ШОИР САФАР УҒЛИ ТУҒИЛГАН КУНГА 90 ЙИЛ ТУЛДИ

Халқ бахшилари эпик репертуар бирлиги, ижро ва куйларнинг ўхшашлиги, бахшиликнинг барқарорлашган асарлари анъаналари доирасидаги ижодкорлик ва ижрочилик жиҳатидан бир-бирлари билан жуда кўп умумий томонларга эга бўлсалар-да, уларнинг ҳар бирининг достончиликда ўз ўрни, ўзига хос «йўли» бор. Уларнинг кўпчилиги қачонлардир устозларидан ўлаштирилган ота мерос достонларни узоқ йиллар озғани куйлаш жараёнида ўз вариантларига айлантирадилар, уларни ўзлариники қиладилар. Таниқли халқ шоири, қақшадарлик достончи Умир Сафар ўғли ана шундай ижодкорлардан эди.

Умир шоир Сафар ўғли Шеробод достончилик мактабининг вакилларида биридир. Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаларида, шунингдек, Жанубий Тожикистонда ижод этган бир қанча бахшиларни бирлаштирган бу мактаб вакилларидаги эпик достонларидан туркий халқлар қадимий эпик шеърлигига хос хусусиятлар нисбатан кўпроқ сақланиб қолган. Шунинг учун ҳам Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида традицион эпоснинг ривожланиш жараёни бизнинг кунларимизгача давом этиб келмоқда. Ҳатто бу ерларда янги эпоснинг яратилиши ва куйланишида ҳам коллективчилик жараёни кўзга ташланади. «Ёзи билан Зебо» достони, «Нурали», «Келиной» туркуми асарларининг куйлаши жараёнилари, анъаналарининг ўзгара бориши, баъзан эса тугалланмай қолганлиги, уларнинг жуда секинлик билан муайянлашиши каби қатор ҳолатлар ижодидаги мулоҳазаларнинг исботидир.

Шеробода XIX асрда Қосимқўр деган машҳур достончи ўтган. Унинг шогирди Шерна юзбоши (юзбоши — бахши дегани) Бекназар ўғли (вафоти 1914 йил) ўнга яқин достончиларни тарбиялаб етиштирди. Улар орасида нисбатан талантили ва қобилиятлилари Мардонакул Авлиёқул ўғли (1886—1966) ва Умир Сафар ўғли (1894—1966) ҳисобланади. Сафар юзбоши, Бойназар, Нормурод бахши, Аҳмад бахши, Нурали Боймат ўғли, Худойқул бахши, Жўра Эшмирза ўғли, Мамадрайим юзбоши, Юсуф Утаган ўғли, Ражаб шоир, Эшқобил бахши, Бўрибой Аҳмедов кабилар шу мактаб вакиллари ҳисобланадилар. Бугунги кунда Қодир Раҳимов, Хушвақт Мардонақулов, Ҳазратқул Худойбердиев, Шоберди Болтаев, Қора Умиров каби бир қанча бахшилар Шеробод достончилик мактаби анъаналарини давом эттирмоқдалар.

Шеробод достончилик мактаби вакиллари репертуарида «Олтин қовоқ», «Малла савдогар» («Нуралининг ютилиши»), «Зайидкул», «Аваз ва Ойзайнаб», «Зандигор», «Оллоназар Олчинбек», «Ойчинор» каби бир қатор достонлар борки, улар Ўзбекистоннинг бошқа жойларида учрамайди. Шунингдек, Гўрўли умрининг сўнги кунлари ва унинг ғойиб бўлишига бағишланган «Шаҳиднома» достонининг нисбатан тўлақон вариантлари ҳам шу мактаб вакилларидаги эпик достонларидан эътиборини ташкил қиладилар. Шубҳасиз, бундай достонларнинг нисбатан мукаммал вариантларини Умир шоир Сафар ўғли куйлаб келган эди. Демак, у республикамизнинг бошқа жойларида номалум бўлган бир қатор сюжетларни сақлаб қолишда, бу билан эпосимиз бойлиги ва сер-

қатламчилигини таъминлашда тенгсиз хизмат кўрсатди.

Умир шоир Шеробод районининг Ғамбир қишлоғида туғилди. Унинг отаси Деҳқонбоднинг Қорашина қишлоғидан эди. Шоирнинг отаси Сафар, амакиси Бойназар ўз даврининг танилган достончиларидан бўлганлар. 1920 йилда Умир шоир Деҳқонбодга қайтиб келганида, устози Шерна ва бошқа етакчи халқ ижодкорларидан достончилик йўлини пухта ўрганган, ўзининг терма ва достонлари билан эл назарига тушган бахшилардан бири эди. У эл орасида достончилик қилиш билан бирга 1922—1926 йилларда кўнгли кураш сафида босмачиларга қарши кураш олиб борди, Деҳқонбодда Калинин номидаги колхознинг таъкил этилишида актив иштирок этди, оддий колхозчи, бригадир, участка агрономи сифатида самарали фаолият кўрсатди.

Умир шоир репертуари ва ижоди айрича аҳамиятга эга. У ўндан ортиқ халқ достонларини мароқ билан куйлаб келган. Ундан атиги олти достон — «Алломиш», «Ойларча», «Зандигор», «Болхувон», «Мойгулустон», «Нурали» достонлари С. Иброҳимов, М. Афзалов, О. Собиров, М. Алавия, З. Хусановалар томонидан эътибор билан куйланган. Улардан дастлабки иккитаси умумўзғаб достончилик традицияси муҳитида фойда келтирилган бўлса, кейингилари Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларигагина ҳосил. Уларнинг айримлари (масалан, «Зандигор» ва «Болхувон») бизга фақат Умир шоир репертуари орқалигина маълумдир. Мана шу фактнинг ўзидек Умир шоирнинг ўзбек халқ достончилигига нақадар муҳим ўрин тутганини

кўрсатиш учун қиёфа қиладилар. Бунга эмас. Умир шоирдан эътиборини «Алломиш» достони вариантлари ҳам шу монументал эпоснинг қадимий асосларини ўрганиш учун керак бўладиган зарур ўринлар мавжуд. Масалан, қаҳрамонлик эпосларининг қадимий аъналарига кўра, қаҳрамон муайян жасорат кўрсатгандан кейингина жанговар отга эга бўлади. «Алломиш» достонининг Умир шоир вариантларида Ҳакимбек Қултойни курашда уч марта енгган, Бойчибор отга эга бўлиши эпизоди мавжудки, бу қадимий мотивнинг жонли эпик аънадада бунинг замонамизгача сақланиб қолганига аққол мисолдир.

Умир шоир фаолиятининг яна бир характерли томони шундаки, у бошқа бахшиларга нисбатан жуда кўп аънавий термалар билган ва уларнинг кўпчилиги эътибор билан «Кунларим», «Дўмбирмас», «Яхшироқ», «Керақдир», «Сур даврон», «Билмас», «Билар», «Билан», «Сўнг», «Бўлар», «Айрилса», «Кўрсатар», «Айтинг», «Не билсин», «Бўл» ва бошқалар шундай термалардандир. Шуниси характерлики, шоир бундай термаларни ҳар гал куйлаганда, уларнинг орасига ёки охирига қундалик турмуш, янги замон нафасини ифодаловчи мисралар ёки бандлар тўқиб, термининг умумий оқимига сингдириб юборади. Масалан, қадимдан мавжуд «Турар» («Тилар») термасини тўқчилик бахшилар билди. Ушбу терма Умир шоирдан эътиборини, у термининг охирига қуйидаги мисраларни қўшиб айтган:

Пахта эккан колхозчилар  
Ҳосилини мўл деб турар.  
Мол боққан чорва чўпчилар  
Эгиз-эгиз тўл деб турар.  
Машина ҳайдаган шофёрлар  
Ашфи тўққан йўл деб турар.  
Папка кўтарган раислар  
Панкани тўл деб турар.

Талантили достончи Умир Сафар ўғли том маънодаги импровизатор шоир ҳам эди. Унинг ўзи яратган «Дастагул», «Қорақум» достонлари ва қатор термалари бунинг яққол далилидир. Шоирдан эътиборини асарларини ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг энг яхшиларини нашр этиш 90 йиллик юбилейи кенг ишонилган достончи хотираси абадийлигига муносиб ҳайкал бўлажак.

## ЮРАК ҚАТРАЛАРИ

### ПРОМЕТЕЙ ОЛОВИ

Олам бир чимдим нур тафтига интизор эди...

— Одамлар, мен сизга Олов олиб келдим, уни авайланг!

Прометейнинг қалб ҳайқирғи зиёга тўлган оламини титратиб юборди. Сўнг... сўнг Прометей занжирбанд этилди. Қора қузғунлар унинг юрагини чўқиб-чўқиб, оловдек иссиқ қонини оқизиб-оқизиб олиб кетдилар. У олиб келган оловни қора қузғунлар оғир қанотлари билан ёпиб, сундиришга уриндилар. Аммо уни сундириб бўлмади, чунки у ҳар бир одам қалбида лов-лов ёнарди.

Тенгсиз ёв қаршида спитаменлар бошини баянд кўтарган — ўша Олов.

Муқанналарни асрлар гулханидан омон олиб ўтган — ўша Олов.

Синолар қалбида «Ватан соғинчи» аталмиш илинжга айланган — ўша Олов.

Машрабларнинг муштдек юрагида «улуг» тингрига қарши қаҳ-қаҳа уйғотган — ўша Олов.

Инқилоб бўрида «Аврора» тўпи

озғида ялт этган чақмоқ — ўша Олов!..

Ҳа, у Одамга ўзлигини танитди. Уни юксакларга кўтарди. Юксалган Одам Прометей кўкдан олиб тушган буюк Оловни қалбида авайлаб-авайлаб, Юрий Гагарин сиймосида қўққа қайта олиб чиқди!

Ҳа, у олиб чиқди!.. Аммо юрагини бир дард тилиб кетди шу он.

Мен Одамлар бир-бирларининг иссиқ гўшаларига ўт қўйганида, Освенцим трубаларидан кўнғир-қорамтир тутун ваэмин кўтарилганида, Хатинь тупроғи қип-қизил чўғга айланганида ўша Олов ловулаганини тан олмай дейман.

Мен падарқуш Абдулатифнинг кўзлари лаҳзалик қувончдан чарақлаганида, жасур Бруно вукуди бир сиким кулга айланганида, муқаддас китоблар ёнганда ўша Олов гувилаганини эсламай дейман.

Мен... Мен Прометей занжирбанд этилган чўққидан туриб, оламга у каби ҳайқирмоқчиман:

— Одамлар, Олов — муқаддас! Уни қора ниётларга ёлланган! Қалбингизда, теграгизда фақат Прометей Олови — згулик Оловинга гурилласин, Одамлар!

### ИШОНЧ

Гар ёнингдан кўрмай ўтсам-у улар: «Суйганинг мағрур», дейишса, йўқ ишонма, бу — мен эмасман...

Гар ортимдан жовдираб боққангизда бир қиё боқсам-у улар: «Суйганинг беқалб» дейишса, йўқ, ишонма, бу — мен эмасман...

Гар динбар кўзларингизда шабнамдек ёш кўриб, йироқлардан олиб келсам-у улар жим-м қолдишса, ишон, бу — менман!

### МАСОФА

Мен оламини чарақлаган кўзларинг билан кўрадим...

Бугун олам менга таъна тўла кўзларинг билан боқиб турибди...

Орамингда сўнғис олам бор...

### ДАХШАТ

У севиб қолди. Юраги севингча лиммо-лим, тинмай қуларди. Кўзлари ёшлангунча қуларди. Дунёча севинчини дунё билан баҳам кўрарди.

Унга хўмрайиб қарашарди.

— Мунча юраги очик бўлмаса. Мунча енгилтак бўлмаса. Ахир дахшат-ку бу!

У адашганини сездди. Юраги қайғу

алангасида жиз-жиз қуяр, сели ёш бўлиб кўзларидан қуялар эди. Дунё ғамлари жам бўлиб фақат унинг юрагига тўкиларди.

Ундан қулишарди. — Мунча қовоғини уймаса. Юрагинг орқага тортиб кетади-я. Ахир дахшат-ку бу!

Унинг юраги тош қотди. У чина-камига на кула, на йнғай олар эди. Кўз ёшлари ҳам қуриди. Унга бепарво қарашарди.

— Одам бўлди-я, хайрият... Мана бу бошқа гап!..

Бир дунё дахшат эндигина бошланганини ҳали ҳеч қим билмасди.

### МУЛОКОТ

Тўхта, бир пас тўхта!  
Кўй, ҳовлиқма, ўша сўқмоқ-да,  
Биров кўтариб кетармиди? Аммо ўт босиб, анча тораيبди, а? Ҳуво анови даррах-чи, қара, юқори шохлари қурибди. Унинг остида зилол сувли чашма бор эди, эсингдими, қани... қани у? Наҳот қуриган... Майли, тинчлан... Ҳозир қишлоқ бошланади, ана, биринчи қулба. Биринчи қулба... Эсингдими, ҳар сафар ўтганимизда бир муфт тим-қора ёниқ кўзлар анча ойналардан бизни жимгина кузатарди, жимгина... Қара, қулба оғиб, ойнаси қил-чил синибди. Эсингдими... Юр, кетамиз, юра қол, нега... нега тўхтаб қолдинг, кемтик Юрагим?!

Илҳом ҲАСАНОВ

Самарқанд

ПРОДОВОЛЬСТВЕННАЯ ПРОГРАММА-ДЕЛО ВСЕНАРОДНОЕ




П. КРАСНОЯРЦЕВ ишлаган плакат.



Л. МАРКИН ишлаган плакат.




Я. ТЕМИРХАЯЕВ ишлаган плакат.



ЧИНГИЗ АХМАРОВ.  
МЕТРОПОЛИТЕНГА  
ИШЛАГАН  
ЭСКИЗЛАРИДАН



ЮРИЙ ЗОРЬКИН  
АСАРЛАРИДАН



БАҲОР.


ТУНГИ ТОШКЕНТ.



ОЛХУРИЛАР.



В. ЕВЕНКО. НАТЮРМОРТ.



Ошқовқдан ясалган гулдонлар.  
Б. Мизрохин фотоси

# САРИЧЕЛАК СОҲИЛЛАРИДА

Машинамиз тик, бир-биридан ваҳимали муюлишлардан ўтиб, юқориға ўрларди. Кўм-кўк дарехтзорлар билан қопланган водий пастда қолди. Биз кўҳна ва баланд Чотқол тоғи чўққилари томон тобора юқорилаб борардик. Мана, охириги муюлишдан ҳам ўтдик шекилли, машина Бирмунча текисроқ кенгликка чиқди. Рўпарамизда майсазор ўтлоқ ортидан жуда ажойиб, худди этрақлардагидай гўзал бир манзара очилди: хўв тепада қорли чўққилар, ёнбағирлари кўм-кўк арчазорлар билан қопланган тоғлар кўйида катта кўл ястаниб ётарди. Унинг тип-тиник сувидатоғ ўрқалари ўзининг бутун виқорли салобати билан ақс этарди.

Улкан учбурчак шаклдаги кўзгунин эслатувчи бу кўлнинг нарғи киргоғи элас-элас кўзага ташланади. Унинг икки лаби тик ёнбағирларга бориб туташган. Фақат атайлаб тўсилган улкан тўғонини эслатувчи шарқий соҳилгина бир мунча текисроқ эди. Кўлнинг салқин шабадаси юзларга урилади. Биз кўзлаган манзилга — Чотқол тоғлари бағридаги машҳур Саричелак кўлига етиб келган эдик.

Саричелак — Фарғона водийсидаги энг йирик тоғ кўлларидаан бири бўлиб, денгиз сатҳидан 1 минг 858 метр баландликда, Саричелак дарёсининг Норин дарёсига келиб қуйиладиган ўзанида жойлашган. Гидролог олимларнинг ҳисобига кўра, кўлнинг сатҳи узунасига 7,5 километр, энгига эса энг кенгайган жойи 2 километр бўлиб, сув юзасининг сатҳи 5 квадрат километрини ташкил этади. Унда 483 миллион куб метр сув йиғилган. Саричелакнинг ўртача чуқурлиги 98 метр, энг чуқур жойи эса 234 метрга боради. У 234 чуқурлиги билан Урта Осиёда Иссиқкўл ва Сарез кўлидан кейин — учинчи ўринда, сатҳи нуқтаи назаридан эса тўртинчи ўринда туради.

Кўлнинг ўткир учбурчак учини эслатувчи бошланиш қисми Чотқолнинг қорли чўққиларига бориб тақалади. Кўл қирғоғини ташкил этувчи метин қояларнинг ёнбағирларида, шундоққина кўл узатса етгудек баландликда ёзда ҳам эримайдиган музликлар кўзга ташланади. Мана шу ердан, торгина тоғ дарёсини кесиб, Саричелак дарёси оқиб келади ва кўлга қуйилади. Шарқ томонга қараб кўл кенгайиб боради. Унинг икки қирғоғи — нисбатан ётиқроқ тоғ ёнбағирларида арча, қарағай, четан ва бошқа ёввойи дарехтлар ўсган, кўм-кўк ўрмонзорлар кўл лабидан бошланиб, тик чўққиларга кўтарилиб боради.

Бу ерларда ҳали инсон оёғи тегмаган жойлар кўп. Кўл ва унинг атрофида турли ёввойи ҳайвонлар, паррандалар яшайди. Кундузлари кўл бўйидаги баланд қарағайзорларда қўшларнинг чағир-чуғури тинмайди, кечалари эса тоғ тарафдан шоқолларнинг увлгани, баъзан эса ёввойи тўнғизларнинг пишиқишлари ҳам эшитилиб қолади. Шу атрофда истикомат қилувчиларнинг айтишларича, ичкарироқдаги ўрмонзорларда тулки, бўри, ҳаттоки айиқларни ҳам учратиш мумкин эди.

Табиий тўғондан иборат бўлган шарқий ва жануби-шарқий қирғоқларгина одамлар томонидан ўзлаштирилган. Бу ерда ўрмон ҳўжалигига қарашли бир неча уй ва дам олиш манзилгоҳи қурилган.

Кўлдан Тўсқовул деган кичиккина бир дарё оқиб чиқади ва у Саричелакка шундоққина туташган бошқа кичикроқ кўл — Килакўлга бориб қуйилади. Унинг ёнида эса Ирқўл, Чачқўл, Ҳаромқўл деган бошқа мўъжазгина кўллар бор. Аммо улар Саричелакка нисбатан анча кичик ва саёс.

Саричелак жуда кўпдан бери табиатушнос олимларни қизиқтириб келади. Совет табиатушнос олимлари Д. Кашкаров, С. Кўшкар, В. Мухин, И. Василевский, академик В. Шербаков, А. Никитин ва бошқалар кўлни ҳар томонлама текшириб, илмий-тадқиқот ишлари олиб бордилар.

Кўлнинг пайдо бўлиши ҳақида турли хил фаразлар мавжуд. Баъзи олимлар кўл табиий равишда вужудга келган, дейишса, ақсарят олимлар Саричелак қадимий геологик воқеа — ер сурилиши натижасида пайдо бўлган, деган фикри билдиришмоқдалар. Кейинги фаразга кўра, кўлни тутиб турган ўн беш квадрат километр майдонни эгалловчи табиий тўғон икки тоғ чўққисининг қулаши натижасида ҳосил бўлган. Бу ўпирлиши тоғ дарёси — Саричелакнинг йўлини тўсиб қўйган ва натижада улкан кўл пайдо бўлган. Бошқа майдорқоқ руллар эса сувнинг сизиб ўтиши ва тўғоннинг сурилиб жойлашиши натижасида келиб чиққан. Бу фаразнинг тўғрилигини шундоқ, оддий кўз билан ҳам кўриб, сезиш мумкин.

Табиатнинг бу ноёб мўъжизасини сақлаш борасида катта ишлар қилинмоқда. 1960 йилда кўл ва унинг атрофидаги йиғирма минг гектардан ортиқроқ майдонда Саричелак Давлат қўриқхонаси ташкил этилди. Чотқол тоғининг қорли чўққиларидан бошланиб, то кўллардан оқиб чикувчи Хўжа ота дарёсининг қуйи этрақларигача ястаниб ётган бу қўриқхонада табиатнинг жуда кўп ноёб бойликлари, ноз-неъматлари мавжуддир. Бу ернинг ўсимликлар дунёси ниҳоятда бой, олимларнинг ҳисобларига қараганда, минг хилдан ошадди. Бу ерда ёнғоқ, олма, бодом, писта, дўлана ва бошқа тоғ мевалари ҳамда арча, қайин, қарағай, қайрағоч ва бошқа дарехтлар ўсади. Саричелакнинг ҳайвонот дунёси ҳам хилма-хил: бу ерда 160 хилдан ортиқ парранда ва 34 хил жонивор яшайди. Жониворлар орасида СССРнинг ҳайвонларни муҳофаза қилиш Қизил китобига киритилган қорли тоғ қоплони, Урта Осиё сиртлони, Тянь-шань кўнғир айғири ҳамда бургут учрайди. Тоғ ёнбағирларида кўт, кийик, сув бўйларига эса силовсин сингари фойдали жониворларни кўпайтириш борасида ҳам ишлар олиб боришмоқда. Бу ерда келиб турадиган савҳатчилар — учун Хўжа ота дарёси бўйида махсус туристик база барпо этилган.

Саричелак қўриқхонаси ва унинг асосини ташкил этувчи улкан кўлнинг бой табиатини, кўлнинг пайдо бўлишини тадқиқ этадиган олимлар бу ерда самарали иш олиб бормоқдалар. Кўл бўйида биз СССР Фанлар академияси ва Гидрометеорология комитетига қарашли табиатни ва

ташқи муҳитни муҳофаза қилиш лабораториясининг махсус экспедиция аъзоларини учратдик. Улар Саричелак кўли сувининг ва унга тушадиган атмосфера ёғинларининг кимёвий таркибини текшириш билан машғул эканлар. Биз москвалик олимлар билан Саричелак кўли сувининг тозалиги, уни доимо соф сақлаш муаммолари тўғрисида суҳбатлашдик.

— Экспедициямининг ўз олдиға қўйган мақсади Саричелак кўлининг устки ва чуқур қатламларидаги сувнинг микромодаллар таркибини замонавий ядрофизик ва радиокимёвий усуллар билан текширишдан иборатдир,— деди экспедиция бошлиғи — Медицина радиологияси ядрофизик усуллар группасининг раҳбари, техника фанлари кандидати Владимир Зайчик.— Биз Саричелак сувини шунинг учун ҳам текширяямизки, бу кўл олис тоғлар орасида, қўриқхонада жойлашган, яъни завод ва фабрикалар, қишлоқ ҳўжалиғи ишлаб чиқаришидаги кимёвий моддаларнинг таъсиридан ҳолидир. Биз кўлнинг сувини устки қатламларидан ҳам, чуқур жойларидан ҳам олиб текшириб кўрдик. Унинг таркибида симоб, қадимий, ваннадий, темир, марганец — жами ўн бир хил микромодалнинг мавжудлигини аниқладик. Ҳали бирор аниқ хулосаға келиши қийин: бунинг учун материалларни чоғиштириб, умумлаштириб ўрганганишга керак бўлади. Аммо сувнинг таркиби у қадар тоза эмаслиги бизни ташвишлантирмоқда.

Ахир, Саричелак табиатнинг софлиги, боқиралигининг ўлчови, андозаси бўлиши керак-ку! Эндиги мақсад кўл сувининг ифлосланиш манбаларини аниқлаш ва табиатнинг бу ноёб мўъжизасини тоза ҳолда сақлаб, авлодларга етказишга қаратилмоғи лозим.

— Мен кўл суви таркибидаги оғир металлларнинг қолдиқларини радиокимёвий усул билан аниқлаш борасида иш олиб бораяман,— деди экспедиция аъзоси — Латвия ССР Фанлар академияси анорганик кимё институтининг илмий ходими, кимё фанлари кандидати Елена Грошева.— Кўл сувиде металл қолдиқлар билан бирликда турли захарли моддалар ҳам учрамоқдаки, бу фойри табиий ҳолидир. Бундай моддаларнинг бўлиши сувда яшовчи жониворларнинг ҳаёти учун хавфли-

дир. Мана, қаранг,— деди олима кўлга ишора қилиб,— сув паррандалари кўлга қўнишмайди, балиқлар ҳам жуда камайиб кетган, майда...

— Бундай зарарли моддалар кўлга қаердан келиши мумкин?— деб сурадик биз.

— Албатта, атмосфера орқали,— деди олима.— Завод ва фабрикаларнинг тўтунлари, ҳисобсиз ёнлиги ёнишидан ҳосил бўлган захарли газлар атмосферада йўқ бўлиб кетармиди? Айланиб юради-да, ёмғир бўлиб, қор бўлиб тоғларга ёғилади, тоғлардан эса сув бўлиб дарёларга, кўлларга тарқалади.

— Биз Саричелак қўриқхонаси ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини ўрганаямиз,— деди СССР Фанлар академияси ва Гидрометеорология комитетига қарашли табиатни ва ташқи муҳитни муҳофаза қилиш лабораториясининг кичик илмий ходими Борис Фомин.— Айниқса муҳитнинг ифлосланиши ҳайвонот ва ўсимликларга қандай таъсир қилиши масаласига алоҳида эътибор бераямиз. Олиб борган текширишлар шунини кўрсатдики, кейинги 50 йил мобайнида бу ердаги ҳайвонот ва ўсимликларнинг тури анча ўзгарган. Мазлумки, 1925 йилда атоқли олим Д. Кашкаров бу ерларда ҳар томонлама текширишлар ўтказган эди. У қайд этиб ўтган кўпгина паррандаларни бугун кўрмаймиз. Тоғларда турғайлар камайиб кетган. Кўлнинг тубида олтингугурт моддаси қўпайиб бормоқда, унинг юз метрча чуқурлигидан олинган сувини мулталоқ ичиб бўлмайди. Шу сабабли кўлда балиқ тобора қирилиб бормоқда. Ҳоз, ўрдақ, балиқхўр қушлар кўлга мулталоқ қўнмай қўйишганининг боиси ҳам шунда. Агарда сувдаги олтингугурт моддаси шу зайдда қўпайиб бороварса, кўл умуман ўлик ҳолга келиб қолиши мумкин. Бунинг сабабининг теъда аниқлаш керак. Умуман, табиатнинг бу гўзал парчасини ўз ҳолича сақлаб қолиш учун курашни янада кучайтирмоқ лозим.

Биз гўзал Саричелак қирғоқларида бир неча кун бўлдик ва уни авайлаб сақлаш учун жон куйдиравган олимларимиз, қўриқхона ҳўдимларининг ишларига муваффақиятлар тилаб, бу гўзал тоғ кўли билан хайрлашдик.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ,  
Раип МАМБЕТОВ



Суратда: Саричелак кўли кўринишларидан бири.

А. Никитин фотоси

Инеон ва  
табиат

Георгий МАРКОВ,  
Эдуард ШИМ

# ЮЗГА АЙТГАННИНГ ЗАХРИ ЙҮҚ

Парда очилмасдан аввал янгиликларни хабар қилаётган дикторлар овози, телетайпларнинг чиқилиши, телефон кўнгираклари эшитилади.

Биринчи диктор. Лондон — Москва — Новосибирск — Пекин — Токио — Лос-Анжелес маршрути бўйича учадиган спорт самолёти Вашингтондан стартага чиқди. Самолёт бортига турли мамлакатлар болаларининг мактублари ва чизган расмлари жойлаштирилган. Бу одатдан ташқари авиарейсининг мақсади тинчликни сақлаш ва планетамиз болалари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришдан иборатдир...

Иккинчи диктор. Австрия ўрмонлари устида хавф-хатар бутуллари сузиб юрибди. Бу ердаги санат корхоналари ҳар йили атмосферага 600 минг тоннага яқин захарли моддаларни тарқатмоқда...  
Учинчи диктор. Гидрометеорология маркази хабар беради. Ғарбий Сибирь устида мўътадил циклон сақланмоқда...

Эркак овози. Синегорскдаги юк станциясига помидор секциялари келтирилди. Юкни тушириш учун тезликда одамлар ажратингиз.

Аёл овози. Актга кўра, табиий одатдан асосан вино-ароқ маҳсулотлари зарар кўриди. Бу ерда «чўкиб кетди», деб ёзилган.

Кекса одам овози. Э, парвардигор! Қани энди ўша нарсаларни бутунлай чўктириб юборақолсанг! Синегорск. Авиация заводининг Маданият уйи.

Заллардан бирда «Табиат неъматлари» кўргазмаси жойлашган.

Паст ва жажжи стеллажлар ғилдираклар устида турибди. Уларнинг устидаги турли-туман банкаларда қиёмлар, компотлар, тузланган ва маринада қилинган маҳсулотлар намойиш этилмоқда. Худди шу эрингиз ўзида ҳозиргина боғдан ўзилган гуллардан асалган гулдасталар ҳам бор.

Залда завод директори Самоваров ва унинг ўринбосари Пупче.

Самоваров [соатиға қараб]. Уни жуда таинли, тартибли одам деганлари ёлғонга ўхшайди.

Пупче. Унга ҳам осон эмас. Жуда кўп воқеалар юз бераяпти.

Самоваров. Дароқе, тахта заводига аҳвол қалай?

Пупче. Энг муҳими қурбонлар йўқ.

Самоваров. Худо ҳақки, мен унга ачинаялман. Узини ўзи ўтга ураляпти. Мен Москвада уёқ-бўёқни суриштириб кўрдим, химкомбинатни кўчиришга ҳеч ким йўл қўймайди.

Пупче. Нахотки?

Самоваров. Барча лойиҳа институтлари, Госплан, Госстрой, бир неча министрликлар бутунлай қарши туришибди.

Пупче. Энди нима бўлади?

Самоваров. Фикридан қайтишга мажбур бўлади. Шу билан обрўйини йўқотади. Обрўйини йўқотиб унинг учун ҳамма нарсани йўқотиш билан баробар.

Пупче. Дialeктик қарама-қаршилик дегани нима ўзи? Худодар билан донишмандларнинг олишувими?

Обкомнинг биринчи секретари Соболев ёмғирдан ҳўл бўлган плашини қоққанича кириб келади.

Соболев. Салом. Кечирасиз-

Атоқли ёзувчи Георгий Марковнинг «Келанга асрга» романида иштирок этган қаҳрамонлар кўпгина китобхоналарга яхши таниш. Адбингор драматург Эдуард Шим билан ҳамкорликда ёзган «Ҳозир нелган хабарлардан...» пьесаси ана шу роман асосида яратилди. Пьеса марназида партия ходимининг образи фаол иштирок этади. Шу пьесадан парча эълон қилмоқдамиз.

лар, кечикиб қолдим, анчагача автотубс келавермади.

Самоваров. [ҳайратда] Автобус? Қанақа автобус?

Соболев Олтинчи ҳам, тўққизинчи ҳам эмас. Менинг таклифим шуки, Петр Петрович, бундан кейин жамоат транспортида ишга борайлик.

Самоваров. Лекин... нима зарурат бор бунга?

Соболев. Ишчиларингизнинг заводга қай аҳволда бораётганларини билиш учун.

Самоваров. Буни биламан. Уларга қулайлик йўқроқ.

Соболев. Келинг, шу ишни ўзимиз синаб кўрайлик. [Плашини кўрсатади]. Мана, тугмалари узилиб кетди.

Самоваров [қулиб юборди]. Майли, Антон Васильевич, мен розиман. Лекин шаҳар транспортининг раҳбарлари биз билан бирга юрсинлар!

Соболев. Улар ҳам мен билан бирга эдилар.

Самоваров. Қаранг-а! [Яна қулиб юборди]. Қаттиқ киришибсиз-да.

Соболев. Ишлар яхшиланмагунча шахсий машиналардан фойдаланмаймиз, деб уларнинг ўзлари ваъда бердилар.

Самоваров. Мен улар билан неча йиллардан бери курашиб келаман!

Соболев. Ёрдам беришга уриниб кўрмадингизми?

Самоваров. Қанақа ёрдам! Нега мен уларга ёрдам беришим керак?

Соболев. Шаҳар транспортини касалликдан кутқариш учун.

Пупче [Самоваровга кўмак бериш мақсадида]. Жуда беҳосият жой-да. Йўловчилар кўпчилигидан автобуслар тез-тез синиб туради. Автобуслар синавергани сабабли йўловчилар ҳам кўпаяверади.

Соболев. Барча автобуслар ҳам йўловчилар билан тўла эмас. Бўш автобуслар ҳам кўп.

Пупче. Бўшлари дейсизми? Унақасини қурмаганман.

Соболев. Идораларга қарашли транспортни айтаялман. Заводингизда неча автобус бор?

Пупче. Элликтага яқиндир-ов.

Соболев. Улар асосан бўш туради ёки икки-уч йўловчини олиб юради.

Самоваров [Пупчегга]. Кўрдингизми, ўртоқ муовин?

Пупче [жиддий]. Баззан унрайди. Уйлайманки, тортишшининг фойдаси йўқ. Биз шаҳар транспортига ёрдам берамиз. Эҳтиёт қисмлар берамиз, ремонтдан қарашамиз.

Самоваров. Сенда резервалар борми?

Пупче. Резервалар йўқ-у, агар зарур бўлса топамиз.

Самоваров. Эҳ, менинг муовиним, нима дейётганингни биласанми? [Соболевга] Антон Васильевич, сиз билан келишиб олмақчи эдик. Самимий айтаялман.

Соболев. Майли, келишиб олайлик! Нима ҳақиқат беради бизга?

Самоваров. Менинг ҳозирги нуфузим кўпларга ёқмайди. Менда мана шундай бой фирма бор. Узимизнинг микрорайонимиз, ўзимизнинг Маданият саройимиз, ўзимизнинг ёрдамчи хўжалигимиз ва ҳоказолар [Пупчегга]. Мени нима деб атайдилар? Бойган князми? Катта хўжалигимми?

Пупче. Ундан баттерини ҳам айтдилар, лекин у гапларни эшитавермаслик керак. [Соболевга]. Балки ишни кўргазма кўришдан бошлармиз? Бу ерда кўриб турганларингизнинг ҳаммасини ўзимизнинг соҳибкорларимиз ва боғбонларимиз еттиштирганлар...

Соболев. Раҳмат, мен буни биламан. Мен бу ерга ўтган кунни келган эдим.

Самоваров. Қачон? Қанақасига?

Пупче [енгил таъна билан]. Ҳеч кимни оғохлантирмасдан-а?

Соболев. Мен бошқа одамлар қатори келиб кетдим.

Залга область матлубот кооперацияси раҳбари Теребилин, область маҳаллий санат бошлиғи Забуруин, ёзувчи Ургюмов-Вьюжний кириб келадилар.

Теребилин. Антон Васильевич, биз бўлсак, сизни подъездеда кутиб турадими. Обкомнинг «Чайка»-сига ҳам нигоҳ ташладик. Келганингизга анча бўлдимми?

Забуруин. Нимада ўтириб келдингиз?

Ургюмов-Вьюжний. Сизни кўрмай қолганимизга ҳайронман.

Соболев [Самоваровга]. Мен кўргазмага шу ўртоқларни таклиф қилган эдим. Қарши эмасмисиз?

Пупче [хурсанд бўлиб]. Ксенофонт Савельевич! Никанор Филиппович! Хайрият-е!.. [Соболевга] Буларни ўзимиз ҳам таклиф қилган эдик.

Ургюмов-Вьюжний. Иштага онадиган кўргазма бўлибди. Магазинларда бунақасини топиш қийин.

Теребилин [асабийлашиб]. Антон Васильевич, назаринда, матлубот кооперациялари ҳақида сиз нотўғри тасаввурга бораётганга ўхшасиз!

Соболев. Йўқ, нега унақа дейсиз?

Теребилин. Кооперацияни назарга илмаслик одат бўлиб қолди. Талаб ҳаддан ташқари ошиб кетган! Мен масъулиятни ҳис этиб, шунинг айтаоламани, кооперациячилик ҳаракатининг ҳозирги даври —

мисли кўрилмаган даражада! [Рухланиб кетади]. Биз шаҳарларимиз ва қишлоқларимиздаги қайта ўзгаришларнинг асосий ўзгаришларида турибмиз! Биз миллионлар ҳаётини ўзгаришга жиктимоий жараёнларга фаол таъсир этганимиз!..

Пупче [хушмуомалалик билан]. Утирсангиз бўларди.

Теребилин. Гапимни бўлма туринг! Хўш, шундай қилиб, биз энгил санат ва тўқимачилик санатини ўстиришда чет элдан фирмалар билан бевосита алоқа боғлашимиз туфайли кишини тасқари қилиб кўрсатадиган, бечора қилиб кўрсатадиган чакмонларга, фуфайка ва бошқа ваъда-суъдаларга қарши курашаймиз! Қишлоқ фуқаросининг шаҳарликлардек кийнаётганларини ўзларингиз кўриб турибсиз! Қишлоқларда олиб борилаётган қурилишлар миқёсини кўраясизларми!

Соболев. Ксенофонт Савельевич, бутун кооперация эришадиган ютуқлар ҳақида гапирмай қўяқолайлик. Узимизнинг область ҳақида гаплашайлик.

Теребилин. Бўпти! Мен розиман! [Портфельдан қоғоз чиқаради]. Мана, ўтган йилги ишлар ҳақида умумий рақамлар...

Соболев. Гапни аниқ рақамлардан бошлаб қўяқолайлик. [Бир тўп сабзини қўлига олади]. Мана, бозордан сотиб олдим. Нима сабабдан шундай ёз фаслида сабзи деганмииз денгиз ортидан келтириладиган апельсиндан қиммат туради, шунинг билмоқчи эдим.

Теребилин. Сабзини! Ахир, бу, Антон Васильевич, икким билан боғлиқ бўлган гап-ку. Ахир биз Сибирда ашяямиз. Бизнинг еримизни ҳазил билан «помидорлар ҳаммиша кўм-кўк турадиган улка» деб атайдилар...

Соболев [Самоваровга]. Узимизнинг соҳибкорларни ўстирган нарсаларини бир кўрайлик.

Пупче [стеллажлардан бирини ғилдирашиб келади]. Соҳибкорларимизнинг мана шу иккимда етиштирган маҳсулотларини кўриб қўйинглар. Мана, қизил помидорлар ҳам, ширин гаримдорлар ҳам, бақлажонлар ҳам, бодринглар ҳам, бошқа нарсалар ҳам бор. Сабзи ҳам яхши битган.

Самоваров. Биз ортиқчасини сотмоқчи эдик. Мақбул баҳода олиб магазинларда соттиринг, деб Ксенофонт Савельевичга таклиф этдик.

Пупче. Ҳам қулай, ҳам фойдали бўларди.

Самоваров. Лекин Ксенофонт Савельевич чет эл фирмалари билан алоқа қиладилар, биз билан алоқа қилишни хоҳламайдилар.

Теребилин. Бу гаплар сиз ўйлаганилик осон иш эмас! Сизнинг маҳсулотингизнинг микдори оз-да! Ундан озгина, бундан озгина! Оз нарсани қандай сақлайсиз, қандай саралайсиз?

Соболев. Умуман шу нарсга мумкинми?

Теребилин. Биз бу масалани ҳал этишим!

Пупче [гулдаста келтиради]. Мана маҳсулот, сараламас ҳам бўлаверади.

Самоваров. Биз, мана шу гул-



Адибларимиздан бир гуруҳи Тошкентда яшаб ижод этган Сергей Бородин уй-музейида. Чапдан: Юрий Верченко, Георгий Марков, Сарвар Азимов, Сергей Сартаков, Раҳмат Файзий.

М. Тўйчиев фотоси

ларни олинлар, барча чорраҳаларда соттиринглар, деб таклиф этдик. Пупче, Қаранг, қанчалик чиройли бу гуллар. Магазинларда эса, худди қабр устидан териб олингандек, қоғоз гуллар сотиляпти.

Теребиллин. Билишимча, бу масала ҳам ҳали ҳеч қарерда ҳал бўлган эмас! Бу ҳам осон иш эмас! Пупче, Афсуски, Ксенофонт Савельичга бизнинг гулларимиз керак эмас.

Самоваров. Биринчи навли мева-сабзавот ҳам керак эмас.

Пупче [ўх тартади]. Буларга эскирган, стандартларга тўғри келмайдиган маҳсулотлар керак.

Самоваров. Унақаларни ҳемирига олса бўлади. Қарийб сув текин. Сотиб оласиз-у, мева-сабзавотдан вино ясайсиз.

Пупче. Ҳеч қанақа ташвиш йўқ, фойда эса юқори.

Угрюмов-Вьюжний. Тўғри айтасиз. Мевадан вино қилинади, дейсизми?

Забабурин. Шунинг учун «мева-сабзавотдан қилинган вино» деб ёзиб қўйиладими?

Самоваров. Яна «бормотуха», «сиёх» деб аташади.

Пупче [хўшмуомалалик билан]. «Атала-кочи» деб ҳам аташади. Чорак кам бир литрлик шишада бўлса, «фаустпатрон» дейишади. Узи ҳам йикитмасдан қўймайди.

Теребиллин. Ахир, менда план бор, ўртоқлар! Бу ишлар сизлар ўйлаганчалик осон эмас-да! Мен масулията билан айтаоламаники, ҳали ҳам бизда яхши. Бошқа жойларда ишланган виноларни кўриб қўйинг! Вино эмас, захар!

Угрюмов-Вьюжний. Қиёмлар, компотлар ва болаларга тайёрланадиган шарбат ўрнига вино ишлашадими?

Теребиллин. Менинг планим фойда бўйича! Фойда олиш керак!..

Соболев. Шунанга қилиб фойда олиш сизга галати туюлмайдими?

Угрюмов-Вьюжний. Шунанга

ишларни ёзидиган бўлсак, сиз салбий тип бўлиб қоласиз.

Теребиллин. Ташақкур! Бағоят хурсандман! Лекин ёзишдан аввал менинг ўрнимга планини тўлдириб қўйишингизни сўрайман!

Самоваров [чидайолмасдан]. Мен планини қандай бажаришимни айтиб берайми? Мен номдор князьга намунали директорманми? Ишчиларимнинг тўртдан бир қисми ҳамиша колхозда ёки шаҳардаги оқсаётган қурилишда бўлишади. Кўча тозалашга ҳам чиқишади! Бунинг устига ичкиликбозларимнинг томоғи қақраб қолмаслиги учун «фаустпатронлар», «атала-кочилар» ҳам бўлиб туради!..

Урта яшар, аммо ҳали тетик, кўзлари чақнаган, офтобда қорайган киши қиради. Унинг қўлидаги тўқма корзинкада мева-чевалар бор.

Соболев [унинг кирганини сезиб]. Марҳамат, Олег Терентьевич! [Самоваровга]. Сиз бу кишини танийсизми? Уртоқ Глазков бўлдилар, заводингизнинг собиқ ишчиси, ҳозир пенсиядалар.

Глазков [ҳамма билан сўрашиб бўлиб]. Менга ўхшаганлар жуда кўп, уларнинг ҳаммаси эсда қолармиди?

Угрюмов-Вьюжний [қараб-қараб кўяр экан]. Биз учрашганимиз. Рост, марказий бозорда учрашганимиз. Сиз кулупнай сотиб ўтирган эдингиз. Мен эса, нарҳига келишмай сиз билан қизаришиб қолганман. Эслаясизми, орамизда шундай жанжал бўлувдимми?

Соболев. Олег Терентьевич билан мен ҳам нарх бўйича қизаришганман. Лекин мен ундан енгилан эдим.

Глазков. Бировлардан енгиландиган нодон йўқ... [Корзинани очди]. Антон Васильич, янги навлардан олиб келдим. Татиб кўринг. Тез кўпаядиган земляника.

Забабурин [меваани хидлаб кўради]. Ҳа, хушбўйлигини қаранг. Лекин менда эскидан ошқозон яра-

си бор. Есам, безовта қилмасмикан?

Глазков. Шунинг мевасидан икки ойгача еб юринг, ярангиздан асар қолмайди. Узим синаб кўрганман.

Забабурин [еятуриб]. Таъми яхши. Мақташга арзийди.

Соболев. Бир стакани бир сўм йигирма тиийн.

Забабурин [қалқиб кетади]. Қанча! Бир сўм йигирма тиийн!..

Биласизми, буни ўлганнинг кундан харид қилса бўлади!

Угрюмов-Вьюжний. Мен унга шундай дедим, ўғирликнинг ўзгиниси бу, дедим!

Соболев. Олег Терентьевич, мен билан тортишганингиздек тортишавринг.

Глазков. Тортишишга ўрганиб қолганимиз. [Забабуринга]. Менинг боғимда бир парча еру лопатка бор. Мана шу қўлларим билан ишлайман. Бошқа нарсам йўқ.

Угрюмов-Вьюжний. Барибир бу нарсани ўғирлик деб биламан.

Глазков [чидайолмасдан]. Хўш, қани айтинг-чи, шунанга мева экадиган совхоз нима етиштириб бераятти. Унда трактор бор, механизация бор. Унда ўғит бор, химикатлар бор. Оддий агрономлари, бош агрономлари бор. Илмий институтлар унга ёрдам беради. Юқорида академиклар билан тўлиб ётган қишлоқ ҳўжалли академияси ҳам бор. Билеясизми, қанчалик катта кум! Магазинларда эса, мева-чева йўқ! Йўқ!

Забабурин. Шунинг учун бир стаканини бир сўм йигирма тиийнга чиқариб юбордингизми?

Глазков. Ҳозирча мен илгор эканман, ўша академиклардан кам машо олмаслигини керак-да. Кам олсам, адолатсизлик бўлади-ку.

Угрюмов-Вьюжний. Барибир бу ишингиз ўғирликдан кам эмас!

Глазков. Иш қуролимини кўрсатайми! [Корзинани булганган темир лопатка олиб, ёйиб кўрсатди].

Пеншаҳам ҳам, хаскашим ҳам, чопқим ҳам ана шу хилда.

Соболев [лопаткани олиб]. Қарнинг маҳсулоти?

Забабурин. Узимизнинг аралаш маҳсулотлар заводчанимизда ишланган.

Соболев. Ҳайронман, яхши чопқилар тайёрлашса бўлмайдими? Ахир бизнинг шаҳарда нодир дастгоҳлару самолётлар ишланади-я!

Забабурин. Антон Васильич, самолёт қилиб чиқариш осонроқ. Йўқ, қулманг. Аввало чопқининг намунасини биз бош институтимизда тасдиқдан ўтказишимиз керак.

Авалло юборамиз, сўнгра маслаҳатлашамиз... Агар чопқи яхши деб топилса, уни дарҳол ўраб-чирмаб, қайтариб обеклишимиз керак.

Угрюмов-Вьюжний. Нега энди ўраб-чирмаб обеклиш керак! Забабурин. Бош институтда икки минг ходим бор. Бордию атрофдан яхши чопқи келтирилса, сизлар нима қилиб ўтирибсизлар, деб улардан сўрашади. Ойликни нега оляясизлар, деб танбех беришади.

Глазков. Демак, чопқини яхши бўлмайди. Мана, айтилик, менга оҳақ зарур. Қардан харид қилмиз? Топиб бўлсиз. Бир машина торф керак, дейлик. Атрофимиз торфлик ботқоқликдан иборат, торфни эса, топиб бўлмайди.

Забабурин. Оҳақ билан торф ҳар хил идораларга қарайди. Улар билан келишиш осон эмас.

Глазков. Бозорда ишлаб олганим — ҳалиги ўн сўмни учар шофёрга беришим лозим. Бир машина ўғирланган торф учун. Мана, ҳақиқий ўғирлик қаред!

Угрюмов-Вьюжний. А-ҳа. Тўғри, Демак, барча тўсиқлар идораларда эмасми?

Соболев. Еки, очигини айтганда, одамларда эмасми? Уша тўсиқлар одамларда бемалол ўтириб олган аниқ одамларда эмасми?

О. ҲУСАНОВ таржимаси

# ТАРОВАТЛИ ТАРОНАЛАР

Сайфи Жалил тароналари янгради, дарҳол дилни ўзига тортиб ром қилиб олади. Бунинг боиси бор, албатта. У узок йиллар мобайнида филармонияда созанда бўлиб ишлади — сўз ва соз қозонида қайнади. Бастакорликнинг улкан намояндлари Юнус Ражабий ва Тўхтасин Жалилов илҳомига мансуб тароналардан ибрат олди. Республикамиз бўйлаб гастролларда кезаркан, халқимизнинг битмас-туганмас куйларига сеҳрланди. Классик меросимизнинг кўп уммонларига фарқ бўлди. Унинг ўлмас-йитмас қудратли тўлқинларида сармаст сузди. Классик шашмақом сирларини ўрганишга киришди. Ниҳоят, консерваторияга кириб рус ва жаҳон музикачилиги меросидан дарс олди. Сайфи Жалилнинг бугунги кундаги ижодий қиёфаси мана шу заминларда шаклланди. Унинг юзлаб қўшиқлари кенг халқ орасига тарқалиши ва Иттифоқ миқёсига кўтарилишининг боиси мана шунда.


Сайфи Жалил ўз қўшиқларида замонни ва замондошларни шарафлайди. Жасоратли ва фидойи кишиларимизни ўз қўшиқлари билан улуғлайди. Йирик симфоник асарларида эса дилбар диёримизнинг бетақорор гўзалликларини тараннум этади. Бастакорнинг гўзал Тошкентимиз ҳақидаги асари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бастакор Сайфи Жалил устод санъаткор Юнус Ражабий билан ҳамкорликда «Навоий Астрабодда» музикали драмаси устида ишлади. Мазкур асарнинг муваффақиятли чиқишида ижодкорларнинг классик меросимиздан хабардорлиги жуда ҳам кўл келди. Улкан драматург ва шоир Уйғун қаламига мансуб «Лақма» музикали комедиясининг куйларини басталашда эса Сайфи Жалилга халқ ижодида баҳрамандлик ёрдам берди. Шу тўғрисида ҳам ҳар икки асарнинг куй, ария ва дуэтлари жуда ҳам халқчил, сингшимлидир.

Сайфи Жалил булардан ташқари бир қанча кинофильм ва телеспектакллarga куй ҳамда қўшиқлар яратиб берди. Бир қанча драматик асарларга ҳам куй басталади.

Бастакор ҳозир айни ижодий камолот босқичида. Залворли замонамизнинг ҳар бир они — бир мўъжиза. Унинг гўзал ва шонли тарихини яратётган халқимизнинг фидойилигини куйлаш — ҳар бир ижодкорнинг бурчи. Айни кунларда Сайфи Жалил йирик симфоник асарлар ва опера яратиб устида ишламоқда. Бу борада бастакорга янгидан янги ижодий парвозлар ёр бўлишини тилаймиз.

Зоҳиджон ОБИДОВ



Расми Н. ИБРОҲИМОВ чизган

## ЗУХРОЛАР УЧРАШУВИ

**С**ОВЕТ космонавтикаси беқиёс тараққий этмоқда. Кейинги йилларда космонавтаримиз узок мuddатли училар давомида коинот кўйида турли тадқиқот ишларини кенг миқёсда ўтказди. «Венера-15» ва «Венера-16» автоматик станциялари ҳам мўлжалга етди. Кўйида биз шу ҳақда ҳикоя қиламиз.

Авалло, Венера сайёрасининг ўзи хусусида. Сайёранинг Кўёшдан ўртача узоклиги 108 миллион километрни ташкил қилиб, орбитаси Ер орбитасининг ичда ётади. Тонг юлдузи ҳам деб аталувчи бу планета Кўёш атрофида секундида 35 километр тезлик билан учиб, 225 кеча-кундузда унинг атрофини тўла бир марта айланиб улгўради.

Равшанлиги жиҳатидан Кўёш ва

Ойдан кейин турадиган Зухро планетаси қадимдан кишилар диққатини ўзига жалб этиб келади.

1610 йилдаёқ Падуя [Италия] университетининг профессори Г. Галилей ўзи ясаган телескопда Венера [Зухро]ни кузатиб, у ҳам Ой каби вақт ўтиши билан фазасини ўзгартиб туришини аниқлади. Бу ҳодиса, Зухро ҳам Ой каби сферик шаклдаги осмон жисми эканлигидан гувоҳлик беради. Шарининг катталиги салкам Ериқичка бўлиб, диаметри 12 минг 100 километрни ташкил этади.

1761 йили Зухронинг тарихида муҳим воқеа рўй берди. Уша йили 6 июнда сайёра Кўёш доирасида проекцияланиб ўтди. Бу фаройиб ҳодисани кузатишда иштирок қилган улўрус олими М. В. Ломоносов, Венера қалин атмосфера билан қопланганлигини аниқлади. Кезик келганда шунини айтиш керакки, Тонг юлдузининг

Кўёш доирасида проекцияланиши жуда кам учрайдиган ҳодиса бўлиб, Ломоносовнинг кузатишидан сўнг атиги уч мартагина рўй берди; навбатдагиси эса 2004 йилнинг 8 июнида кузатилади.

Сайёра атмосферасининг химиявий таркиби, босими ва температурасига тегишли аниқ маълумотлар Совет ва АҚШ автоматик станциялари ёрдамида қўлга киритилди. Биринчи бўлиб 1961 йилнинг 12 февралда Зухрога Совет Иттифоқининг «Венера-1» автоматик станцияси йўл олди ва 97-кун у сайёра атмосферасига кириб, ундан 100 минг километрга наридан ўтди. Бу космик аппарат планета атмосферасига онд дастлабки муҳим маълумотларни Ерга узатди. 1967 йили учирилган «Венера-4» станцияси эса биринчи марта қўндирилувчи аппарат Зухрога туширди. Мазкур аппарат сайёранинг 25 километрни қалин атмосфера қатламиндан ўтиб, тегишли маълумотларни Ердаги бошқарув марказига етказиб турди.

1970 йилда учирилган «Венера-7» автоматик станциянинг қўндирилувчи аппарати эса биринчи марта муваффақият билан сайёра сиртига қўндирилди ва 23 минут давом этган радиоалоқа сеанси давомида планета атмосферасининг температураси, босими ва химиявий составига тегишли маълумотларни ўлчаб Ерга узатиб турди.

Айниқча, 1975 йилда учирилган «Венера-9» ва «Венера-10» автоматик станциялари Зухро планетасини ўргани тарихида муҳим ўрин тутди. Мазкур станцияларнинг қўндирилувчи аппаратлари Венера сиртининг биринчи тасвирларини Ерга узатди. Бу жуда катта ғалаба эди: инсон Ойдан ташқари яна бир сайёра — Зухро ҳақида муҳим маълумотларга эга бўлмоқда. Шунингдек, бу аппаратлар ёрдамида Зухронинг сирт тупроғидаги радиоактив элементларнинг ниқдорини, ундаги шаволнинг тезлиги, атмосфера таркибидаги сувнинг буг-

## Фан — халқ хизматида

ланиш миқдори ҳамда ёритилиш даражалари ўлчаниб, фанимиз учун қимматли маълумотлар қўлга киритилди.

70-йиллар Венерани ўрганиш бўйича энг сермахсул йиллар бўлди. 1978 йили мазкур сайёра томон яна тўртта автоматик станция учирилди. Булардан иккитаси Совет Иттифоқининг «Венера-11» ва «Венера-12» станциялари бўлиб, қолган иккитаси АҚШнинг «Пионер — Венера-1» ва «Пионер — Венера-2» станциялари эди. Бу космик аппаратлар сайёра атмосферасининг босими жуда юқори бўлиб, сиртида 90 атмосферага етишми кўрсатди. Шунингдек, унинг 97 процентини карбонат ангидрид, сув буғлари, кислород эса атиги 1,5 процентни ташкил қилиши аниқланди. Планета сирти яқинида ўлчанган ҳарорат Цельсий шкаласида +470 градусгача етди. Зухро атмосферасида ҳам Ер атмосферасидаги каби ионосфера қатлами борлиги маълум бўлди. Сайёранинг аниқланган яна бир Ерга қариндошлиги шундаки, унинг осмонда ҳам қалин булутлар бўлиб, улар шавол кучи билан бошқарилади. Мазкур булутлар бирнеча қатламли бўлиб, асосий қатламнинг юқори чегараси тахминан 65 километр, қуйи чегараси эса 48—49 километрдир. Махсус усуллар ёрдамида бу булутларда Кўёш нурининг тарқалишини ўрганиш уларни таш-

(Охири 25-бетда)

# ҚАДИМГИ ПОЙКАНД ОБИДАЛАРИ

Бухородан 50 километр жануби-ғарбда, Зарафшон дарёсининг куйи оқиминда Мовароуннаҳр мизофотининг жанубий дарвозаси ҳисобланган қадимий бир шаҳарнинг вайроналари сақланган. Тарихда бу шаҳар «пойгоҳ куйи ёки эдоқ»даги аҳоли яшайдиган улкан маззе маъносини англатувчи Пойканд номи билан шуҳрат толган. Даставвал Пойканд милоддан аввалги IV асрда маъмур Сўғдиёна мамлакатининг Қизилқум билан туташиб кетган ғарбий чегараси бўйлаб барпо этилган кўлдан-кўп истеҳкомлардан бири сифатида қад кўтарган, сўнгра шаҳарга айланиб, то XI асрнинг ўрталаригача, яъни қарийб 15 аср давомида гуллаб яшнаган.

Пойканд тарихининг қизиқ жиҳати шундаки, у Бухоро воҳасида ҳунармандчилик ҳамда ички ва ташқи савдо муносабатларининг кенгайиб тараққий қилишида муҳим роль ўйнаб, ўлкада шаҳар маданиятининг шаклланиши, унинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган. Уз тарихи жараёнида Пойканд Урта Осиёда қад кўтарган кўпгина шаҳарлар сингари бир неча бор ташқи душман ҳужумига бардош берган, истилочилар асоратига тушиб, қонли жанглар майдонига айланган. Иққирозга юз тутган ҳамда гуллаб яшнаган даврларини ҳам бошидан кечирган. У воҳанинги якяю ягона сув манбаи — Зарафшон дарёсининг суви етишмаслиги оқибатида сувсизликдан хароб бўлган.

Пойканд асрлар давомида Сўғдиёна, Самарқанд ва Бухоро ҳукмдорларининг чегара қалъаси, Урта Осиё деҳқончилик районларининг жануби-ғарбий чегарасида кўчманчи қабилаларга қарши курашда асосий таянч бўлиб хизмат қилган. Қадимда Пойканд орқали жанубга томон юечкилар, хуннийлар, тохарлар, кирдорийлар, эфталлийлар, хионийлар ва Осиёнинг бошқа кўпгина кўчманчи қабилалари босиб ўтганлар. Узининг кўлай географик ўрни тўғрисида Пойканд Самарқанд билан Бухоро, Урта ва Яқин Шарқ шаҳарлари билан боғланган. Шарқий Туркистондан чиқиб, Самарқанд, Бухоро, Омуд, Марв орқали Рай ва Бағдодга йўналган қадимги «Луғу ипак йўли»нинг шимоллий тармоғи Пойканд шаҳари орқали ўтган. Шунинг учун ҳам Пойканд илк ўрта асрлардаёқ Мовароуннаҳрнинг жанубий дарвозасига айланган. Бу даврда у Бухоро воҳасида ҳунармандчилик ва савдо-сотик ривож толган обод ша-

ҳарлардан бири эди. Ёзма манба-ларда у «Мадина ат-тужжор» — «Савдогарлар шаҳри», «Шахристон рўи» — «Жездан бино қилинган қалъа», «Шаҳри хайвар» — «Мустаҳкам девор билан ўралган шаҳар» номлари билан тилга олинади. Бухоронинг X аср тарихнавис муавлифи Муҳаммад Наршахийнинг ёзишча, Пойканд Бухоро шахридан қадимироқ бўлиб, унинг атрофида мингдан ортиқ обод работлар қад кўтарган. Шаҳарда катта жоме масжид ва олий иморатлар бўлган. Пойканд аҳолисининг деярли аксарияти савдогар ҳисобланган. Улар Хитой билан ва денгиз орқали Борилдагини мамлакатлар билан савдо қилганлар ва жуда бой бўлганлар. «Бирор кишининг Пойкандни кишлоқ деб аташига улар розилик берган эмаслар. Агар бирор пойкандлик Бағдодга борса ва ундан: «Сен қаердансан!» деб сўрасалар, у: «Пойкандданман», деган, «Бухороданман», деган эмас», деб ёзган эди Наршахий.

Мана, учинчи йилдирки қадимги Пойканд харобалари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси археология институтининг Бухоро экспедицияси томонидан қазиб ўрганилмоқда. Қазии ишларида Давлат Эрмигажи, А. С. Пушкин номидаги Шарқ маданияти музейининг илмий ходимлари ҳам иштирок этмоқдалар. Археологик қазилар тўғрисида Пойканднинг кўп асрлик тарихидан сақланиб қолган нодир моддий маданият обидалари аста-секин кавлаб очилмоқда.

Пойканднинг аркада 20 метрлик маданий қатлам қазиб тушилиб, унинг қадимги пойдеворини очишга муваффақ бўлинди. Шеҳарнинг мудофая девори, унинг бизгача яхши сақланган 10 та буржидан бири тўла кавлаб бўлинди. Йирик ҳажмдаги хом гишлардан баланд (3 метр) такуриси устига қурилган чорбурчакли улкан (7, 6,5 метр) икки қаватли буржлар 8—8,5 метргача яхши сақланган. Деворнинг қалинлиги 1,8 метр бўлиб, унинг уч қатор нишон тўйнуқлари шахмат каттакларига ўхшатиб жойлаштирилган.

Ўтган йили кузда Пойкандда яна бир нодир обида VIII асрда аҳолига дори-дармон тайёрлаб берган кимёвий лаборатория — дориҳона харобалари қазиб очилди.

Пойканднинг қадимги кимёгарлари корхонасининг харобалари деб топилган бу ёдгорлик 9,3—5 метр катталиқдаги чорбурчакли бинодан иборат бўлиб, улкан хом гишлардан бино қилинган. Унинг қалин (2,6 метр) деворларининг баландлиги 3 метргача яхши сақланган. Бино уч қисмага бўлинган. Унинг марказий қисмида икки томонидан кенг (2,5 метр) эшик ўрни қўйилган чорбурчакли вестибюль. Дарвозали ҳона тўрида дори-дармонлар тайёрланадиган икки дорипазлик корхонаси ва унинг пойгоҳида эса кенг супаи (2,2 метр) ва баланд зинали (0,8 метр) махсус ҳона жойлашган. Уч

томондан эни ярим метрли супалари бор. Бу икки дорипазлик хоналарининг ҳар бирининг саҳни 2,2—3,5 метрга тенг бўлиб, супа бурчаклари ва чеккаларида бир неча махсус ўрчалар ишланган. Хона деворларида эса асбоб-ускуна ҳамда идиш-товуқлар териб қўйишга мўлжалланган турли катта-кичикликдаги тоқчалар ўрнатилган. Хоналар полидан учта, супа зинаси бурчақдан битта ўноқ ўрни қовланган бўлиб, охириги қўшқўрғали махсус ўчоқнинг қолдиғи эди. Унинг ички қисми кучли аланганинг таъсиридан тандирдек қизариб, товланиб кетган эди. Учоқ ичидан 20 та, хоналардан эса 50 дан ортиқ чақа-тангалар топилди, лекин уларнинг аксарияти занглаб, деярли чириб кетган. Дорипазлик хоналарининг поли остида узунлиги 5 метрли икки томонга тўла қилиб ишланган сардоба, яъни омборхона қурилган.

Археологик қазии вақтида қовлаб очилаётган бу қадимги корхона соҳибининг ҳунару амалидан далолат берувчи қатор топилмалар қайд этилди. Улар орасида бўйини ингичка ва оғзи тор кўза ва кўзачалар, товоқча ва кўлоқли идишчалар, сиртига яшил рангли сир берилган давотдон (сиёҳдон), қоқ ўртасидан иккига ажралиб кетган қўл тегиримон тошлари бор эди.

Супа саҳни ва ҳона полларидан икки дона бутун ва 11 та майдаланиб кетган махсус ясалган кимёвий идишчалар айниқса диққатга сазоворлар. Ости ёнбошида ингичка найчалари бор сабзаранг цилиндрсимон бу шиша идишчалар фанда азембика деб юритилади. Уларнинг ҳажми 4—8 сантиметр, оғиз диаметри 5 сантиметргача бўлиб, унинг қандай идиш экани ҳақида турли фикрлар бор. Айрим тадқиқотчилар бундай азембикалардан маҳаллий табиблар беморлардан қон олишда фойдаланганлар деб ҳисобласа, бошқалари оғзи тор идишларга суюқликларни қўйишда воронка сифатида ишлатганлар, деган фикрни айтади. Учинчилари эса суюқликларни дистилляция қилиш ва ҳайдаш учун махсус идишдир, деб ҳисоблайдилар.

Қовлаб очилган корхонада қандай маҳсулот тайёрлаганини исботлаб берувчи яна бир топилма — кичик ҳажмдаги чорбурчак жез идишча бўлиб, унинг тубида ҳатто муроқлари сақланиб қолган. Шубҳасиз, баландлиги 0,7 сантиметрли бу идишча ўлчов, жумладан, кичик

ҳажмдаги мумни ўлчашда ишлатилган.

Маълумки, Шарқ табобатида мум доривор моддалардан ҳисобланган. Ҳатто мумдан тайёрланадиган малҳам ва ичиладиган дори-дармонларнинг рецептлари ҳақида Абу Али ибн Сино асарларида маълумотлар келтирилган.

Топилмалар орасида олти қатор арабча ёзув битилган сопол парчаси айниқса қимматлидир. Унда «174 йил сафар ойининг ўрталари шанба кунини қайд этилди» деган сўзлар битилган. Бу сана 790 йил 30 июнь шанба кунига тўғри келади. Бу антиқа ҳужжат бўлиб, бир томонда қазиб очилган ёдгорликнинг санасини, иккинчи томондан, бу қадимги корхонада мижозлардан бирига тайёрлаб бериладиган дори-дармоннинг вақтини кўрсатар эди.

Шундай қилиб, археологик топилмалар Пойкандда ўтган йилнинг кўзида қазиб очилган ёдгорлики VIII асрнинг охиригага мансуб кимё лабораторияси ва дориҳона эканини тасдиқлаб берди. Дарҳақиқат, баланд зинаполия, кенг супали ҳона дори-дармон учун келган мижозлар учун мўлжалланган бўлса, икки дорипазлик хоналарида эса турли хил дори-дармонлар тайёрланган; хоналар остидаги сардоба — омборхонада эса қўллаб топилган чақа-тангалар бу қадимги корхона соҳибининг гавжум олди-соттисидан шохидлик беради. Пойкандда қовлаб очилган бу нодир обида Шарқ табобати ва фармокологиясининг буюк намояндаси Абу Али ибн Синодан икки аср муқаддам бино қилинган бўлиб, ундан топилган ашъвий топилмалар ўша даврдаёқ бу корхонанинг энчагина самарали ишлаганидан далолат беради.

VIII асрда мансуб бу кимё лаборатория-дориҳонанинг қовлаб очилиши чиндан ҳам археология фанида қамдан-қам учрайдиган ёдгорлик ва нодир кашфиёт ҳисобланади. То шу вақтгача археологлар якка-ярым топилмадан кимёвий шиша идишчалар — азембикаларни учратсалар-да, дориворлар тайёрлайдиган бундай нодир қадимги корхона қолдиқлари га дуч келмаган эдилар. Археологик қазии ишлари бу ил ҳам давом этади. Ўтган асрларда яшаган ва ижод этган аждодларимиздан сақланиб қолган нодир ёдгорликларнинг топиллишига яна умидвормиз.

**Абдулахад МУҲАММАДЖОНОВ,**  
тарих фанлари доктори



Фарғона шаҳар 1-маданият уйи қошида ҳаваскор гилам тўқувчи ёшлар тўғарига ишлаб турибди. Суратда: ҳаваскор гилам тўқувчи Насиба Жалолова.

Ш. Олимов фотоси [ЎзТАГ]

**Тадқиқот,  
кашфиёт,  
ахборот**

# Қадр

ҲИКОЯ

Лола ТОЖИЕВА



**М**АЛОҲАТ уйига шод-гуррам қайтиб, эшикни очди. Тўрхалтадаги борзодан харид қилиб келган нарсаларини ерга қўйди. Деворга суянганича этигини ечди. Шиппагини кийди. Бошидан сувсар телпагини олиб, пальтоси билан бирга қозикча илди. Сочини иккала қафти билан силаб текислаб, тўрхалтани ошхонага элтди.

Малоҳат залга кириб, чироқни ёқмоқчи эди, шу пайт... аллакнинг темир панжалари унинг ююригига қўзилган қўлидан маҳкам ушлади. Эрак киши иккинчи қўли билан уни ўзига тортди-да, ҳирс билан юз-кўзларидан ўпа бошлади...

— Вой, Илҳом ака, қўйсангиз-чи, тинчликми ўзи,— деди Малоҳат қирқиб қўйиб, у билан бирга эркинликнинг юзига босди. Аммо, ўша захоти ўзини ундан тортди. Эрак бегона, соқоли олинмаган эди. «Наҳотки!» У юлқиниб эркинликни қучоғидан чиқмоқчи бўлди. Жон-жаҳди билан уни ўзидан итарди... Қани энди темир панжалар исканжасидан чиқиб бўлса! Улар Малоҳатни ўзига шу қадар қаттиқ тортар эдики... Малоҳат яна кетма-кет юлқинди, ўпига итиляётган лаблардан қочди. Бироқ, қутулишининг илжонини толмаганидан кейин Малоҳат нотаниш одамнинг даҳанидан тишлаб олди. Темир панжалар уни ўша захоти қўйиб, ўзидан итариб юборди. Қалқиб кетган Малоҳат қоронғуликда кўзларини катта-катта очиб, бегона эракка тикилди: ўша! Аммо шу пайт кутилмаганда қулоғи тагига зарб билан тушган шапалоқдан турган ерида мўнқиб кетди. Кўзлари косасидан чиқиб кетгудек бўлиб, қўлини зарб еган ерига босди.

Чироқни эркинликнинг ўзи ёқди. Хона ичи бир зумда ёришиб кетди. Малоҳат ярқ этиб эракка қаради: Ҳа, ўша!.. Эшлигининг хатоси, умрининг жафоси... Уша! Бир вақтлар қон қақшатган, ёшлигини хазон қилган, онаси, жигарларидан кечиб, тугилми ўсган қадардон қишлоғидан бош олиб чиқиб кетишга мажбур этган бағри-тош кимсал!

Малоҳат дафъатан ўзини йўқотиб қўйди. Йиғлаб юборишдан қўриқиб, қўллари билан юзини аширди. Бирдан бу одам олдига ўзини яна ожиз, нотавон ҳис этди. Малоҳат ҳозир бу одамни кўриш, у билан мулоқот қилишдан қўра, агар олдига жаҳаннам турса, сира иккиланмай ўзини ўша жаҳаннамга ташлаган бўларди... Наҳотки, тақдир уни яна шу одамга дуч келтирди? Қайси гуноҳи учун? Наҳот, ўша ёшлиғида бир адашгани учун энди умр бўйи азоб чекса? Эндигина тўғри йўлга тушиб, меҳнатдан обрў топиб, қадрига етадиган одамни учратганида-я! Йўқ, энди орқага қайтиш йўқ!.. Бу асло мумкин эмас!

Малоҳат қаддини ростлади. Унинг қарашлари энди қатъий эди. У кўнглида ҳозиргина уйонган ваҳимини енгиб, ўзини босиб олди. Белисанда, мағрур қиёфга кирди.

— Тополмайди, деб ўйлаганминди, кўздан,— деди эрак хошларини чиқариб, истеҳзо билан жил-

маяр экан.— Илҳом аканг ким, а, нега келади у!

Малоҳат эракнинг саволига жавоб бериш ўрнига, гапни чалғитишга ҳаракат қилди.

— Келинг, бу ёққа ўтиринг... Малоҳат стол устидаги крахмалланган сочқ ёпиб қўйилган чойнак-пиёлани, конфетдонни олиб, янги дастурхон ёзди. Мева-чева, қанд-курс қўйди. Чой дамлаб кирди. У бу ишларни қилиб юрганида эрак уни зимдан кузатиб ўтирди.

Қизик, киши кўчада кетаётиб бировни кимгадир ўхшатса, ўша одамни албатта кўради. Малоҳат ҳам боя ишдан барвақт чиқиб, трамвайда Олий Совет биносини томон кетиб борар экан, деразадан бир одамни Жоводга ўхшатган эди. Ушанди юраги шув этиб, орқасига тортди кетди. У бугун жуда хурсанд эди. Бугун ҳукумат унинг кўксига «Шавкатли меҳнати учун» медалини тақиб қўяди. Бироқ, Жовод ёдига тушиб биладан кейинги тамом ўзгарди. У бора-боргунча кўнгли ғаш бўлиб, ўтган кунларини эслаб кетди.

Малоҳат ўзинчи синфини эндигина тамомлаб, область қурилиш бошқармасига секретарь-машинистка бўлиб ишга кирган кезлар эди. Дугонаси Замира туғилган кунига тақлиф қилиб қолди.

— Қандоқ бўларкин!.. Аяллар кечкурунлар ҳеч қаерга юбормайдилар,— деди Малоҳат.

— Унда бирга бориб жавоб сўраб келамиз... Бизникида ётиб қолсан,— деди Замира.

Дугонасининг туғилган кунига Малоҳат зўр иштиёқ билан отланди. Бошини ювди. Сочини қуритиб, орқасига чиройли қилиб турмақлади. Қошига қалам, кўзига билинар-билимас сурма тортди. Бели ингичка, этаги кенг қилиб тикилган оқ пушти ранг кўйлагини кийиб тошойнага қараганинда ўз аксига ўзи махлиб бўлиб қолди: нотойнадан унга шеврларда мадҳ этиладиган афсонавий бир гўзал қиз ним табассум қилиб қараб турарди...

Эшикдан онаси кирди. Малоҳат қизариб онасига ўғирилди. У пардоздан уялганди.

— Жон болам, ўша ўтиришинга кўнглим сира чопмаляпти-да,— деди онаси.— Ҳар хил одамлар бор... ёшсан...

— Биламан, аяжон... Малоҳат очилиб кўлди, онасини қучоқлаб, аτροφиди чирпирак қилиб айлангирди. Кейин юзидан ўпиб, совғасини қўлига олганича чопқиллаб чиқиб кетди.

Малоҳат дугонасиникига кириб борганида зифат авжида эди. Оқ-саридан келган кўккўз, жингалак соч, баланд бўйли, қадди-баста келишган хуш-хандон йигит тинмай шўх-шўх пластинкаларни қўйиб, қизларини ўйинга тортар, ўзи ҳам худди қавқаз йигитларига ўхшаб икки қўлини ёнларига кенг ёзиб, оёқларини чиройли силтаб, бошини мағрур тутганича завқ-шавқ билан ўйнардик... Кечада иштирок этаётган қиз-жувонларнинг даярли барчасининг қўзи ўшанда эди. «Йигит киши ҳам шунчақ шўх, истораси иссиқ бўладими!» дея кўнглидан ўтказди Малоҳат унга ҳавас билан тикилиб ўтирар экан.—

Уша ўйинга тортаётган қизларидан менинг қаерим кам!»

Малоҳат шу гапларни хаёлидан ўтказар-ўтказмас, йигит, худди унинг дилдагини уққандек, жилмайиб ёнига келди-да, уни ҳам ўйинга торта бошлади. Малоҳат дув қизариб кетди. Йигитнинг ёнига Замира ҳам қўшилди.

— Тур, Малоҳат, битта ўйнаб берақол...— жиндай ширақайф бўлиб қолган Замира кула-кула дугонасини ўрнидан тургазди. Малоҳат ўртага чиқди. Утиришдаги кўтаринки кейфият илҳом берди, Малоҳат қўллари чиройли ҳаракатлантириб, ним табассум билан ўйинга тушиб кетди. У дам кўзларини гамзали сузиб, дам шўх ўйнатиб, бизгиз пошна-ни туғлидаги бежиримгина оёқчалари полни аста-аста тепиб, даврани ишва, ноз-қарашма билан шундай айлана бошладики... Утирганлар орасида чапалақ, қийқириқлар авжа минди. Бир вақт қараса, бояги йигит елқам-елка келиб, кўзларини сузиб, муқом қилиб, унга жўр бўлиб ўйналяпти... Барчанинг лабида табассум... Уз ўйинига Малоҳатнинг ўзи ҳам қойил қолаётган эди.

Малоҳат жойига келиб ўтирди. Юраги дук-дук уриб, нафис рўмолчаси билан бугриққан юзини артиб, елпина-елпина минерал сувдан хўламоқчи бўлиб турганида йигит тепасига келиб, катта фужерга ўлатиб шампан вносидан қўйиб берди.

— Ичмасангиз хафа бўлман... Малоҳат сира ичмаган эди. Чанқаб, қизиб тургани учунми, муздек шампан вноси хуш ёқди, ҳаммасини ичиб юборди. Замира ҳам Малоҳатнинг тепасига келиб, бирга ичишни тақлиф қилди. Иккинчи қадаҳдан кейин Малоҳатнинг боши айлана бошлади. Уни яна ўйинга тортти.

— Йўқ-йўқ, ўйнолмайман... бошим айланаяпти,— қулиб туриб узрини айтди содадиллик билан Малоҳат.

— Юринг, мен сизни тоза ҳовода айлангириб келаман, бошингизнинг айлиниши тарқалади,— деди йигит уни ташқарига етакларкан.

— Малоҳ, эҳтиёт бўл, Жовод ака сел шўхрок...

Замиранинг ҳазил аралаш оғоҳлантиришига меҳмонлар завқ билан кулишди. Малоҳат Жоводнинг орқасидан кетиб борар экан, ўзи ҳам хандон ташлаб куларди... Дарахлар ораси гира-шира ёруғ. Хушхол шабада киши ажувудига ҳузур бахш этади, дилларни яйратади. Озгина тоза ҳовода айланганларидан кейин Малоҳат ўзига келгандек бўлди.

— Юринг, энди ичкарига қира қолайлик, тагин...— деди Малоҳат. Негадир унинг юраги дук-дук урарди.

— Шошманг, ҳозир кирамиз,— Жовод қизинг қўлидан қаттиқ қисиб, ўзига тортди. Юзидан ўлд... Боғина шу йигитнинг унга ҳам бир қайрилиб қарашини орау қилиб ўтирган Малоҳат, ҳозир юраги ғаш гортди, шоша-пиша уни ўздан итарди. Кетиға тисарилди.

— Емон экансиз-ку!!

Кейин Малоҳат оёқлари чалишиб, дугоналари томон югурди...

Жовод ўша-ўша Малоҳатни тинч қўймади. Ораддан уч-тўрт кун ўтиб, улар учрашдилар. Яна... яна учрашишди. Шавқ-завқ, муҳаббат гашти билан лиммо-лим сурулли кунлар бир-бирини қувлаб ўтаверди. Энди улар бир-бирларини кўрмасалар туролмасдилар. Ҳарқалай Малоҳат учун шундай эди. У ишдан кечиниб қайтадиган, кейфияти алланечук кўтаринки юрадиган бўлиб қолганди.

— Болам,— деб қолди она бир кунни нонушта чоғида.— Ишдан кеч қайтсан... юриш-туришинг сал бўлақма... Дам олиш кунлари ҳам уйда ўтирмайдиган бўлиб қолдинг. Бу ахштиликка олиб бормади, она қизим.

— Аяжон, ҳозир ўйнамасам, қачон ўйнайман. Дугоналарим билан...— Малоҳат онасини алдаётганидан қизариб, лабини тишлади. «Тавба, яқингинада ҳам бутун ўй-хаёлим онамда эди, энди эса... Наҳот бировни онадан ҳам ортиқ севиб, уни деб онасини ранжитиб юрсан. Малоҳат хаёлига келган бу ўйдан ҳайрон қолди.

— Даданг бечора трактори билан жалада зовурга ағдарилиб нобуд бўлиб кетмаганида...— она кўз ашини енгига артки,— Бунақа Бебош юришинга йўл қўймасди. Қўй, онангни кўп қуйдирма, уйга вақтида кел... Ҳали чандон ўйнайдиган вақтларинг ҳам келади...

Малоҳат ирғиб ўрнидан туриб, онасини қучоқлади, юзларидан қўл-қўл ўпиб, энди кеч келмасликка сўз берди. Уша кунни кўчага чиқмай, уйда қолди. Аммо эртасига ишга чиқиб билан Жовод яна телефон қилиб, тоққа олиб чиқиб, ўйнатиб келмоқчилигини айтди. Жоводга у йўқ дедилмади. Онасига бир баҳона топиб чиқди. Илгари тоққа чиққан эди, бироқ, бу сафар ян-ямил тоғ этагининг ҳам, тоғ бошидан оплоқ қўлириб оқиб тўшаётган шополанинг ҳам гашти, шуқуқи бўлақча туюлди унга. Улар узоқ кезишди, кейин бир ерда ўтириб тамадди қилишди. Сўнг яна сайр қилишди. Ҳориб, дарахларнинг орасида дам олгани қизи-лишди...

Нега ҳам қўзилди?! Малоҳат нега бу ёқларга чиқди? Нега бу йигитга бунчалик ишониб юборди? Наҳотки, киши ўзига шунчалик эрк бериб юборса?!

Килимишдан бирдан сергак тортиб, ваҳимага тушиб юм-юм йиғлади...

Улар сайрдан қайтдилар. Малоҳат ҳарчанд ўзини қўлга олишга, сир бой бермасликка ҳаракат қилмасин, она-зори қиздагик ўғаршини сезмай қолмади:

— Ҳа, қизим, маъқинг паст? Нима бўлди, она қизим?

— Ҳеч гап, аяжон... Дугоналарим билан бирга тоққа чиққанмизда муздек тоғ сувидан ичувдим. Ушанданми... томоғим оғрипти...

— Аччиқтош билан чай, қизим, ялиғи тезда қайтади,— деди қизининг кўзларига синчковлик билан тикилиб она.

Кунлар ўтаверди. У вужудида алақандай ўзгариш, янги бир ҳолат сезди. Англадики... Энди бу аҳволдан қандай қутулса бўлади? Кутулишининг чораси борми? Оиласи, ўз бошига тушган бу шармандаликдан қутулиш учун ўзини ўлдирсинми? Малоҳат шу фикр хаёлига келиши билан уйларида сал наридаги суви тип-тиник, кундузлари атрофидаги баланд-баланд тераклару чарақлаган кувёш, кечалари эса юлдуз чамани тўла осмон юзюда акс этиб ётадиган кўлини эслади. Ўзини ўша кўлга ташлаша аҳд қилди. Шундай деб ўйлаши билан ўзини шу кўл тубида, сув ўт-ўланлари орасида оёқ-қўли ёзилган, парилшон сочлари хилпираб ётган, онажонини эса юзларини юлиб, кўл атрофида оҳ чекиб, фарёд уриб айлиниб юрган ҳолда тасаввур этди.

Малоҳат ўз хаёлидан ўзи ваҳимага тушиб, ўрнидан туриб кетди. Йўқ, йўқ, у бундай қилолмайди. Аммо бошига тушиб турган бу мушкулотдан қандай қутулади? Энди нима бўлади? Малоҳат ноҳор қолганидан бу гапни Жоводга айтишга мажбур бўлди. Буни эшитиб, Жоводнинг ранги бўзариб кетди. Бу ташвиш олдига у ҳам ожиз эди. Иккалалари кўп ўйлашди. Аммо, улар учун жамикми кўчаларнинг боши берк эди. Иккаласи то бир қарорга келгунга қадар орадан яна бир-икки ой ўтиб кетди. Энди Малоҳатнинг ортиқ уйда қолиши мумкин эмас эди.

— Битта йўли бор...— деди бир кунни Жовод.— Онангизга ўқишга кетаялман, деб бир-иккита зарур нарсаларингизни олиб, Тошкентга жўнайсиз. Ўзим олиб бориб, бирон ерга жойлаб келаман. Кейин хабар олиб тураман...

— У шаҳарни умримда кўрмаган бўлсам, у ерда ҳеч кимни танимасам...— Малоҳатнинг ўпкаси тўлди. Жовод қизни елкаларидан кучиб, эркалаган бўлди:

— Бошқа иложимиз йўқ... Бу ерда ҳамма бир-бирини таниса... Сал гап озигиза тушади...

Малоҳатнинг кўнмай иложи йўқ эди. Кўнди. Кўндию Жоводни бирдан ёмон кўриб кетди. Кўйнидан юлқиниб чиқиб қовоғини уйди, ўқрайди. Энди бунга онасини қандай кўндиради? Ўқишга кираман, деб ҳет ёз-

эмон экан. Малоҳат кампирга шунча сир бой бермайман, дегани билан, у Малоҳатнинг аҳволини дарров пайқади.

— Она қизим,— деди у бир кунни қўярда-қўймай чоғга чақириб.— Сен унақа ҳар кимларга ишонаверма, ўзингга ишон. Қараб турсам, дурустгина одамларнинг фарзандига ўхшайсан. Қўл-оёғинг бут, ети мучанг соғ. Уйда сарғайиб ўтиравермай, ишга кир.

Кампирнинг эҳтиёт билан насиҳат қилиб, «она қизим» дегани Малоҳатга ўз онасини эслади. Ўпкаси тўлиб, томоғига аччиқ бир нарсга тикилди.

— Холажон, мен ҳозирча ишлолмайман-да...— деди овози қалтираб. Уша суҳбатларидан кейин Малоҳат холага қаттиқ боғланиб қолди.

Бир кунни тонг палласида Малоҳат безовталанди. Чидолмаганидан кейин, охири иймана-иймана бориб кампирни уйғотди. Кампир уни тугруқнонага элтиб қўйди. Малоҳат минг азоблар билан қиз кўрди. Аммо қувонмади. Деворга қараб ётиб, қон-қон йиғлади. Бола ҳам узоқ яшмади. Икки-уч соатдан кейин но-буд бўлди. Малоҳат «қорнини» биров пайқамасин», деб тортиб боғлаб юрганиданими, бола ўсмай, кўкариб тугилганди.

Малоҳат тақдирга тан берди. Инсон ҳамма нарсасга кўнмаган экан. Малоҳат ҳам кўнмади. Оз-оздан ўзинга кела бошлади. Хола уни ишга киргизиб қўйди. Малоҳат шуда, одамлар орасида, хола айтмоқчи, қоддини қўриб олди. Чўнтағига уч-тўрт сўм тушадиган бўлганидан кейин почта орқали онасига пул, укаларига кийим-кечак жўнатиб турди. Одамлар ичюда юриб, улар билан гапнинг ҳам, қувончинини ҳам бўлишиб, тез кунлар ичюда ўзига кел-

лигиди келамиди бу фалокат! «Кеймайман», деб ўтириб олса-я? Илгарилари бунақа дағал эмасди. Доим қувноқ, чехраси очик, олифта бўлиб юрарди. Галирса тилидан бол то-марди... Малоҳат илгарилари келса айтман, деб анча гапларни кўнглига тугиб юрарди. Лекин илгариги келган пайтларда юзи чидаб айтолмаганди. Кейин у келмай кетди. Хозир Малоҳатнинг уша гапларни тўкиб солгиси келди. Шу пайт Жовод ишайиб ўрнидан туриб, у томон юрди. Малоҳатнинг аъзойи баданига титроқ кирди, дағаллик билан қичқириб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

— Утиринг... Нима, мени ҳали ҳам ўзингизнинг эрмагингиз, дилхушингиз деб ўйлайсизми?

Бундай муомалани кутмаган Жовод оғзини очганича қотиб қолди, ўрнига ўтирди. Малоҳатнинг чехрасига балқан нафратдан қўрққулик эди.

— Хў-ў-ў... сиз билан мен ошно бўлиб юрган вақтлардан бери кўп сувлар оқиб ўтиб кетди... Холманга бўлманг, энди у кунларга қайтиш йўқ!... Малоҳатнинг вужудидаги шунча йиллардан бери мадда боғлаб ётган алам, ҳўрлик бирдан қудратли куч билан янграганиди.

Жовод четга қараб томоқ қирди. Тараддулданди. Аммо айтмаслигининг ҳам иложини топмади.

— Нима десам экан сенга... Бир бўлмағур ишга аралашиб қолиб беш йилга кетган эдим... Мана, у ярим йил деганда... қайтиб келаялман... У ёқда газетдада сўрагининг кўрдуми, ўртаниб кетдим. Эракк бўлиб кўзига ёш олмаган одам, ишонсанг, йиғлади. Ҳолинг нима кечди экан, деб ташвишланиб юрардим, муваффақиятларингиз ўқиб, хурсанд бўлдим. Шунда, уйга эсон-омон қайтсам, биринчи Малоҳатни бориб кўраман, деб кўнглимга тугиб қўйган эдим. Қидриб борсам, бир вақтдаги жойлар бузиллиб кетибди. Ишонанга бордим... Адресингиз беришди...

— Бекор овора бўлибсиз. Эшикни қандай очдингиз?

— Кўшининг қалит берди...

— Келибсиз-келибсиз... энди гапларини эшитинг. Ҳа, бир вақтлар жуда нодон эканман. Одам танимас эканман. Она насиҳатини қулоққа олманг қизинг адашиши ҳеч гап эмас экан. Мен сизнинг сеҳрингизга учиб, адашдим. Нотўғри йўлдан кетаётганини билдим, аммо ундан чиқиб олиш чорасини топполмадим. Сизнинг сохта муҳаббат, меҳрибонликларингизга учиб, бахтсиз бўлатуриб, бахт шу, мени шундай ажойиб йигит яхши кўради, деб юраверганман.— Малоҳат аламли жимлайди.— Аммо... бошим деворга тақ этиб теккандagina... сиз билан етаклашиб юриб... жаҳаннам озгига бориб қолганими тушуниб қолдим. Мен-ку, ҳали гўдак эдим. Лекин, сиз — оила, фарзанд кўрган одам, мендек бир гўр, тажрибасиз бир қизни йўлдан оздириб, ўз хурсандлигингиз йўлда қурбон қилишга қандай журъат эдингиз?

— Сен айбни битта менга қўйма... ўзингда ҳам мойиллик бор эди...

— Ҳа, менда ҳам мойиллик бор эди... Бирок, мен нодон, оилангиз борлигини билмадим. Сизга шунчалар ишонардими... бундай ўйга бориш ҳаёт хаёлигига ҳам келмаган. Сиз эса бу ишни онгли равишда қилгансиз... Ночор қолганмизда эса, мени онам, укаларим, туғилиб ўсган қадрдон қишлоғим қўйнидан юлиб, бегона бир шаҳарда ёлғиз қолдириб кетдингиз. Шунда заррача бўлса ҳам менга ачдиндигизми? Сиз бағри тош одамсиз!...

— Малоҳат, бунчалик ерга урма. Жилла сен ўйлаганчалик... худбин эмасман. Сени астойдил яхши кўрганман. Ўзинг ҳам... жуда ажойиб эдинг... Афсуски, ўшанда иложимиз... ноночор қолгандик...

— Мени шу ноночор йўлга ким етаклаган эдинг! Ҳа, ўшанда сиз иш-

дан қайтди, хотинингиз, бола-чақангиз даврасида кечкурунлари ҳузур қилиб дам олган бўлсангиз, мен учун емиш захар, ўрним тиканак эди! Сиз хотиржам, тиниқиб ўхласангиз, мен кечалари бедор, илон чаққандек аламиндан тўлғониб чиқардим!

Хайриятки, Бахтимга Хосият хола бор экан. Бола нимжон туғилиб турмаганидан кейин, у киши мени ишга жойлаб қўйди. Буни билардингиз. Шу аёл менга бениқош кўп яхшиликлар кўрсатди. Фабрикадагиларнинг бири ола, бири сингил бўлди, яна бири оналик меҳрини кўрсатди: менга иш ўргатди. Сирдан ўқишга ҳам кириб олдим. Сидкидилдан ишлашим орқасида коллективимиз ичюда обрў ортқирдим. Кейин смена мастерига ёрдамчи қилиб қўйишди. Ҳозир эса смена мастери бўлиб ишлялман.

Жовод Малоҳатнинг гапларини тинглаб ўтирар экан, ичюда беихтиёр унга қойил қоларди. «Меҳнат кишини маънавий томондан ўстириши, камол топтириши рост экан. Беш-олти йил ичюда шунча улғайиб, ўсиб кетибди. Гапларини... Менинг тасаввуримда у ҳамон ўша... Малоҳат эди...»

— Хосият холанинг менга кўп фойдаси тегди. Уша ерда пропикада бўлганим учун холанинг уйлари бузилмаган бўлганида, фарзандлари қатори менга ҳам квартира беришди. Ҳали ҳам бориш-келишимиз узилгани йўқ. Онам, укаларим ҳам келиб туришади. Хуллас, бизнинг замониимизда киши ҳалол яшаса, меҳнатдан бўйин товламаса, хор бўлмас экан. Бахтимни ҳам шу ерда учратдим. Турмуш ўртоғим инженер. Фарзанд кўраимиз...

Боядан бери Малоҳатнинг гапларини бўлмай эшитиб ўтирган Жовод унинг сўнгги гапларини эшитиб, бўшашиб тушди. Юрагининг бир чеккасиде сақланиб келаётган илинж гўё сўнди.

— Малоҳат, мени кечир! Мен чиндан ҳам... динингга кўз овор етказдим... Лекин сени чиндан ҳам яхши кўрадим. Боя ишонганга сени сўрашим билан ҳамма югуртилаб қолишганди... Сени каттаю кичик бирдай таънарган. Биттиси: «Ола Олий Советга кетганлар... Бугун уларга нишон топширишди...» деган эди-я... Муборак бўлсин! Эшитиб, ўзимда йўқ хурсанд бўлдим, аммо кўрагимдан итарарсан, деб ўйламагандим...

Малоҳат бир вақтлардагидай юмшоқ жимлайди. Юраги бир тўлқинланиб келдию, аммо ўзини босди.

— Ҳа, бугунги кун мен учун катта хурсандчилик кун эди. Сиз келиб... Утмишимни эслаш мен учун оғир. Аммо... қачондир у билан бир умрга видолашшим ҳам керак эди. Мен сизни унутганман!— Малоҳат Жоводнинг кўзига қатъият билан тик қаради.— Сиз ҳам мени унутинг.

Жовод бу эшик унинг учун берк эканини тушунди. Маънос ерга қаради. Юраги узилиб тушгандек бўлди. «Одамзод кўрқаламушдек ўз қобига ўрғалиб, қавақда яшаб ўтиши ҳам, сидкидилдан, ҳалол меҳнат қилиб, юксакларга кўтарилиб кетиши ҳам мумкин экан. Аммо ҳаммаси одамнинг ўзига боғлиқ экан... Ҳа, унинг бошига шунча мушкул ишларнинг тушишига мен сабабчман».

— Мени кечир, Малоҳат... Сени жуда соғинган эдим. Мана, кўрдим... Ишда ҳам, оилада ҳам бахтингни топибсан, хурсандман...

— Ҳа, мана қуришдик, суҳбатлашдик. Орани очик қилиб олдик. Энди йўлингиздан қолманг. Ҳадемай эрим ишдан келади... сменадан чиқиб...

Жовод қийнаиб ўрнидан турди: — Хайр, бахтингни топаннинг рост бўлсин...

Жовод маънос юриб, эшикдан чиқди, тун қўйнига кириб, кўздан гоийб бўлди. Боядан бери ўзини тутиб, кўлга олиб турган Малоҳатнинг юраги тўлқинланиб, негадир кўзига ёш қалқиди. У қатъият билан юриб бориб, эшикни қулфлади...



ган эдим, чақиршибди, десинми? Бошқа баҳона тополмай, Малоҳат онасига шундай деди. Онасининг йўқ дейишига қарамая, қишлоқ Советига бориб, ўқишга кетаялман, деб эҳтиётдан паспортини ўчиртириб олди. Ишдан бўшаб тўғрисида ишончасига арıza берди. Йўл ҳозирлигини кўрди.

Тошкентда жой топпомай, уч кун аокзалда қолиб кетишди. Тўртинчи кунни бир кампирнинг уйидан жой топишди. Жовод қайтиб кетди. Малоҳат учун чин азобли кунлар ана ўшанда бошланди: ўтирган уйи исқикина бўлгани билан ўзининг дили муз. Бир кўнгли ёзиб суҳбатлашадиган, ҳасратлашадиган габузлари йўқ. Пинҳона оҳ чекади, ўйлайди-ўйлайди, ўйининг тағига етолмайди. Виждон азоби, дилхулик жуда

либ қолди. Кундан-кунга дўст-дўгоналари ортиб борди. Хотиржам ётиб, хотиржам турадиган бўлди. Ўзи илгаригисидан ҳам очилиб кетди. Кейинроқ... бир-икки уйига ҳам бориб келди. Аваалги ишончасидегилар ҳам, у ёқдаги қариндош-уруғлари ҳам унинг бошидан кечирган алам-қубатлардан беҳабар эдилар.

Малоҳат фабриканинг жамоатчи ёшларидан бирига айланди. У бор кучи, идрокини ишига бағишлади...

\* \* \*

— Олинг,— деди Малоҳат ўзига ошиқона тикилиб ўтирган Жоводга қўй узатиб. Малоҳатнинг жиддий кўзлариде ҳозир андуҳ намоён эди. Нима қилин? Шунча йиллардан бери, Хосият хола айтмоқчи, оёғини тортиб кетган одам нечук яна уни излаб қолибди? Муддаси нима? Яна келиб-келиб Илхом акиси ишда-

## Ўзбекистон ипаклари


Ўзбекистон ипаклари,  
Лов-лов ёнган юраклари.  
Ватан мамнун, мафтун дунё,  
Лол табиат чечаклари —  
Ўзбекистон ипаклари.

Кўнгил каби нозик, майин,  
Дил қувнайди кўрган сайин,  
Чалсам жўрдир қалбим найи,  
Олтин қўллар кўшиқлари —  
Ўзбекистон ипаклари.

Қумуш ойма, қумуш қизми,  
Таровати олмиш кўзни,  
Ўзи билан наво, назми,  
Она юртим истаклари —  
Ўзбекистон ипаклари.

Хонатласми, беқасамми,  
Кийиб келсам боқсанми,  
Ошиқ жоним ёқсанми?  
Ипакчи киз тилаклари —  
Ўзбекистон ипаклари.

Меҳнатингдан, жоним синглим,  
Замин узра ойдин йўлим,  
Таъзимдадир икки кўлим,  
Афсоналар, эртаклари —  
Ўзбекистон ипаклари.



## ҚЎШИҚЛАР ҚАНОТИДА

Лазиз ҚАҲУМОВ,  
профессор

Бугун дилрабо кўшиқлари билан халқимиз орасида танилган Нормурод Нарзуллаев кўзимиз олдида шаклланган шоирлардан бири. Мен уни илк бор кўрганымда, студент ва бошловчи ижодкор эди.

Нормуроднинг ижоди 1954 йилда бошланган. Биринчи тўплами «Суюнчи» 1965 йилда босмадан чиқди. Шундан буён ўзбек поэзиясининг симфониясида унинг ҳам овози бор. Бугунги ўзбек адабиётининг ёш авлоди бадий бақуваат

ижодкорлардан иборат. Чунки уларнинг жуда кўпчилиги олий маълумотли, дорилфунунларни тугатган, ҳаёт ва ижод ҳақидаги тушунчаси мукаммалдир. Нормурод Нарзуллаев ҳам ёш авлоднинг ижодига хос бўлган яхши хусусиятларни ўзида жамлаган. Нормурод Самарқандда адабиётдан олий маълумот олган. У ўзбек классик адабиётини, ўзбек халқ оғзаки ижодини, Шарқ классик адабиётининг аъёнларини яхши ўрганган ва уларни ўз ижодида татбиқ этиб келадир.

Нормурод совет матбуотида ижод университетини ўтди. Журналистика унинг ижодидаги ижтимоий оҳанглари кучайтирди, ҳозиржавобликини ўргатди. Бадий ижоднинг қонуниятларидан бири ҳам шундан иборатки, ҳар бир шоир адабиёт майдонига ўз овози, ўз мавзун, ўз гоёлари билан кириб келади. Бадий ижод соҳасида қайтариқ мумкин эмас. Ана шунинг учун ҳам ҳар бир ижодкор ўзига хос хусу-

## ЧЕГАРА НАЗОРАТ ПОСТИДАГИ ҲОДИСА

БАЛЛАДА

— Марҳамат, меҳмонлар, ўтинг хотиржам!  
Назорат постида илтифот нозик.  
Ўтди назоратдан чамадонлар ҳам,  
Кузатар бир хоним, кўзлари сузик.

Ҳар ким билганича фикрин изохлар,  
Кимнидир тўхтатар сирли кўнғироқ.  
Жонсарак бўлишар доим сайёҳлар,  
Чегара эмасми, ёниқдир чироқ.

Ботиралига ҳам гал келди, мана;  
— Меҳмон, сизнинг навбат, ўтинг тез,  
дарҳол!  
Сумкаси назардан ўтди росмана,  
Ўзига келганда рўй берди бир ҳол.

Аппарат белига қўйганда қадам,  
Ёнди яшил чироқ, чалди кўнғироқ.  
Ёнида не бўлса чиқарди шу дам,  
Қисди елкасини, ақли лол, бироқ.

Бошига урилган сингари чақмоқ,  
Мияси тўсатдан чарақлаб кетди.

Дафъатан эслади, эслади, шу чоқ  
Ҳаяжон босдимми, ўзин унутди.

Ахир, вужудида бордир осколка,  
Қирқ йил қийнаб келар ўша дайди ўқ.  
Танаси қақшайди, билар чап елка,  
У ўтли жангҳоҳлар эсдан чиққан йўқ.

Польша бўлсин дея, озод, бахтиёр,  
Кўксини ўқларга тутган эди ул.  
Ярадор қалб билан бўлди халоскор,  
Қон кечиб, йўл босиб, ўтган эди ул.

Жанговар кунлардан хотира — ёдгор,  
Бъязан ҳаловатин айлар бир чақа.  
У жангчи, у — инсон, иродаси бор!  
Асло ҳожат қолмас жумбоқ-сўроққа.

Варшавалик ёш қиз билсин қаердан —  
Урушни кўрмаген, эшитган фақат.  
Унинг юрти учун ёшлигин берган,  
Ҳамон юрагида урушга нефрат!..

— Марҳамат, меҳмонлар, ўтинг хотиржам!  
Назорат постида илтифот нозик...

\* \* \*

Бу дунёнинг режаси йўқ,  
Йўқдир унинг плани.  
Йўллариди тўшалган чўғ,  
Бордир ўзин ўзани.

Ўзанида бу ҳаётни  
Оқимига олар у.  
Чавандоздай бор қанотни  
Тақимига олар у.

Е келадир кулги олиб,  
Айланиб ё йигига.  
Ўз ишини қилар билиб,  
Қарамай бор-йўғинига...

Унутсак гар, биз ўзимиз,  
Ўзигимизни гоҳо:  
Нопоқ бўлса сал изимиз,  
Ўзи берадир жазо.

Ҳа, дунёнинг режаси йўқ,  
Йўқ, одамдай унвони.  
Лекин унинг кўнгли бут, тўқ —  
Бордир виждон, имони!

## Бол ва оғу

Бу ҳаёт бўлсин деб доим асал, бол  
Шакарни кашф этмиш одам аслида,  
Умри кўкармасин, топсин деб завол,  
Заҳарни топдилар ҳаёт қасдида.

Ҳаёт ҳам, ўлим ҳам ёнма-ён, эгиз,  
Буни ким ўйлабди туғилар чоғи?  
Тақдирнинг ўйини шунчалар қалтис:  
Бир қўлда бол тутар,  
Бир қўлда оғу!



сиятларга эга бўлмоғи лозим. Нормурод Нарзуллаевнинг ижоди ҳақида гапирганда, мана шу хусусиятлар унда ҳам мужассам эканини қайд этмоқ керак. У ўзига тенгдош бўлган ёш авлоднинг ҳаёт, меҳнат ва муҳаббат ҳақидаги ҳис-туйғуларини, фикрларини бадий ифода этди. Шунинг учун ҳам унинг шеърлари ўқувчилар оммасига маъқул ва манзур бўлди.

Ватан ҳақида гапирганда, Нормурод Нарзуллаев кенг социалистик ватанимизни тушунади. Айни вақтда мана шу Ватан тушунчасининг кенг бўлиши унинг она Ўзбекистонини мадҳ этишига монелик қилмайди. Балки гўзал Самарқанд ҳақидаги сатрларида она шаҳри социалистик Ватанининг ажралмас бир қисми ва гўзал диёрлардан бири эканлиги гўрур билан кўйланади.

Нормурод-ҳассос шоир. Қалб ҳарорати унинг ҳар бир шеърда аниқ сезилиб туради. Ана шу хусусият унинг ҳақиқий шоир бўлиб

етишишига энг муҳим асосдир. Шундай шеърлар унинг «Сизни Ватан эркалар» (1967), «Меҳр чашмаси» (1970), «Зарафшон зарлари» (1970), «Уфқларда кўзларим» (1973) каби китобларини мазмундор қилган. Худди шу асарлари учун у 1974 йили Ўзбекистон Ленин комсомолы мукофоти билан тақдирланди. Унинг кўнгина шеърларига музика басталаниб, қўшиққа айланиб кетди ва бугун рақодан, телевизордан, концертлардан кўшиқчилар ижросида унинг шеърларини биз роҳат қилиб эшитяпмиз. Шоирнинг шеърӣ асарлари рус тилига таржима қилиниб, кенг китобхоналар оммасига етиб борди.

Шоиримиз ижоди ҳозир айни қайнаган пайт. У илҳом билан тўла. Ҳаётда ёш, ижодда анчагина тажриба ортирган бу адибнинг келажаги порлоқдир. Мен унинг бундан кейинги ижоди ёзганига нисбатан ҳам бойроқ, мазмунлироқ, бадийроқ ва жозибалироқ бўлишини умид қиламан.

Ўзбекистон ССР халқ артисти Ганижон Тошматовнинг номи республикамиз санъат мухлисларига яхши таниш. Унинг ота-боболари — Ниёз оворажон, Тўхта рубоб, Шомат дуторчилар ҳам ўз вақтида халқ орасида обрў қозонишган. Асакада бирор йигин, тую тўйчиқ уларнинг иштирокисиз ўтмаган. Улар йирилганда, чойхоналар доимо гавжум бўлган, давраларда аския авжига чиққан. Еш Ганижон амакиси — завод ишчиси Каримшердан камон чалишни ўрганди.

Ганижон Тошматов қўлига соз олгандан буён эл дилига мос куй-қўшиқлар излайди. Бу йўлда Андижонда ёғижакнинг пиридеб ном чиқарган Собир-



## ОХАНГЛАРГА ҲАМОҲАНГ УМР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ  
ГАНИЖОН ТОШМАТОВ 70 ЁШГА  
ТЎЛДИ

жон Селидиқовдан, мусиқамиз хазинабонларидан ҳисобланган Юнус Ражабийдан сабоқ олди. У камонда ижро этган «Чаман йиғлари», «Қайтарма», «Тановори», «Ушшоқ», «Ироқи сингари ўнлаб халқ куйлари яна бир сайқал топгандек бўлди.

Ганижон Тошматов Андижон ва Фарғона область театрларида ишлаган йилларида бастакор сифатида танилди. Хуршиднинг «Лайли ва Мажнун» музикали драмасидаги «Истадим», «Кезарман», «Гулжамол» каби бир қанча ашулаларга музика ёзди.

Бастакор-созанда 1946 йили Тошкентга келиб, Муқимий номидаги Музикали драма ва комедия театрида, кейинчалик Ўзбекистон радиоси қошидаги Халқ чолғу асбоблари ансамблида ўз фаолиятини давом эттирди. Шу даврда халқ кўшиқлари оламига янада теранроқ кириб борди.

— Халқ ижодиёти — катта маданий меросимиз. Уни ўрганиш, бутун гўзаллиги, теранлигини тўла-тўқисини намоён қилиш ҳаммамизнинг вазифамиздир. Мен халқ санъатини яйраб ўрганаман, унинг рангаки йўлида ижодий хизмат қилишни ўз бурчи деб биламан, — дейди бастакор.

Бастакор фаолиятининг муҳим томонларидан яна бири унинг моҳир ташилотчилигидир. Ганижон аканинг ташаббуси билан Ўзбекистон радиоси қошида Уйғур халқ ансамбли ташкил топди. Бугунги кунда бу коллектив ажойиб куй-қўшиқлари билан тингловчиларни хушнуд этмоқда.

Ўзбекистон телевидениеси Халқ чолғу асбоблари оркестри ҳузурида ташкил этилган «Дуторчи кизлар» ансамбли ҳам республикамиздаги

навқирон коллективлардан бири ҳисобланади. Бу ансамблини ташкил этишдан мақсад халқ кўшиқчилигини янада ривожлантириш. «Дуторчи кизлар» куйлаётган ашулалар кўшиқ шинавандаларига манзур бўлмоқда. Ансамбль репертуари асосини халқ кўшиқлари — асосан ларларлар, айтишувлар, ёр-ёрлар ташкил этмоқда. Чунки улар анъанавий кўшиқларни яшартирмоқдалар, ўзбек халқ кўшиқлари фондини янада бойитмоқдалар.

— Кўшиқларнинг ўз тингловчилари бўлади, — дейди бастакор. — Масалан, дейлик, 5 ёшгача бўлган болаларга айла айталади; 12 ёшгача бўлганлар болалар кўшиқларини тинглайдилар; балоғат ёшига етганлар ўсириллик ишқ-муҳаббат кўшиқларини жон қулоғи билан тинглайдилар. Бизнинг коллективда асосан Ватанга муҳаббат, бахтиёрлик, ёшлик, муҳаббат, фидойилик, меҳнат завқи кўшиқлари ижро этилади. Уларнинг ижрочилари ҳам бахтиёр элчисиимизнинг шу кўшиқ бештидаги санъаткорларидир. «Дуторчи кизлар»имизнинг бу кўшиқларни завқ-шавққа тўлиб айтишларининг боиси ҳам шу.

... Ана, эфирда киши дилини эркаловчи дилбар қўшиқ янграпти. Бу — ёшлик, нафосат кўшиги, бу — ҳаётга, муҳаббатга чорловчи қўшиқ. Моҳир бастакор Ганижон Тошматовнинг ижодий меҳнатлари ҳам ана шу кўшиқлар билан бирга эл қалбига сингмоқда. Ишончимиз комилки, Ганижон Тошматов ҳали кўп кўшиқларга қанот бoғлайди, уларни халқ мулкига айлантиради. Бастакорга бу йўлда узoқ умр, тоғлас куч, юксак ижодий парвоз тилаймиз.

М. УҚТАМОВ

(Боши 20-бетда).

кил қилган майда томчилар асосан олтингургут кислотасининг сувдаги эритмаси эканлиги аниқланди.

Ниҳоят, космик фазони ва Қўёш системасининг планеталарини тадқиқ қилиш программасига мувофиқ 1983 йилнинг 2 ва 7 июнь кунлари Совет Иттифоқида «Венера-15» ва «Венера-16» автоматик станциялари учирилди. Бу аппаратлар 130 кеча-кундузда 330 миллион километр йўл босиб, 10 ва 14 октябр кунлари планета атрофидаги олдиндан мўлжалланган маррага эсон-омон етди ва унинг сунъий йўлдошларига айланди.

Мазкур станциялар олдинги «Венера»лардан фарқ қилган ҳолда планета сиртига қўндирилувчи аппаратлар ўринга унинг сирти ва атмосферасини комплекс тадқиқ қилишга мўлжалланган махсус илмий қурилмалар билан жиҳозланган эди. Жумладан, улардаги Қўёш батареяларининг майдони бирмунча кенгайтирилган бўлиб, аниқ астроориентация системаси ҳамда Ерга узатиладиган ахборот ҳажмини кенгайтириш мақсадида янги телеметрик мосламалар ўрнатилган эди. Шунингдек, станцияларнинг бошқариш системаси такомиллаштирилиб, радио узатгичнинг қуввати ва унга мос равишда унинг антеннаси кўлами орттирилган ҳолда ҳар секундда комплекс тадқиқ қилиш станцияси Ерга 100 мингдан ортиқ ахборот бирлигини узатиш қобилиятига эга.

«Венера-15» станцияси сайёранинг Ердан кўриб бўлмайдиган қисми — шимоллик қутби атрофи майдонини биринчи марта кўришга имкон берди. 16 октябрда бошланган дастлабки эксперимент 20 минутча давом этди. Бу вақтда планета шимоллик қутбининг қарийб 1 миллион квадрат километрга тенг майдонининг рельефи ўрганилди. Сеанс пайтида телеметрик йўл билан Ерга узатилган бундай сигнал ёрдамида олимиларимиз биринчи марта Зухро қутб зонасининг кратерларини, ундаги тепаликлар тизмасини, кенглиги 2 километр ва узунлиги 100 километрдан ортиқ бўлган чуқур жарлик [каньон]ни ва Иштар ери деб аталувчи Австралиядан қарийб икки марта катта келадиган сайёра қитъасини кузатишга муваффақ бўлдилар.

— Радио нуруларининг кўлами Венерани катта аниқлик билан ўрганишга имкон берадиган автоматик станцияларнинг комплекс тадқиқ қилувчи аппаратларини яратишда СССР Фанлар Академияси қошидаги академик В. А. Котельников раҳбарлик қилаётган Радиотехника ва радиоэлектроника институти ходимлари ва радиотехника бўйича йirik мутахассис олим А. Ф. Богомоловнинг хизматлари каттадир. Орбитадан туриб бундай аппарат ёрдамида олинган тасвиринг ҳар квадрат миллиметрга планета сиртининг бир квадрат километрли майдони тўғри келади ва Венера сиртидаги катталиги 1—2 километрли деталлари бемалол кўришга имкон беради. Мазкур комплекс қурилма ёрдамида Венера сиртининг қарийб 60 миллион квадрат километрини ўрганиш ва унинг қарстисини тайёрлаш планлаштирилган.

Шунингдек, автоматик станциялар бoртида СССР Фанлар Академияси Космик тадқиқотлар институти ва ГДР Фанлар Академиясининг худди шундай институти ходимларининг ҳамкорлигида ясалган инфрақизил спектрометр-интерферометр асбоби ҳам ўрнатилган бўлиб, бундай асбоб ёрдамида сайёра атмосферасининг

## Фан-халқ хизматида

турли қатламларига оид физик катликлар [температура, босим, химиявий состави, ундаги шомол тезлиги ва ҳоказолар] аниқланади.

Булардан ташқари, «Венера-15» ва «Венера-16» автоматик станциялар программасига планета сиртида ва атмосферасининг турли бaлaндликларидa шомолнинг пайдо бўлиши ҳамда йўналишига тегишли жумбоқларини ҳал қилишдек муҳим масалалар ҳам киритилган. Бу аппаратлар ёрдамида олинган дастлабки маълумотларга кўра, сайёра сиртида шомол деярли эсмагани ҳолда, 10 километрга бaлaндликда секундига 3 метр, 40—70 километр бaлaндликда эса секундига 100 метргача тезликда тўфон бўлиши кузатилди. Қизғин шундаки, бундай тўфоннинг ҳаракат йўналиши асосан планетанинг параллеллари йўналиши билан мос келиб, унинг айланishi [ўз ўқи атрофида] йўналишига қарама-қаршидир. Бунинг сабаби ҳозир аниқлангани йўқ.

Зухрони тадқиқ қилган олдинги космик аппаратлар ёрдамида унинг атмосферасида монокалдирок чакмоғига ўхшаш зарядлар кузатилган эди. Бу эса, ўз навбатида Венерада вулконлик ҳодисалар содир бўлиб туриши эҳтимол, деган фаразни тўғдирди. Гап шундаки, Ерда ёзда кузатиладиган қуруқ монокалдирок чакмоқлари асосан вулкон отқилиши билан генетик бoғланган ҳодисадир. Шунинг учун ҳам тектоник актив ҳисобланган Венерада ҳанузгача вулконлар кузатилиши эҳтимолли бор, деб қаралади. Автоматик станциялар бу жумбоқни ҳал қилишга ҳам маълум даражада ёрдам беради.

Кези келганда, Зухрога тегишли муҳим муаммо — ундаги ҳаёт масаласига ҳам тўхтаб ўтайлик. Қадимда, ҳали мазкур сайёра космик аппаратлар билан тадқиқ қилинишига қадар, олимллар унда ҳам ҳаёт бўлишига катта ишонч билан қарардилар. Бироқ унинг сиртига ва атмосферасига оид маълумотларнинг қўлга киритилиши, бундай фикрни кескин ўзгартирди. Гап шундаки, юқорида эслатилганидек, унинг сиртидаги ҳарорат +470 градусгача бoриб, атмосферасининг 97 процентини заҳарли ис газидан ташкил қилади. Бу эса ҳар қандай органик молекулаларнинг мустаҳкамлик чегарасини бузиш учун етарлидир. Венера сиртида Ерда бўлган микроорганизм йўқ.

Шунга қарамай, яқинда америкалик планетолог Карл Саган Венера сиртидан тахминан 55 километрли бaлaндликда атмосфера босими ва температураси Ердаги нормал шароитга мослигига ишора қилиб, бундай бaлaндликда ҳаёт намуналарининг бўлиши эҳтимол, деган фикрни билдирди. Агар бундай бaлaндликлар асосан олтингургутли булутларнинг масани бўлиб, у ерда килород ва сув буғлари деярли учрамаслигини эътиборга олсак, олимнинг бу фикри эҳтимол қийин. Умуман, бу нарсa ҳали муаммо. Ҳали албатта, Венерани ўрганиш борасидаги тадқиқотлар давом эттирилади.

Мамадмусо МАМАДАЗИМОВ,  
физика-математика фанлари  
кандидати





## САНЪАТКОРНИНГ БАХТИ

30-йиллар. Китоб шахридаги Нажот мактабида ўқиган камбағал, етим болалардан бир нечаси Қарши шаҳрига юборилган бўлди. Улар орасида Икромма ҳам Зебуниссо номидаги қизлар интернатида ўқиш бошлади.

Бир куни Тошкентдан қандайдир меҳмонлар келганда интернат болалари концерт кўйишди. Жиккакина Икромма ҳам сахнада гир айланиб ўйинга тушди. Икромманинг санъатга бўлган илк ҳаваси кейинчалик муҳаббатга айланди. У Қарши педагогика техникумига ўқишга кирди. Техникумининг ҳаваскорлик тўғрисида яшироқ эди. Тўғракада «Жамила» номили ҳужжатли пьесаси санъатлаштирилди. Асарда ўша даврнинг дахшатли воқеаларидан бири акс эттирилганди: Жамила исмили ёш ўқитувчининг янгилик душманлари вақсийларча азоблаб ўлдиришди. Жасадини бурдалаб, устига дош қозонни тўтариб кетишди.

Маъзур спектаклдаги Жамила образи Икроммага тошпилади. Икромма ҳаётда биринчи бор бундай масъулиятли бош роляга тақлим этилиши эди. Удалдай олмаси нима бўлади... Режиссёр шунда: «Жамиланинг ўринга ўзининг кўйиб қўриб, деди. Шу гап унга далда берди. Икромма жасур комсомол қиз ҳис-

фасини кўз ўнгига келтирди. Образ характеридаги ҳақиқатни юракдан ҳис этиб, воқеаларни бошдан кечириб кўришди.

Ниҳоят, асарнинг премьераси бўлди. Икромма яратган образ томошабинлар қалбини тўлқинlantирди. Спектакл давомида хурофот ботқоқига ботган ёт унсурлар Жамилага заҳийларча азоб берганларида залдагилар кўзида ёш йилтиради. Спектакл ёш Совет ҳокимияти қаддини ростлаётган бир пайтда — янгилик билан эскилик ўртасида кескин кураш олиб борилаётган бир даврда кўйилиб, одамларни бирдамликка, сергалликка қаровчи бир куч, ёнга қарши отилган ўқ бўлиб янгради.

Шундай қилиб, Икромма Болтаева ёш Совет ҳокимияти қаддини эндигина ростлаётган, кенг ҳалқ оммасининг сийсий онгини ўстириш учун курашда Нурон Йўлдошбоева, Турсуной Саидзимова каби санъаткорлар, Жамила Жумаева каби зиё тарқатувчиларнинг ёш умрлари ҳазон қилинаётган нотинч, оғир йилларда санъатга кириб келди.

— Жамила образини яратганимда умримда биринчи марта сахна билан залдагиларнинг ҳаммафас бўлиб кетганини ҳис этдим, — дейди актриса. — Томошабинлар юраги ўзимники билан баравар тепаётгандек гуулди. Шундан кейин мен ҳаётим-

ни сахнаси тасаввур қилолмай қолдим.

Икромма Болтаева кейинчалик Тошкентдаги театр техникумида ўзбек совет театрининг асосчиларидан Маннон Уйғур, Уста Олим Комилов, Етим Бобононов, Саъдихон Табибуллаев, Жовод Обидов, Назира Алиева сингари устозлар қўлида таҳсил қўрди. Шунингдек, Станиславский таълимоти билан ақиддан танишди. Битта ҳаракат, бир оғиз сўз, битта ибора кўп мартабалаб, турлича такрорланганча керакли оҳанг, тегишли ҳолат топилиши мумкинлигини ўқди...

Йиллар ўтиб, Икромма Болтаева Ҳамза номидаги Ленин орденли академик драма театрида етакчи артистлар билан ёнма-ён ишлаш бошлади. Дастлаб «Бой ила хизматчи» драмасида Жамилани ижро этди. Театрдаги муҳит, артистларнинг илиқ муносабати уни анча дедиллаштирди. Айниқса, таникли санъаткор Соира Эшонтўраева унинг кўнглини қўтарар, рудий мадад берар эди. «Солиҳбойни Обид Жамиллов ўйнар эди. Обид ака тикилганларида қалбимни кўзлари билан пармалаётгандай бўлар эдилар, — дейди актриса, — нима қиларимни билмай довдираб қолар эдим. Хотида Хўжаеванинг тилидан чак-чак заҳар томиб турган Хонзадаси зуғум қилганида эса росмана талвасага тушардим. Шукур аканинг оташ қалби, меҳрибон, меҳнаткаш Гофари Жамилани ардоқлаганида ўзимни йўқотиб қўйиб дердим. Замира Ҳидоятваннинг ҳаммани баравар ўтиргизиб турганидан солим Ҳожидан тилғоламлик қилганида ҳеч нарсани тушунолмай эсанкирардим».

Икромма Болтаева Улуғ Ватан уруши йилларида театр комсомол ташкилотининг секретари сифатида тенгдошларини урушга кузатиб, ярдор жангчиларнинг руҳини кўтариш учун бериллаётган концертларда фаол қатнашди. Медицина ходимлари билан ёнма-ён туриб ярадорларнинг жараҳатларини даволади. Урушдан кейин — ҳалқ кўжалигини тиклаш даврида яна жонажон театрида янги-янги образлар ярата бошлади.

Абдулла Қаҳорнинг «Шохи сўзана» пьесасидаги Салтанат образи — чўлини ўзлаштиришга жон-жаҳди билан киришган оловқалб қиз. Дилқаш, камтарин, беғубор бу қиз бир гапириб, ўн кулади. Доим кўшиқ киргой қилиб юради. Катта билан ҳам, кичик билан ҳам дарроқ тил топиб кета олади. Бу образ Икромма Болтаеванинг табиғати жуда мос, гўё унга атаб айланган эди. У дастлаб томошабин кўз олинди чит қўйлақ кийган, чаккасига қалам қистирган, оғида қайтарма этик, бошига дўппи кийган, қўлида папка ушлаган тарзда намоян бўлади.

— Икромма — Салтанат кўриши билан сахна жонланиб, жушқин ҳаёт кириб келгандай бўларди, — дейди СССР халқ артисти Зиёкўр Мухаммадҷонов, — «Шохи сўзана» спектаклида мен Деҳқонбой ролин ўйнардим. Икромма комсомол етакчиси Салтанат образини нечоғлик ҳаётий ижро этганининг тавоғи бўлганман.

Қалби пок, севгиси мусаффо, меҳнат машаққатларидан қочмайдиغان Салтанат образини Икромма хоним ижросида кўриб, чўлини ўзлаштиришга бел боғлаганларнинг сон-саногига етиб бўлмағи қолди. Яратган образи билан оммани ўз орқасидан эргаштира олиш, замондошларини энг муҳим ишларга даъват этиш санъаткорнинг улкан ютуғи бўлди.

Баҳром Раҳмоновнинг «Юрак сирларини кийинишди, ўзини ойнавек солишдан бошқа нарсани биймайдиган ишқмас, тантқиқли билан ойнасига, эрига азоб бердиган таною ойм — Сурмагон образини ҳам Икромма Болтаева маромига етказиб ўйнади.

Икромма Болтаева бугун ҳулқ-авора, қилаётган ишлари билан ҳамма намуна бўладиган аёл образини яратса, эртасига қилқилири би-



лан барчанинг жигига тегадиган хотинни кўз ўнгинида гавдалантира олади. Масалан, Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи асосида ишланган ақойиб пьесасида Икромма Болтаева Нури образини бойлигининг кучини синовдан ўтказайтган тулқак, ҳийлакор қилиб яратди. Спектаклда Икромма Болтаева — Нурининг Шукур Бурҷонов — Йўлчи билан учрашгандаги узум сахнаси томошабин хотирасида бир умр сақланиб қолади. Нури Йўлчига бир шингил узум тутиб: «Олинг!» деб қистайди. Уялганидан унга тик боқолмаётган Йўлчи тортинибгина қўл узатганида Нури шайтонлик қилиб, узумини олиб қочади ва бу ҳаракат бир неча бор такрорланганида, залда гурра-гурра кулги кўтарилади.

Актриса яратган ҳар бир образда унинг ўзигагина хос жозиба, комик характер яққол кўзга ташланади. Масалан, Икромма Болтаеванинг «Ревизор» спектаклида (Н. В. Гоголь асари) яратган — эрга тегишдан бўлак мақсади йўқ, енгил табиат, беғаро-сат Мария Антоновнаси сахнага серрайиб чиққанида томошабин юзиде истеҳзоли кулги пайдо бўлади.

— «Ревизор»ни ақойиб режиссёримиз, Ўзбекистон АССР халқ артисти Александр Осипович Гинзбург санъатлаштирган эдилар, — деб хотирлайди актриса, — ролимнинг муваффақиятли чиқишида режиссёрнинг ҳиссаси катта бўлган. Репетиция пайтида образ ҳолатини чиқаролмай роса қийналдим. «Бўлмайти-ку!» деверардим. Ушанда Александр Осипович: «Икромма, бошингга гугурт қутисини қўйиб олгин. Утирганингдаям, турганингдаям, юрганингдаям тушириб юборман», деганлар. Айтганларини қилдим. Ҳақиқатда бу нарсга образ ҳолатининг очилишида яқша ёрдам берди.

Уйғунинг «Парвоза» спектаклида Икромма Болтаева ўйнаган Марҳамат роли, гарчи бош роль бўлмасда, қиёфаси, хатти-ҳаракати билан кўз олинганда қолади.

Икромма Болтаева — элнинг дилдаги актриса. Бунга у яратган Ойқонбиби (К. Яшин, «Инқилоб тонига»), Ситора (Уйғун, «Абу Али ибн Сино»), Ҳамдибону (Т. Мингулин, «Алманда»), Глумовага (Н. Островский, «Ҳар тўқисда бир айб») ўхшаш қатор оналар образи мисол бўла олади. Ана шундай мунис онахонларнинг нури сиймосини яратгани учун актриса Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Актрисанинг юксак диди, миллий ҳажани нозик ҳис этиши, комедик образлар яратишида айниқса қўл келади. Унинг доим қилиб боқувчи кўзлари, очик хечраси, талаффузининг бурролиги ва соддадиллик билан айтган гаплари томошабиннинг қулгисига сабаб бўлади.

Ўзбекистон ССР халқ артисти Икромма Болтаева кучли характери олинган кўзга дарҳол ташланадиган куюк бўёқлар билан тасвирланади. У образ мукаммаллигига билинар-билимас штрих ва аниқ нишонга олинган ҳаётий қочиримлар билан эришади.

Чорак асрдан буён театр бошлангич партия ташкилотининг секретари, 20 йил мўбайинда Тошкент шаҳар партия комитетининг аъзоси ва бир неча қаҳирлик давомида область Совети депутатлигига сайланган ҳозиржавоб коммунист, ақойиб сахна устаси Икромма Болтаева замон билан баравар одимлаб, театрда яратган образлари орқали ўзбек сахна санъати раванқига катта ҳисса қўшиб келаётир.

Марва ЖАЛОЛИДДИНОВА

# ОЗОДЛИК КУРАШЧИСИ

Асл шоир ҳамisha ўз тақдирини она халқининг азгу мурод-мақсадлари — ўзинг эрки, озодлиги, бахти йўлига тинади. Чилининг оташини куйинчи «Халқлар ўртасида Тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти лауреати Пабло Неруда ана шундай чинакам шоир эди.

Пабло Нерудани жаҳон афкор оммаси Совет Иттифоқини жон-дили билан севган, Ленин гоёларига умр бўйи садоқат билан хизмат қилган коммунист сифатида ҳам яхши билар эдилар. Пабло Неруда гўзал Ўзбекистонимизда бўлган, уни севиб қолган, ўзбек шоирлари, адиблари билан дўстлашган эди.

Бугун мангу барҳаёт шоир, халқимизнинг азиз дўсти Пабло Неруда тирик бўлганда, 80 ёшга тўлар эди.

Биз ўзинг қуйидаги шеърларини журналхонлар эътиборига ҳавола этамиз ва улуғ Чили шоирининг хотирасини эъзозлаймиз.

## Пабло НЕРУДА

Мен туғилмаган мамлакатлар  
кундасида,  
туғилишни билмайдиган мустамлакаларда,  
Бўлғуси наслларнинг тикилмаган байроқлари ичида яшадим,  
Мен азилган миллатларнинг энг оғриқ жойида яшадим,  
Бировнинг нонига қўшиб едим ўз қайғу-ҳасратимни.

\* \* \*

Рекабаррен! сен отамизсан,  
сен — Чилининг ўли, отаси ҳам.  
Курувчи, лоцман, сенинг  
замин кенгликлариди,  
довулларда эр етган меҳнатинг  
келажакнинг зафарли кунларига  
бахш этди қувват.

Сен — Ватан, пампа, халқ,  
пойтупроқ, мактаб ва уй,  
кўзгилон, мушт, кужум,  
тартиб, марш ва буғдой,  
Кураш, буюклик, зарба.

Рекабаррен,  
сенинг кўз ўнгингда:  
ногирон Ватаннинг яраларига  
малҳам кўраймиз деб,  
ичармиз қасам.

Озодлик,  
таҳқирланган шу тупроқда  
унар тоза гул бўлиб деб,  
ичармиз қасам.

То ғалаба қилмагунча халқ,  
давом эттиргаймиз сенинг йўлинг  
деб,  
ичармиз қасам!

\* \* \*

Синиб ётган тошни кўрсанг,—  
мен ўзинг бўлагиман,  
мен қақмоқ билан,  
тўлқин,  
ер вѳинни билан яқин танишман.

Ҳурмат қил синик тошни.  
Агар йўлда  
олма ўғирлаган болани,  
ёки эски аккордеонли  
гунг чолни кўрсанг,  
шуни албатта эсла:  
мен —  
бола, чол ва олмаман.  
Қамчи олиб қувма болани.  
Чолни урма,  
Олмаларни тўкма дарёга.

## М. ҚУШМОҚОВ таржимаси

Луис Рекабаррен — Чили  
Коммунистик партиясининг асосчиси  
ва доҳийси, 1924 йили хибнаткорона  
ўлдирилган.

## ТОҒ ВА ДАРЁ

Ватанимда юксак тоғим бор,  
Ватанимда бор азим дарём.

Қани юргил мен билан,  
Тун чиқади тоғим устига,

Очлик тушар дарём қасдига.  
Қани юргил мен билан.

У ерларда азоб чекар ким?  
Ким бўлмасин ватандошим-ку!  
Қани юргил мен билан.  
Тинглаяман — келмоқда овоз:  
«Эзмоқдадир изтироб, азоб».

Қани юргил мен билан,  
Улар дейди: «Биз сенинг халқинг,  
Сенинг халқинг бебахтир ғоят.  
Кутаямиз — оёққа қалқи,  
Азобларга бўлсин ниҳоя —  
Умид, очлик оралғида.  
Тоғ ва дарё оралғида!»

Қани юргил мен билан.

Оппоқ-оппоқ жавдарим ҳаққи,  
Олтин бошоқ-буғдойим ҳаққи,  
Кураш бўлғай шиддатли, шаксиз,  
Бу тақдирнинг қудрати — шаксиз!  
Сен кетасан мен билан!

## Азим СУҲОН таржимаси

Ҳар не-да сен мени рад этдинг, аммо  
Шунда ҳам бу ишқим мангу, бари бир.  
Холбуки кўзонди — шу ер, шу само  
Икков бирга-бирга қараймиз ахир.  
Ойдин вужудингда ялтирар пинҳон  
Томирнинг, асабнинг титроғи ошқор.  
Мени оғушига олган беомон  
Шамоллар сесида иснинг барқарор,  
Ҳар не-да сен мени рад этдинг, бироқ  
Сен менинг кўзимсан, сен менинг сўзим.  
Омад ёр, мен кўриб турибман порлоқ  
Кўзинг эркалаган далани шу зум.  
Сендан айирмас ҳеч мени айрилиқ,  
Қар қилмас, кўр қилмас, ололмас қушни,  
Қушлар галасида топарман аниқ



## ҚАФАСДАГИ ВАТАН

Чашмаларим чашми сен ишқ ва баҳорий боғим,  
Менинг соғинчлариму дардларимнинг Ватани,  
Қизил қонин сомиқда уч рангдаги байроғинг.  
Бандихона сиртмоғига осилиб қолган танинг.

Қора қисмат қўлида сен-тириклик сийғи,  
Сенинг асло бўйсунмас юрагингнинг гулҳони,  
Мудофаа майдони, Ранкагуа маёғи  
Ками зулмат қўйинда ловуллаб чорлар мани.

Сенинг ҳам мазорингда тирилгай ахир баҳор,  
Парчаланур бу куллик, кишанлар парчаланур,  
Кул бўлур занжиру гул, тор-мор бўлур ғаним,  
Ҳақ жангида топилган эркинликда пойндор,  
Яна куйлар шодумон, яна куйлар у мағрур  
Сенинг янграқ овозинг, қафасдаги Ватаним.

\* \* \*

Даха алангасига йўрғақлайдир сени нур.  
Довдираб ҳам гезариб қотдинг ютиб нафасинг.  
Кўз ўнгингда ёлғиз сен, атрофингда кўринур.  
Тунолдининг чириган паррагин айланаси,  
Дўстим, қотиб қолдинг сен ва сукут сақлаб

тиндинг,

Сен ёлғизсан ўлимнинг ёлғизлик соатида,  
Меросхўрсан тоза куйиб кул бўлган кунинг,  
Ўзингга олдинг ўлган нурларнинг ҳаётидан.  
Қора пешинга тушди уфнинг бир шингили.  
Сенинг юракларингдан зулмат ичра ниғорон,  
Ташқарига умтилар, илдишлар излар йўлин,  
Сенинг гул, зиндонингда азоб чеккан оломон,  
Кўрурсанми мана бу кўхарган элат қўлин,  
Ҳали униб улгурмай эмар сени беомон?  
Ўзининг шиддатида серпушт кул ва асир,  
Олтин ва қароликнинг масканидан бўлурсан,  
Айланурсан, дўнурсан шундай тирик асарга  
Гуллар-да соқовланар, сен соғинча тўлурсан.

\* \* \*

Мовийлик қўйинда сен кўрган қушни,  
Ҳар не-да, бари бир рад этдинг мени,  
Муруват кутмасман сендан бу ёғи,  
Кумуш ирмоғи-ла қаҳқаҳанг сенинг  
Учираолмайди сахром чанқоғин.  
Сунмиш қаҳқоғини рад этдинг-ку сен,  
Аммо суйганингни олқайдир дилим.  
Менинг ачиқ севғим болга айлансин  
Сенинг ул севғилинг учун, севғилим.  
Лекин бу тун... Кўйда бир юлдуз уйғоқ..  
Билурман, боғлиқман унга бир умр.  
Ҳар не-да сен мени рад этдинг, бироқ  
Барчаси учун ҳам сенга ташанкур.

## Рауф ПАРФИ таржималари



# БУГУНГИ АДАБИЁТИМИЗ ТАЛҚИНЛАРИ

Филология фанлари доктори Пирмат Шермухамедовнинг «барчадин яхшироқ ҳаёт гули...» ҳамда «Ўзбекистонда болалар адабиёти» (рус тилида) чоп этилган адабий-танқидий мақолалар тўпламлари таҳлил қамровининг кенглиги, аниқ илмий ҳулосалари билан диққатга моликдир. Ҳар иккала китоб ҳам ҳозирги адабий жараённинг муҳим шохобчалари таҳлиliga бағишланган.

«Барчадин яхшироқ ҳаёт гули...» уч қисмдан иборат. Китобнинг «Жараённинг ўзига хос йўллари» қисмида мунаққид кейинги йилларнинг ибратли маъсуллари бўлмиш ўзбек ва қорақалпоқ романлари хусусида фикр юритиб, асосий диққатини тарихий мазсуларга яратилган асарларга қаратади. «Меъмор», «Улғубек хазинаси», «Қорақалпоқ достони», «Юлдузли тунлар», «Мангулик» каби романлар хусусида фикр юритар экан, муаллиф қисий таҳлилни биринчи ўринга олиб чиқиб, қардош халқлар адабиётида яратилган «Парвоз» (М. Иброҳимов), «Ўтна ёки грузинларнинг заводи ва камоли» (И. Абшидзе), «Синган қилч» (Т. Қосимбеков) каби романларнинг ютуқ-камчиликлари хусусида ҳам тўхталади. Бу эса тадқиқотчига ўзбек тарихий романчилигининг асосий хусусиятлари, умумиттифоқ адабиётидаги ўрни масалалари ҳақида салмоқли сўз айтиш имконини беради.

Муаллиф ўзбек тарихий прозасининг учинчи тўлиқинига мансуб Ҳамид Ғулум, Мирмуҳсин, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Тўленберган Қайбергенов каби ёзувчилар асарларидаги тарихий ҳақиқат ва баъдий тўқима, рўҳий тасвир қуюқлиги, тарих ва бугунги кун муаммолари сингари бир қатор масалаларни тадқиқ объект қилиб олади. Айниқса, «Улғубек хазинаси», «Меъмор» романлари таҳлиliga бағишланган ўринлар ўзининг теранлиги билан алоҳида ажралиб туради. Мунаққид маъзур

романлар хусусидаги ўз фикрларини ўртоқлашар экан, бир қатор танқидчиларнинг фикрларига ҳам муносабат билдириб кетади. Бу жиҳатдан олганда, авторнинг У. Норматовнинг «Меъмор» ҳақидаги айрим мулоҳазаларига эътирозлари характерлидир.

Мунаққид тарихий фактларнинг моҳияти юзаси тақлин этилган, айниқса халқларнинг ўзаро муносабатлари нотўғри кўрсатилган «Кенасари хон» (И. Есенберлин), «Утрон» (А. Олимжонов) каби асарлардаги жиҳидий нуқсонлар ҳақида гапириб, материаллар билан атрофлича танишмасдан туриб асар ёзишга киришиш, асосий ва ноасосий фактларни илғай билмаслик оқибатида келиб чиққан турли муаммолар Я. Илёсовнинг «Морбоз» асарига ҳам учрашини таъкидлайди. Мунаққиднинг ҳолислиги шунда кўринадик, у асарга баҳо бераётганда фақат бир томонини — ё ютуғи, ё камчилигини танаб олиб ҳукм чиқармайди, балки мавжуд асарнинг ҳар иккала хусусиятини тарозининг палласига тенг қўяди.

Рисоладаги Т. Қайбергеновнинг «Қорақалпоқ достони» трилогияси таҳлиliga бағишланган мақолалар туркуми катта тайёргарлик ва қалб ҳарорати билан ёзилган. Бунда муаллиф фақат тология ва унда кўтарилган масалалар доирасида қилиб кетмайди, трилогиядаги тарихий фактлар билан илмий адабиётларда исботланган фактлар ўртасидаги боғлиқлик томонларига ҳам диққатини қаратиб, шу орқали ёзувчининг тарихий фактлардан фойдаланишидаги ўзига хос услубини аниқ мисоллар асосида ҳам кўрсатиб беради.

Рисоланинг иккинчи қисми «Қаҳрамоннинг маънавий олами» деб номланади. Бунда муаллиф замондошларимизнинг ҳаёти ҳар томонлама тақомиллашиб, уларнинг баъдий асарларга бўлган талаб ва эҳтиёжларининг ҳам уфқи кенгайиб бораётганлигини таъкидлаш билан ёзувчининг халқ ва адабиёт олиндаги бурчи масалаларига диққатини жалб этади. Айниқса, мунаққиднинг кейинги йиллар прозасида яратилган коммунистлар образи ҳақидаги фикрлари ўзининг ҳаётийлиги, жонлилиги билан ажралиб туради. Ҳозирги ёшларга маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳам, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ҳам ўрнак бўла оладиган

образлар керак. Бас, шундай экан, замондошларимизга баъдий кўзгу бўладиган ижобий қаҳрамонларнинг жонли образларини яратиш ҳозирги замон ёзувчисининг бурчидир.

«Мангулик»даги Маъсуд ҳар жиҳатдан ёшларга ўрнак бўладиган коммунист образидир. Мунаққид ўзида 20-йиллар коммунистларига хос асосий ижобий фазилатлари мужассам эта олган бу образ ҳақида гапирар экан, ёзувчининг «Машъал» дилогиясида чизилган коммунистлар маънавиятини ҳам назарда тутган ҳолда ўз мулоҳазаларини баён қилди. Маъсуд ва Ботирали образларига хос умумий ва хусусий томонларини ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Мақоладаги «Чотқол йўлбарси» романида тасвирланган коммунистлар образи таҳлиliga бағишланган ўринлар ҳам ҳарорат билан ёзилган.

Мунаққиднинг кичик проза жанри ҳақидаги ўйлари ҳам ўқувчида қизиқиш уйғотади. Маълумки, кейинги йилларга келиб умумиттифоқ адабиётида ҳикоя жанрига эътибор бир қадар сусайиб, катта бўғинга мансуб ижодкорлар кўпроқ роман, повесть жанрига мурожаат қила бошладилар. Бу эса бир қатор ташвишли ҳолатларни юзасига келтирди. Мана шу бўшлиқни тўлдирish масъулятини ёшлар ўз зиммаларига олдилар. Бундай ҳолни ўзбек прозасида ҳам кузатиш мумкин. Мунаққид ёшлар ҳикоячилигининг ўзига хос сифатлари ҳақида гапириб, ҳикоянинг мураккаб жанр эканлиги, унда талант имкониятларини кўрсатиш анча қийин қўшишни ҳам эътироф этади, ёшлар ҳикоячилигининг айрим сифатлари ҳақида баҳс юритади.

Китобнинг «Портретларга чизилар» қисмидаги «Энг ноёб нарсас», «Сени танимудан олам сирга тўлди» мақолалари анча пишиқ ёзилган. «Инқилоблар замони эди...», «Истиқбол шайдоси» чизилари Мухаммад Али ва Ҳожиакбар Шайхов асарларига хос айрим хусусиятлар таҳлиliga бағишланган. Мунаққиднинг «Умид муҳаббатдадир...» китобида ҳам улар ижодига бағишланган эсда қоларли чизиларни учратган эдик. Шунини айтиш керакки, ҳар иккала мақола ҳам аввалгиларнинг такрори эмас, балки уларнинг мантқий давоми бўлиб, муаллиф бунда аввал айтган фикрларини ривожлантиради, тўлдирди.

«Ўзбекистонда болалар адабиёти» китоби тадқиқотчининг узоқ йиллар олиб борган изланишларининг самараси сифатида қимматлидир. Китоб машҳур болалар адаби Сержей Михалковнинг мунаққид тадқиқотларининг ўзига хослигини кўрсатувчи ихчам кириш сўзи билан бошланади. Таъкидлаш мумкинки, рисола П. Шермухамедовнинг болалар адабиёти тараққиётига бағишланган аввалги тадқиқотларининг давоми бўлиб, ўзининг бир қатор томонлари билан улардан ажралиб туради.

Мунаққиднинг ўзбек совет болалар адабиётига бағишланган тадқиқотлари республикамиздагина эмас,

умумиттифоқ миқёсида ҳам эътиборли ўринни эгаллайди. «Детская литература» журнали саҳифаларида эълон қилинган болалар адабиётининг долзарб масалаларига бағишланган проблематик характердаги мақолалари мутеҳасирлар диққатини тортди, уларга қўлчилик таъкидчилар ўзларининг ижобий баҳоларини бердиларки, бу, албатта, мунаққид изланишларининг самарали бўлаётганидан далолатдир. Тадқиқотчининг қизиқтираётган масаланинг миқёси кенг. Шундан бири ўзбек совет болалар адабиётининг шаклланиши ва тараққиёти этиш йўллари ўзига хослигини ўрганишдир. Автор тўпламдан ўрин олган бир қатор мақолаларда кейинги пайтларга келиб, совет адабиётшунослиги ва танқидчилигида адабиётлар шаклланиши ва тараққиётидаги умумий хусусиятларни ўрганишга тобора кўпроқ эътибор берилаётганлигини кўрсатиб ўтади. М. Храпченко, И. Неупокоева каби олимларнинг бу соҳадаги фикрларига таянган ҳолда ўзбек совет болалар адабиётининг шаклланиши, тараққиёти ва шу қуллардаги аҳволини мана шу йўсида текшириш масалаларини қўяди. У ўзбек совет болалар адабиёти олинда турган муаммолар ҳақида гапириб, болалар шеърляти ва драматургияси ҳаётнинг бугунги талабларидан анча орқада қолаётганлигини эътироф этади. Ҳали ҳам қичкинтойлар шеърлятида қуруқ ўғит-болик ўз ўрнини реалистик тасвирга бўшатиб бераётганлигини куйинчақлик билан таъкидлайди. Болалар адабиёти танқидчилигининг ривожига болалар адабиёти тараққиётига ижодий таъсир кўрсатиши лозимлигини айтди.

Кейинги ўн йил ичида анча қизган тус олган мунозараларий масалалардан яна бири болалар адабиётининг ўзига хослиги, адабиётдаги дидактизм масаласидир. Дидактизм никоби остида қуруқ насихатбозликдан нарига ўта олмаслик болалар ёзувчиларининг ўз устиларида пухта ишламаётганликларидан, фан ва техника ютуқларидан етарли даражада қардор эмасликларидан, тараққиётдан орқада қолаётганликларидан далолат беради. Муаллиф масаланинг мана шу томонларига ҳам диққатини қаратар экан, болалар ёзувчилари билан танқидчилари ўртасидаги айрим келишмовчиликлардан қутулиш лозимлигини ўқтиради.

Шу нарсани ҳам таъкидлаш керакки, мунаққиднинг ҳар иккала китоби ҳам бугунги адабиётшунослик талаблари савиясида ёзилган бўлиб, далилий материалларга бойдир. Тўғри, айрим ўринларда қайтариқлар, маълум асарлар таҳлиliga керагидан ортинча ўрин бериш ҳоллари ҳам учраб туради. Лекин умуман олганда, ҳар иккала тўплам мунаққиднинг ижодий ўсаётганлигини тасдиқлаб турибди.

Исмоил ТўЛАКОВ,  
филология фанлари кандидати



## ОХИРИ ВОЙ БЎЛАДИ

Тамаки — инфарктнинг асосий сабабчиси. Утказилган илмий текширишлар

шуни кўрсатдики, инфаркта кўпроқ 45 ёшгача бўлган эркаклар «дучор» бўлмоқда.

Инфарктнинг оғир кўриниши тамаки чекишни эрта бошлаганлар орасида кўпроқ учрайди, деб таъкидлади шифокорлар. Хўллас, тамаки чекишининг охири вой бўлади.

## НАЗОРАТ ОСТИДА

Шаронт йўқлиги натижа-сида Англияда бор-йўғи бир жуфт бургут қолган. Шунининг учун ҳам бургутлар

бола очини, уларни парвардилаш ҳуқумат томонидан қатъий назорат остига олинди. Бургутлар уяси қаерда жойлашганиги ҳам ниқоятда сир тўтилмоқда.

## ҚОРОВУЛ ҒОЗЛАР

Шотландиянинг уч юз миллион фунт стерлинг қимматга эга омборини ғозлар сергаклик билан кўриқламоқдалар. Ингирма йилдирик, омборга бирорта ҳам ўғри киролмаган. Агар ўғри киргудек бўлса ғозлар шундай «шоққин» кўтардиларки, ҳар қанча қаттиқ у-

ламасини, қоровуллар уйғо-ниб кетадилар.

## БОЗОРГА ВА

## ОРҚАГА

Афар [Эфиопия] аёллари учун бозорга бориш оғир машаққат ҳисобланади. Чунки саҳро орқали бозоргача бир ҳафта лиёда юрляди. Кундуз кунлари саҳрода ҳам ўғри киролмаган. Агар ўғри киргудек бўлса ғозлар шундай «шоққин» кўтардиларки, ҳар қанча қаттиқ у-

улар жазирамада оғир юк кўтаришни хушлашайди. Агар бозор-ўчар билан эр-каклар шуғулланишса, айни муддао бўлур эди. Начора, одат-одат экан-да! Афарда яшанба кун бозорда савдо қилиш аёллар зиммасига юкланган. Энг муҳими, юкин тўлагичча бозорга омон-эсон етказиш-да. Манзилга етгандан кейин аёллар ва-зифаларини бир лаҳзада бажаришади: терини — доғга, мол ебани — ўсимликка, сутини — сабзотга алмаш-тиришади. Шундан кейин аёллар туяларни эгарлаб орқага қайтишади. Ордан бир ҳафта ўтгач, улар уйла-рига етиб келишади.

# МАКТУБЛАРДА ДАВР НАФАСИ

## ИНҚИЛОБ ХИЗМАТИГА ҲОЗИРЛАНИБ

[Фаргона округ профсоюз клуби қошидаги ҳаваскор ўзбек труппаси коллективи номидан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ёзган талабнома]

«Биз, ҳаваскорлар тўдаси ҳар бир нарсадан орқада қолган темирйўл ишчиларини «Саное нафиса» воситаси билан олдимиздаги инқилоб кўрсатган бирликка қақирмоқ учун тўпланиб, шу хизматга ҳозирланганмиз. Лекин биринчи томондан ўзимиз ҳам аҳлимизга яраша илмий кучдан ёш, ҳам заиф бўлиш билан бирга юрғузиданги ишимиз моддий томонининг ортиқ даражада қуп-қуруқ бўлиши бизни гоёт оқсатиб келмакдир. Хусусан, бизга раҳбардан ташқари саҳналарда тажриба кўрган, концерт бўлимларимизда бошчи ашуланимиз ва зўр ролларда иштирок этадиган ҳамда режиссёрларимизга муовин бўлувчи бир одам, ҳам хоним ролини ўйнаб туришга бир ўзбек хотини билан, лоқал уч нафар четдан кирувчилар бўлмағонда труппамиз бош идорангиз куткан вазифаларни мукамал ўтаёлмаслиги уч мартаба қўюлгон театримизда очик кўрулди. Мана шунга бир қанча тубанда кўрсатилган, тажрибада кўрулгон шароитларни кўрсатиб сўраймиз. Бизга тезлик билан шул кўрсатилган тилакларни вужудга чиқариш учун бош идораларимиз ёрдам қилсунлар эди.

1. Бизим ўзбек турмишига доир пьесаларни ўйнамоқ учун ҳар хил ўзбек кийимлари ва рўзгор асбоблар керак бўлб тураду. Булар клубда бирор донга бўлса ҳам топиладмайди. Артистлар бўлса ҳаваскор бўлуши билан бирга қўл учда кун кирувчи бўлганликдан иқтисодлари

кўтармайди. Чет кишилар пулсиз бермайди. Ҳар театрда ижарага олса, давлатнинг иқтисодий режасига катта зарар бўлғусидур, мана шу сабабларга эътибор этиб, бир қатор мазкур кийим ва асбобларни, ҳозирламоқ учун энг озида юз сўм ақча берилсун эди.

2. Концертларимизда хор бошлиқ вазифаларини ўтовчи, ҳам катта ролларда иштирок этиш билан бирга режиссёримизга хасталиқ ва шунга ўхшаш табиий ва ғайри табиий ҳодисалар тушкан чоқларда ишимиз тўхталмасун учун муовинлик ва операларда иштирок этувчи икки нафар артист ва хонимлар ролда иштирок этиш учун, лоқал бир ўзбек хотин билан уч кишига темир йўлдан қандай хизмат билан тўзим этилиш чорасини кўрулсун.

Маълумки, бизнинг тўдамиз ҳаваскор бўлганликдан ойлик бера олмайди. Бекорга ундай ишчилар иштирок этмайди. Бундай муҳим кўчлар бўлмағонда бизни(нг) тўдамиз иши кўнсуз бир тўда бўлб, ҳеч бир қандай кўчлик натижа чиқмайди. Мана шуларни назар эътиборга олиб, тезликда уч ўртоққа темир йўлдан иш бериш йўли билан тўзим чораси кўрулсун.

3. Бизим Ўзбекистон ёзувчиларга гоёт камбағал, саҳна материаллари кечдан ташқари кўнсуз бўлиш билан бирга ҳаққимиз, хусусан, бизнинг темир йўл рабобчилари саҳна тамошасидан гоёт бебаҳра қолгондурлар. Буларни саҳнага жалб қилиш, қизиқтириш учун бизга янги-янги кулгулик драмалар, музикалик оперетталар ва опералар, янги хор ва ашулалардан ишни бошлашга тўри келаду. Мана шунинг учун биз бундай нарсаларни марказ нашриётдан гоёт кам учратуримиз. Бизга буни ишлаб чиқаруви-

эътиёжларимизни секин-секин ўтаб, кўзлаган тилагимизга оқсамай ета олуримиз.

1919 йил.

## ТАШКИЛОТЧИ СИФАТИДА

[Ҳамза Ҳакимзоданинг музофот труппаси ишлари ҳақида ёзган мактуби]

«Ахтор! 7-сентябрдан бери музофот труппасидан музофот труппаси ташкил этув учун мени таини қилган бўлсалар-да, бугунгача шул хизмат ҳаққинда ўтган турли воқеаларни мукамал ёзувни бошқа вақтга қўйб ҳозирда қисқагина уларни(нг) музофотга чиқишлари тўғрисида ахтор ёзувни лозим топаман. 10 февралда музофотга мен ташкил этган труппа чикса керак, лекин менимча труппанинг ҳозирлиги ғайри расмий бўлб чиқаду. Чунки бирёқдан артистларнинг ҳозирликлари учун моддий жиҳатнинг қисилуви бўлса, иккинчи ёқдан онг-билми қўмита бошида ўтурган ўртоқ Тўқоюф (Лесневский)нинг менинг фикримга сад чекиб келувадир. Аз жумла, баъзи 19-йилдаги артистлардан ўртоқ Ризоюф ва Муратовларнинг труппада бўлувларига музойиқа кўрсатув қолуви гоёт қизиқ бўлди, чунки труппада ҳар вақт тажрибикор артистлар қўпчилик бўлгонда тақмил топар эди. Мен бир ташкилотчи бўлув сифатим билан аста-аста труппани тақмил этиб, ундан сўнг музофотга чиқару менинг вази-

## АВВАЛГИ МАСЛАҲАТГА БИНОАН

[Сандносир Миржалиловнинг Ҳамза асарларини бостириш юзасидан ёзган мактуби]

«Муҳтарам Ҳакимзода афанди!  
26-январда ёзмиш очик мактубингизни олдим, раҳмат, эскарувингиз учун. «Пушти гул» ҳам «Заҳарли ҳаёт» рисолачаларни бостириув тўғрисида, аввалги мусоҳибимизга биноан, муурожаат қилибсиз. Хўб, жуда яхши. Ҳозир қанча задатка керак бўлур? Узингизга қалам ҳаққи қанча таъйин қиласиз? Узингиз мактабчилар ила муомала қилурсиз. Мактуб ёзингиз. Эътиром ила Сандносир.

1917 й.

## «ФАРҒОНА ФОЖИАСИ»НИ ЎЙНАМОҚЧИ ЭДИК

[Муҳиддинқори Еқубов ва Фозилхожиевларнинг Ҳамзадан «Фаргона фожиаси» пьесасини сўраб ёзган мактуби]

Баъда алҳамд сиз биродар Ҳамзахон афанди ҳузур шарифларига етуб маълумлари бўлғайки, биз каминалари Хўқанд, Искбилуларни тамом саёхат қилиб, ҳозирда Андижонга келиб, ҳафтаси байрамда бўладиган вазифаларимизни тамом қилиб, ҳозирда Жалолободга бормоқчи бўлб турубдуришимиз ҳамда қайтиб Андижонга «Фаргона фожиаси» ни 1-бўлим, 2-бўлимини ўйнамоқчи эдик, лекин камина Фозилхожиев ўз материалларини проверка қилиб кўрса, мазкур пьеса йўқ, ўртада ниҳоятда катта инқилоб бўлб, кўб хафа бўлдук. Сўнгра ўртада маслаҳатдин Умаровни юбориб, мазкур пьесаларни олиб келмоққа қарор бердук, албатта. Албатта шу икки пьесани бериб юборсангиз, ниҳоятда кутуб турбумиз. Мазкур пьесаларни, икки донга мазкур муқовадан ҳам бериб юборинг деб илтимос қилғувчилар.

Биродар(ларингиз)  
Муҳиддинқори, Фозилхожиев.

30 июнь, 1920 й.

## Тадқиқот, кашфиёт, ахборот

лари билан келишиб, топишга тўғри келиши ҳаммага маълумдир. Шунинг учун бундай асарларга клубимиз ёрдам қилсун ёки труппанинг шундай моддий эътиёжларини кўтариш, тўзим этиш учун хоҳ клубимизда, хоҳ тайёрлик қўриб, қайси бир жойларда бўлмасун, пулли кечалар, театрлар қўюш учун ижозат ва ёрдам кўрсатилсун. Ул вақтда биз ҳамма

сақланиб келинаётган бу бой мерос — Ҳамзанинг босиб ўтган шонли ва машаққатли йўлини ёритиб беришчи, социалистик маданиятнинг оташин арбобларидан бири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий қўлёзма меросининг иккинчи жилди ҳам нашрга тайёрланди. УзССР Фанлар академиясининг Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг ёзувчилар фондида

фам бўлса-да, ҳозирги чиқишда менинг ризолигимдан ташқари бўлганликдан труппани ҳозирлиги расмий деб кўрса олмайман.  
Музофот труппа ташкилотчиси

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 19- $\frac{7}{2}$ -25й..

1 Ахтор — изоҳ.

ва рассом сифатида гавдаланади. Шоирнинг бой адабий мероси кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш, социалистик маданиятни ривожлантириш, халқларимиз ўртасида дўстликни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бу ажойиб қўжатларда Ҳамзанинг эстетик қарашларини очиб беришчи материаллар, санъатнинг партиявийлиги, совет санъати-

нинг қандай бўлиши кераклиги кўрсатилган қимматли мулоҳаза ва умуман санъатшуносликка онд кўп фикрлар бор. Ана шулардан айримларини ҳурматли журналистонлар диққатига ҳавола қилмоқдамиз.

Сайдбек ҲАСАНОВ,  
Филология фанлари кандидати

Одам таомни ейди, лекин ҳаддан ташқари кўп ейилган таом одамни ейди.

Ҳар кимгаки кўп таом емак фандур, Билгилки, касалликка тани маскандур.

«Бир жойда қимирламасдан ўтириб ва тана аъзоларини ҳаракатлантirmасдан ақлий меҳнат билан шуғулланиш — чинакам бахтсизликдир. Бирор кунгина пиеда юрмасам, қўл ва оёқларимни ҳаракатлантirmасам, кечкурун ҳеч нарсага: ўқишга ҳам, ёзишга ҳам, ҳатто бошқаларнинг сўзини тинглашга ҳам ярамай қоламан, бошим айланади, кўзларим жимирлайди, туним уйқусиз кечади.

Ҳар жиҳатдан соғлом бўлиш учун одам ўзини ҳамيشа жисмонан чиниқтириб юриши позим...»



## Матч қизиқарли бўлади

Жаҳон биринчилиги учун ўтказилган навбатдаги матчда совет гроссмейстерлари москвалик Анатолий Карпов билан бокулик Гарри Каспаров баҳс юридаган бўлди. Ҳўш, Каспаров бунга қандай эришди!

1980 йили, 17 ёшида гроссмейстерлик даражасига кўтарилган Гарри Каспаров шахмат оламида тобора танила борди: 1981 йили СССР чемпиони бўлди, кучли халқаро турнирларда бирин-кетин биринчи соvrинларни кўлга киритди. 1982 ва 1983 йилларнинг энг яхши шахматчиси сифатида иккита Оскар мукофотини кўлга киритди. Тож талабгорлари туркум мусобақаларининг дебютанти саралаш мусобақаларининг барча босқичларидан муваффақиятли ўтди. Тож талабгорлари ярим финал матчида (Лондон, 1983 йил) В. Корчойини йирик ҳисобда мағлубиятга учратган Г. Каспаров ўз шахсий коэффициентини жаҳон чемпиони А. Карповниқидан ҳам оширишга муваффақ бўлди. Шахсий коэффициент — шахматчиларнинг турнирлардаги иштироки натижаларининг математик ифодаси бўлиб, доимо ўзгариб туради. Ютуқ қанча кўп бўлса, шахсий коэффициент ҳам шунча ошиб боради. Математик ҳисоб шунки кўрсатган эдики, ўз шахсий коэффициентини сақлаб қолиши учун Каспаров Вильноусдаги финал матчда ҳамиде имкониятдаги очколарнинг 63 процентини олиши керак эди. Каспаров буни ортиғи билан, яъни 65,4 процент қилиб бажарди.

— Мен финал матчда галаба қозонишингизга эмас, балки бирон марта ҳам ютқизмаслик инияти билан курашга кирган эдим,— деди Г. Каспаров мусобақа сўнгида.— Модомики, асосий мақсад Карпов билан бўладиган матч экан, шунга эришмоқ мақсадга мувофиқ эди. Жаҳон чемпиони камдан-кам бой берадиган шахматчи. Тож масаласида у билан муваффақиятли курашиш учун эса иложи борича ютқизмаслик йўлларини топш, шунга амалий шайланиш даркор.

Жаҳон биринчилиги учун бўлиб ўтган матчлар орасида 1927 йили Вуэнос-Айресда ўйналган Капабланка — АLEXIN матчи алоҳида ўрин тутди. Матчда жами 34 партия ўйналиб, шундан олтиасида АLEXIN, утасида эса Капабланка ғолиб чиққан. Дуранглар шартга

кўра инобатга олинмаган.

Бўлажак Карпов — Каспаров матчининг иштирокчиларининг кучи, аҳамияти ва мусобақа шартларига кўра, ўша Капабланка — АLEXIN баҳсига қиёс қилиш мумкин.

Ҳалигача ҳеч ким 21 ёшида жаҳон чемпионлигига асосий талабгор бўлиб чиқа олмаган. Жаҳон чемпионларининг кўпчилиги 33—37 ёшида бу юксак ўнвоғна сазовор бўлганлар. Анатолий Карпов эса 30 ёшида бир эмас, уч карра жаҳон чемпиони бўлди. Карпов — Каспаров матчининг мухлис мутахассислар уч йилдан бери кутардилар. Улар ҳозиргача уч марта учрашган, лекин ҳисоб очилмаган. Учала учрашуви ҳам уч йил муқаддам ўйналган. «Яқин орада улар энг юксак даражада баҳс юридадилар», деб машхур гроссмейстер ва шахмат журналисти Сало Флор (1908—1983) баъшорат қилган эди.

Табиики, жаҳон чемпиони ортиқча мактовларга муҳтож эмас. Чемпионликдан ташқари, Карпов йилнинг энг яхши шахматчиларига бериладиган Оскар мукофотига сажкиз марта сазовор бўлган.

Гарри Каспаров эса яна ҳам ёш, шиддатли, ҳиссийти кучли.

В. И. Лениннинг таъбирича, шахмат — аюбий ақл гимнастикеаси бўлиб, унда фан ва санъат уйғунлашгандир. Ҳа, у боқий ижодкорликнинг бой элементларини ўзида мужассамлаштирган. Аммо биринчи навбатда шахмат — курашдир. У спортнинг бошқа турлариде учрайдиган курашлардан фарқ қилади. Бу — ақл кураши, маънавий сабот кураши!

Қуйидаги партия бу фикрларнинг исботи бўла олади.

### Г. КАСПАРОВ — В. СМСЛОВ

1. d4 d5 2. Kf3 Kf6 3. c4 с6. 4. Kc3 e6 5. Cg5 Khd7 6. e3 Фe5 7. cd K:d5 8. Фd2 Cb4 9. Лc1 e5!


Матч давомида гроссмейстерлар учинчи марта фарзин гамбитининг кембриж-спринг номи билан юритилуви вариантини синодан ўтказдилар. Бирок тўққизинчи юришда СМСЛОВ матчининг учинчи партиясини такрорлашдан воз кенди: 9... 0—0 ўрнига бу сафар 9...e5! йнади. Бу янгилки Каспаровни безовта қилолмади: 10 минута ҳайлаб, бокулик гроссмейстер чеккадаги пиедаси билан жийдий жавоб юриши қилди. СМСЛОВ эса хатога йўл ҳўйганлигини пайқайди.

10. a3! Cd6 11. de K:e5 12. K:e5 C:e5 13. b4 C:c3.

14. Фc3! Кутилмаган ва чиройли бу юриши билан Каспаров томошабинларни беҳад қувонтирди. СМСЛОВ бу юришини кўзда тутмаган бўлса керак. Фарзинлар мажбуран алмашди.

14... K:c3 15. ba K:e4 16. Cf4. Юзакни қараганда, қораларнинг позицияси дурустдек: чап канотдаги оқ пиедалар «заиф» кўринади. Лекин аслида позициясининг мохияти бошқача. Оқлар бир жуфт

кучли филга ҳамда ярим очик ва очик b, e, d линияларига эга. Бун-



дан Каспаров моҳирона фойдаланади.

16... 0-0 17. f3 Kf6 18. e4 Le8 19. Kf2 a6 20. Ce2 Ce6 21. Lb1 Le7 22. Lhd1 Lae8 23. Lb2 Ce8 24. Lhd2 Ld7 25. L:d7 K:d7 26. g4 Kc5 27. Ce3 Kd7 28. g5 Ke5 29. Cd4 Kg6 30. Kpg3 Kf8 31. h4 Ld8 32. f4 Ce6 33. Ce3 L:d1 34. C:d1 Kd7 35. f5 Cc4 36. h5 h6 37. gh gh38. e5 Kc5 39. Kf4 Cd5 40. Cc2 f6 41. e6 Kpg7 42. Cb4 Kb3 43. Kpe3 c5 44. Cc3.

Шу вазиятда ўйин кенчиктирилган эди. Кейинги қаршилиқлар бейфойда эканлига ишонч ҳосил қилган СМСЛОВ эртасига уни давом эттирмасданок таслим бўлди. Нега? Яхшиси, ўйинни таҳлил қилиб кўринг. Худди шу партиядан кейин матчда Каспаров ғолиб чиқиши маълум бўлиб қолди.

Энди жаҳон чемпионининг имкониятлари хусусида. Жаҳон чемпиони Анатолий Карпов кўпроқ позициявий услубга мойил шахматчи. Ҳатто унинг гроссмейстерларни бутун кўйинлари билан каср олгани ҳоллари ҳам кўп бўлган. Шу билан бирга комбинациялар бобида ҳам тенги кам. Бузил уч карра жаҳон чемпионлигига эриша олармиди!..

Яқинда у аввал Норвегияда, кейин Англияда ўтказилган иккита энг юксак даражадаги халқаро турнирда ғолиб чиқди. У 22 ўйиндан атиги битасини бой берди, холос: тўққизтасида енгиб, ўн иккитасида дуранга эришди. Бу имкониятдаги очколарнинг 70 процентини олди, деган сўз. Юксак натижа!

Қуйидаги партия шу йил апрель — май ойларида Лондонда ўтказилган турнирда ўйналган.

### Я. ТИММАН — А. КАРПОВ

1. e4 e5. 2. Kf3 K:e6 3. d4 ed 4. K:d4 Kf6.

Томонлар ҳозирги шахмат таърибасида камроқ учрайдиган шотландча ўйиннинг кескин вариантларидан бирини ишга солимоқдалар.

5... hс6. e5 Фe7 7. Фe2 Kd5 8. c4 Cа6 9. Фe4 Kb6! 10. Kd2 0-0-0 11. c5.

Оқлар: «Қора шохнинг вазияти унчалик мустаҳкам эмас», деб но-

тўғри ўйламоқда. Бирок тез орада улар ўз шохининг заиф эканлигига ишонч ҳосил қиладилар.

11... C:f1 12. cb Cа6 13. ba Kpb7 14. Kb3 f6 15. f4 fe 16. fe LeB! 17. Cf4 Фh4+!


Жаҳон чемпиони батамом асосли равишда марказда ўралашиб қолган оқ шохга ҳужум бошламоқда.

18. g3 Фh 5. Энди оқлар на кичик ва на катта рокировка қила олади. Қоралар шундан фойдаланади.

19. Лc1 КраВ! Бу юришнинг зўрлиги кейинроқ билинади.

20. h4 d5! Бутун жаҳда бўйлаб ҳужумга ўтиллоқда.

21. Фe3. Агар ҳозир 21. Фc2 бўлса, 21... Le5+ 22. Ce5 Фe5+ 23. Kp12 Cb6 дан кейин қоралар таваккал қилишга мажбур бўлади.



21... g5! Зарба кетидан зарба!

22. C:g5 Cb4+ 23. Kp12 Lh1f+ 24. Kpg2.

24. Cf4 ҳам жонга оро кирмасди:

24... Le5 25. Фd4 Li:4+ 26. g! Le2+ ва теада мот.

24...Le5! Голландиялик машхур гроссмейстер ҳужум шундай тахлитда — шиддатли давом этишини тасавур ҳам қилмаган бўлса керак. 25. Ф:e5 Фf3+ 26. Kp12 27. Фf2+. Оқлар таслим бўлди, акс ҳолда, улар уч юришда мот бўлади. Бу ўша ажиб 19... КраВ! юришининг шарофатидандир.

Ҳа, жаҳон чемпиони билан ҳазиллашиб бўлмайди!

Шу йил 10 сентябрда жаҳон биринчилиги учун А. Карпов билан Г. Каспаров ўртасида матч бошлади. Ҳар икки шахматчи эришган муваффақиятлар шунчалик салмоқдорки, бу жиҳатдан улар бошқа барча шахматчилардан кескин фарқ қиладилар. Агар таъбир жоиз бўлса, бу баҳсини «Аср матчи» деб атаса арзийди. Имкониятлар таҳминан тенг. Энг муҳими, узоқ давом этувчи кураш жараёнида кўпала мухлис мутахассислар дидига монанд аюбий партиялар ўйналади, шахмат назариясига муайян янгилıklar киритилди. Матчининг гоят қизиқарли бўлиши табиий.

Мамажон МУҲИДДИНОВ, СССР спорт мастери, тарих фанлари кандидати

# Чақир- Тинчлик

## КРОССВОРД

Ҳажвия

### ПОРАХЎРГА

Қалбининг энг чуқур қатламларида  
Оддий инсонийлик бўлган бир замон.  
Ҳаётнинг галдаги имтиҳонида  
Сен пора устида йиқилдинг ёмон!  
Порахўр номинг бор, кўпчилик бундан  
Ҳазар қилишади тушда, ўнгиде.  
Аммо «чўзиб турса гумашталаринг,  
Еқор эди бу иш сенинг кўнглингга.  
Эшигинг олдида кутишиб навбат,  
Бир имзо қўсанг бас, битди ишлари.  
Ким агар қистириб юборса жиндай,  
Шартмасди гал кутиб ўлтиришлари!..  
Бир куни эшитдим — бу қандай қор-хол:  
Сен пора устида тушибсан кўлга!  
Бенажот қолибсан, гўё саҳрода  
Дуч келиб қолгандай баҳорги дўлга.  
Начора, ҳаёт бу — қилмиш-қидирмиш,  
Олган пораларинг бўлибдир тузоқ,  
Эшитганлар: «Ажаб бўлибди», дермиш,  
Сени кушандага чиқариб мутлоқ.

Боқимирза УМРЗОҚОВ

Чортоқ



Тинчлик учун берамиз овоз.



### ҲАММА ШУ ЕРДА

(Ҳажвия)

Главбухни сўрар бошлик,  
Жавоб: — Кетганди «ГУМ»га.  
— Эшматов-чи? — Қаёқадир  
Чикқан эди бир зумга.  
— Боқиев-чи?  
— Ҳозиргина  
Юрган эди шу ерда.  
Лўнда гал шу: ўн ходимнинг  
Бари у ер-бу ерда.  
Боягина бир кўриниб  
Қолган эди «ишчан» зам.  
Излаганда қийналишди  
Тополмайин уни ҳам.  
Отланаркан кўча томон  
Бошлик кўнгли хит роса.  
Секретарга дер: — Шунда денг,  
Мени кимки сўраса.

Ўткир САИДОВ



Магазин директори: Уртоқ ревизор, халқ контроли келиб қолди...

Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган

чи ўртасида доим келиб чиқадиган жанжалнинг сабабчиси» дейилган эди.  
Улжабой Тоймасов бу сўзни тополмай роса қийналди. Пешонасини тириштирди, энгасини уқалади, кейин эшикни қия очиб, хотинини чақирди:

— Доно! Ҳой, Донохон!

Ошхонада куймаланиб юрган Донохон кўлида калгир, кириб келди:

— Тинчликми?

— Нотинчлик. Илм билан жаҳолат ўртасида жанг кетаяпти. Хў...ш, бир оз ичиб келсам, доим менга ақл ўргатар эдинг. Қани, донолигингни бир кўрсат-чи... Манзиви кроссворднинг саволига жавоб топиб бер.

Тоймасов саволини ўқиди: «Баъзи сотувчилар билан харидор ўртасида, баъзи шофёрлар билан йўловчи ўртасида доим келиб чиқадиган жанжалнинг сабабчиси». Олти ҳарфдан иборат экан. Биринчиси «Қ». Хўш?

Донохон бир зум ўйлаб турди-да, тўсатдан кулиб юборди:

— Ҳой, шуниням билмайсизми, Улжабой ака, ахир қайтим деган сўз-ку!

Йигирма йилдан бери такси ҳайдаб юрган Улжабой Тоймасов гарангисиб қолди. У қайтими деган сўзни умрида биринчи марта эшитиши эди.

А. ИСОМИДДИНОВ.



— Уйғонинг, хўжайин, ана, қорувул — текширувчилар келишяпти!



## ЯНА ҚАҶВА ҲАҚИДА

Чарчоқ ёки уйқуирашнинг давоси — қаҳва. Шунинг учун қаҳвачалик кенг истеъмол қилинадиган ичимлик бўлмаса керак. Дарвоқе, тадқиқотчиларнинг аниқлашларича, — деб ёзади Испанияда чиқадиган «Камбио—16» ҳафталик газетаси, — қаҳвада кофеиндан ташқари асабини тинчлантирувчи аденозин ҳам мавжудлиги аниқланди. Бу, — деб давом этади газетаси, — инсон вужуди, қон томirlарининг мўътадил ҳолатда бўлишини таъминлашда ҳамда инсонда рўй берадиган атеросклероз касаллигининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

## ЎРТА АСР ТАРОЗИСИ

Тошкентнинг Шоштепа шаҳарчаси қатламида археологлар XI—XII асрга оид ихчам тарози топиб оlishди. Тарозининг ҳар иккала палласи қумушдан ишланган бўлиб, айланаси беш сантиметри ташкил этади.

Бу топилма Урта Осиёда камёб, Тошкент атрофида эса ягона ҳисобланади. Худди шунга ўхшаш, аммо, ҳамми бироз каттароқ тарози Фарғона водийсининг қадимий пойтахти Ахсиқат

ҳаробаларидан ҳам топилган эди.

Афтидан, бундай тарозилар ўрта аср зарғари, кимёгар-доришunos ёки иши аниқ ҳисоб билан боғлиқ бошқа усталарга зарур бўлгандир.

## ҚОР ОДАМ БОРМИ?

Чет эл матбуотида қор одам ҳақида тез-тез хабар берилади. Уларда айтилишича, қор одам Ҳимолой тоғларининг қайсидир бурчида кимёлол айланиб, сайр қилиб юрган эмиш. Баъзи бир монастирларда эса қор одамнинг сочи, қўл ва оёқлари ҳам кўрсатилмоқда. Албатта, текинга эмас.

Янгизеландиялик бир альпинист бундай миш-мишларга мутлақо ишонмайди. Унинг айтишича, қор одамнинг ўзи йўқ нарса, фақат бойлик кетидан қувганларгина ана шундай миш-мишларни тўқиб чиқарадилар. Альпинист ўз фикрини исботлаб ҳам берди.

Жомолунгма чўққисига чиққан альпинистнинг фикрича, қорли тоғларга йўл олган альпинистларнинг излари узоқ йиллардан сўнг кўшининг ўткир нурлари мунтазам тушиб турган жойларда бироз эриб катталашиб қоларкан. Ана шу катталашган оёқ изи бир неча йилдан сўнг ўз рамзий кўринишини йўқотади ва бутунлай нотаниш ҳайвоннинг изига ўхшаб қолади. Буни кўрганлар эса дарҳол қор одамнинг изи топилди, деб шов-шув кўтардилар.

## КИМ ОШДИ САВДОСИ...

Нью-Йорк аукционда буюк математик олимлар қаламига мансуб бўлган 450 та қўлёзма ва қадимий китоблар шахсий коллекцияси сотилди. 1929 йили машҳур математик Альберт Эйнштейн ўз назарисини баён этган олти varaқли қоралама 38,5 минг долларга пулланди.

## МУҚОВАДА

Биринчи бет: Машҳур қуювчи, КПСС XXVI съезди делегати, СССР Давлат мукофоти лауреати Доновой Бекмуродов.

Иккинчи бет: 1. Қуювчи Анатолий Речинский. 2. Заводнинг илгор ишчиси Эрмат Нишонов. 3. Олмалиқ шахридаги Мис эритиш металлургия цехининг умумий кўриниши.

Учинчи бет: 1. Чимён. 2. Угам дарёси.

Тўртинчи бет: Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Кимё институтида. Суратда: техник лаборантлар Р. Мираҳмедова, М. Расулова. Н. Шарилов фотоси

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Ушбу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Литературная газета», «Известия» газеталари ҳамда «Вокруг света» журналидан фойдаланилди.



## «ЎЗБЕКИСТОН» ЧАЙНВОРДИ

1. Ўзбекистон ССР тарихий шаҳарларидан бири. 2. Мирзачўлда барпо этилган ёш шаҳарлардан бири. 3. Ўзбекистондаги йирик сув омборларидан бири. 4. Ўзбек театри саҳнасига биринчи бўлиб чиққан таниқли раққос. 5. Фарғона водийсидаги анъанавий гул сайли ўтказиладиган шаҳар. 6. Республикадаги тизма тоғ. 7. Буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино туғилган қадимий қишлоқ. 8. Ипак газлама. 9. Фарғона водийсидаги сероув дарё. 10. Тошкент области билан қардошлик алоқалари боғлаган Болгариядаги округ. 11. Донгдор пахтакор, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. 12. Атоқли ўзбек кимёгар олими. 13. Бухоро областидаги район. 14. Таниқли раққоса, СССР халқ артисти. 15. Ўзбекистондаги йирик кўмир кони. 16. Ўзбекистондаги кенжа область. 17. «Қутлуг қон» романи қаҳрамони. 18. Москва областидаги мусобақадор тўқимачилар шаҳри. 19. Тошкент областидаги кимёгарлар шаҳри. 20. Биринчи ўзбек овозли фильми. 21. Марказий Фарғонадаги кўл. 22. Сирдарёдан сув олувчи «сунъий денгиз». 23. Тошкент билан биродарлашган Африкадаги шаҳар. 24. Туркиястонлик уш тўрт комиссарлардан бири, революционер. 25. Қадимий чинорлари билан машҳур бўлган Фарғона водийсидаги хушманзара қишлоқ. 26. Хоразм ашула ва рақе ансамбли. 27. Қўриқ пахтакор районлардан бири. 28. Ташабуқкор сўт соғувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. 29. Сирдарё областидаги шаҳар. 30. Фарғона областидаги қулолчилик маркази. 31. Наманган областидан оқиб ўтувчи дарё. 32. Автоном республика пойтахти.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

## 5-СОНДА БОСИЛГАН КРИПТОГРАММАНИНГ ЖАВОБИ

Очқич сўзлар: I. Деҳқанкор. II. «Гул ва Наврўс». III. «Зафарнома». IV. Япан. V. Навоий. VI. «Ироқ». VII. Мунис VIII. Адабиёт. IX. Лапар.

Кўргамен ногаҳ диндорнинг дардини.  
Тортгамен кўзга аёқнинг дардини.  
Топқамен, деб, наслидин ул кун даво,  
Тортгарам доим фироқнинг дардини.

Лутфий

## Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Баҳодир АМИНОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош расом), Маҳмуд МУЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ (масъул секретарь), Ислиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХУҲАЕВ.

«Гулистон» — ежемесияний, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана [на узбекском языке].

Адресимиз: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 333520; бош редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь — 325833; ижтимоий-сиёсий бўлим — 333602; адабиёт ва санъат бўлими — 333659; фан ва маданият ҳамда расомлар бўлими — 325832. Босмахонага туширилди 17.05.84 й. Босишга рухсат этилди 18.06.84 й. Р — 14074. Қоғоз 70×1081/4. Боғиқ усудла босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 233570. Вуорътма № 3612. Нашр В. 115.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000, Тошкент. ГСП. «Правда Востока» кўчаси, 26.



